

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ТАРИХ” КАФЕДРАСИ

**Ҳуқуқшунослик
ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**



БУХОРО - 2013

Фаннинг ўқув услубий қўлланма ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган ва БухМТИ ўқув услубий кенгашида муҳокама этилиб, фойдаланишга тавсия қилинган (Баённома №1. 2013 йил 29 август)

Тузувчилар:

т.ф.н. Б.Т..Мирзақулов, т.ф.н.Ф.Х.Бобожонова,
катта ўқитувчи Л.С.Султанова,
асс. М. М. Алимова

Такризчилар:

Мухаммаджанова. Л.П.- БМТИ, "Тарих" кафедраси доценти

Очилов У. У - БухДУ доценти

Мухаррир: т.ф.н. доц. Аминов Ф.М.

Фаннинг ўқув услубий қўлланма "Тарих" кафедрасининг 2013-йил 20 июндаги № 11 сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва ўқув услубий кенгашида муҳокамага кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

К И Р И Ш

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин олдимизда иқтисодий тараққиётнинг қайси йўлини танлаш масаласи турган эди. Бу масалада ҳеч қандай иккиланишларсиз юртбошимиз Ўзбекистоннинг ўзига мос, ўзига хос равишда бозор муносабатлари тизimini қарор топтириш йўлини эълон қилди. Бу борада энг муҳим вазифалардан бири –бу бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратиш эди. Чунки бозор тизими нафақат иқтисодий муносабатлар, балки бу муносабатлар субъектлари ҳатти ҳаракатларини тартибга солувчи юридик меъёрлар ҳам ҳисобланади.

Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш иқтисодиётнинг асосий йўналиши сифатида белгилаб қўйилди ва уни ҳуқуқий таъминлаш тамойиллари ҳам ўз ифодасини топди. Бинобарин, Асосий Қонунимиз бу борада етакчи манба ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг асосий шартларидан бири жамият аъзоларида зарур даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир. Айниқса, талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бу борада ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гап борганда, биринчидан, унинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, тушуниши ва тўғри англаши, иккинчидан, булардан амалий фаолиятида фойдаланиш ҳақида фикр юритмоқ лозим. Талабалар ҳуқуқий маданиятининг асосий элементларидан бири-бу ҳуқуқий фаолликдир. Ҳуқуқий фаолият ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқ ва қонунларга бўлган ҳурматига таянади. Ҳуқуқ жамиятдаги барча муносабатларни тартибга солар экан, ҳуқуқий ҳуқ-атвор ва фаолият келажакда республикаимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У ёшларимизга ўзларининг меҳнат, дам олиш, сиёсий ва маданий ҳаётдаги шахсий ҳуқуқлари, қизиқишларини қондиришда қонунлардан фойдаланишга имкон яратади.

Олий мақсадимиз адолатли демократик жамият барпо этиш экан, энг аввало, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларининг мазмун-моҳиятини,

қонунларнинг манфаатимизга хизмат қилишини чуқур англаб олиб, ҳақ-хуқуқларимиздан тўғри ва одилона фойдалана билишимиз керак.

Президентимиз И. Каримов “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” асарида шундай ёзган: “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини ва бошқа ажралмас ҳуқуқи ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролар жамиятини шакллантириш сиёсатимизнинг олий мақсадидир”. Демак, бундай давлатни вужудга келтириш учун бутун аҳолини ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳуқуқий фаолликни ошириш лозим. Зеро, демократиянинг энг муҳим тамойилларидан бири қонуний-ҳуқуқий замин яратилишидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқни ўрганиш, унинг турли соҳаларини чуқур таҳлил эта билиш ва ҳуқуқий хулоса чиқара олиш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқшунослик фанини ўрганиш бу вазифани адо этишда талаба-ёшларга яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Режа:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети ва вазифалари.
2. Фуқаролик жамияти ва давлат тушунчаси.
3. Давлатнинг келиб чиқиши, унга доир назариялар.
4. Давлатнинг белгилари, шакллари ва функциялари.
5. Ҳуқуқий давлат тушунчаси.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети ва вазифалари.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юридик фанларнинг ривожлантирилишини илмий-назарий ва амалий тадқиқ қилиб ўрганиш борасида улкан вазифаларни бажаришни тақозо этмоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида юридик фанларнинг жумладан, уларнинг методологик асоси бўлган давлат ва ҳуқуқ назариясининг ривожланиши ва уни ўқитишнинг янги усул ва методларини амалиётда самарали жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқий фанлар тизимида ўзига хос юридик пойдевор бўлиб, уни ҳуқуқий фанлар тизимининг алифбосига қиёслаш мумкин. Чунки давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат, ҳуқуқ тушунчаси, унинг вужудга келиши, моҳияти, уни белгилари, ривожланиш босқичларини ва ўзига хос демократик хусусиятларини ёритиб беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси тўғрисидаги умумлаштирилган назарий – услубий билимлар тизимини ифодалайди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси – давлат ва ҳуқуққа тегишли билимлар тизимидир. Унинг предмети давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгариши тўғрисидаги қонуниятларни ўрганишдир. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг объектини ўрганиш ибтидоий

жамоа тузумининг инқирозга юз тутиши жараёнларини таҳлил этиш ҳамда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ҳодисаларнинг вужудга келишидан бошланади, сўнгра давлат ва ҳуқуқ асосида ётувчи мукамалроқ муносабатлар ўрганилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг универсал методлари – бу тарихийлик ва мантикийлик принципларидир. Ушбу принципларнинг уйғунликда амалга оширилиши давлат ва ҳуқуққа оид ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгаришига доир жараёнларни асл ҳолда эътиришни талаб қилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг умумий ўзига хос хусусиятларини, жаҳон тараққиёти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг кишилиқ жамияти тараққиётига мувофиқ ривожланиб ва шаклланиб демократлашиб бориши янгида- янги методологик йўналишларга ҳамда юридик муносабатларнинг цивилизация шароитида жамиятни бошқаришга асосланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси усуллари (методи) унинг предмети билан чамбарчас боғлиқдир. "Методология" сўзи юнонча сўздан олинган бўлиб, "бирор нарсани ўрганиш йили, усули"ни англатади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг давлат ва ҳуқуқ тушунчасини аниқлашга ёрдам берувчи махсус илмий усулларни ўз ичига олади.

- **Формал-мантикий усул** – давлат ва ҳуқуқ объектининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шакли ва услубда мавҳумлик ва мантикий қонуниятларга асосан ўрганади.
- **Расмий- юридик усул**-юридик тушунчаларга таъриф ва тасниф берилади, шарҳланади:
- **Қиёсий-ҳуқуқий усул**-қиёслаш, солиштириш орқали ўрганилади.
- **Моделлаштириш усули**- математик-моделлаштириш, алгоритмлар, компьютердан фойдаланиб ўрганилади
- **Социологик усул** – сўровнома, кузатишлар олиб бориш орқали ҳодиса ва жараён ўрганилади.

- **Статистик усул – статистик**(ҳисоб-китоб) маълумот асосида ўрганилади.

Фуқаролик жамияти ва давлат тушунчаси. Фуқаролик жамияти- конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурий ва оқилона усули яъни инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлигининг шакллари эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган тузумдир. Фуқаролик жамияти жамиятга хизмат қиладиган давлатни назорат қилади. Фуқаролик жамияти – ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали сақлаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Бундай жамият ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши керак, чунки давлат – фуқаролик жамиятнинг “ёлланма хизматкори”. Зеро, у фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига мавжуд бўлади. Мазкур жамият нафақат ўзининг сиёсий, маданий ҳаётини, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ҳам бошқариб туради. Ҳамма жамиятни ҳам фуқаролик жамияти деб бўлмайди. Фуқаролик жамияти анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиши кўрсаткичидир.

И.А.Каримов таъбири билан айтганда, давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Бизнинг асосий мақсадимиз – бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат.(Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4.Тошкент, 1996, 90- бет.

Маълумки, давлат, ҳуқуқ ва жамият бир- бирига боғлиқ тушунчалардир. Буларнинг ичида жамият энг кенг маънога эга тушунча.

Давлат ҳокимиятнинг ичида мавжуд бўлиб ҳуқуқни келтириб чиқаради. Ўз ўрнида ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Давлат ва ҳуқуқ таъсири билан жамият ўзгаради. Ҳуқуқ давлат учун ҳам жамият учун ҳам муҳим бўлгани ҳолда ҳамма учун мажбурий ҳисобланади.

Жамият ва давлат ўзаро алоқадор, аммо тенг аҳамиятга эга эмас. Моҳияти жиҳатидан улар айнан бир нарса эмас. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукамал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғунлашган муносабатга эга. Жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамисиз ҳал қилади. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг ўзи эплайдиган масалаларда фуқаролик жамиятига васийлик қилиш эҳтиёжига эга эмас. Демак, фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсати, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

Президентимиз И. Каримов айтганларидай: “Демократик жамият- бу энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни – шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди”.

Фуқаролик жамияти қурилиши – бу фақат сиёсий тизимни демократлаштириш эмас, балки иқтисодда ҳуқуқий принципларни тиклаш, ҳўжалик фаолиятини демократик асосларда тубдан қайта қуриш ҳамдир.

Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари , унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада руёбга чиқаришга кўмаклашади.

Давлатнинг келиб чиқиши, унга доир назариялар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқий фан сифатида талабалар ва барча қизиқувчилар учун давлат, жамият ва инсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш қонуниятларини, ўзаро муносабатларини, уларнинг вужудга келиши ва

ривожланиб бориши каби илмий назарий билимларнинг шаклланиб боришига хизмат қилади.

Давлат бирданига юзага келмади, балки аста-секин, вужудга келаётган синфлар ўртасидаги зиддиятлар кучайиши давомида пайдо бўлди. Инсоният давлат пайдо бўлгунига қадар ўз тараққиётида узоқ йўлни босиб ўтган. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган ибтидоий жамият бир-биридан асосан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан фарқ қиладиган ёввойиллик, варварлик ва цивилизация каби уч босқични ўтган.

Давлат ҳали уруғчилик тизими ичидаёқ шаклланган бошқарув органларини қисман ўзгартириб қисман янги органларни жорий этган ҳолда сиқиб чиқариб юзага келди ва ниҳоят, уларни ҳақиқий давлат ҳокимияти билан алмаштиради. Меҳнат қуролларининг ривожланиши ва такомиллашиши, йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти меҳнат унумдорлиги ошиб, ортиқча маҳсулот ҳосил бўлган, бу эса хусусий мулкчилликка ва жамиятнинг мулкий жиҳатдан қатламларга ажралишига олиб келган. Шу тариқа, асосий машғулот хусусий мулкчилик муносабатларини ва мулкдорлар манфаатини муҳофаза қилишдан иборат бўлган махсус гуруҳлари вужудга келган.

Ибтидоий жамиятда оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиқлари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган. Агар давлат пайдо бўлгунича мавжуд бўлган жамиятда ижтимоий ҳокимиятни сақлашнинг асосий воситаси олий руҳонийларнинг шахсий обрўси бўлса, давлат ҳокимиятининг моҳиятини мажбурлаш ташкил эта бошлаган.

Инсоннинг жамиятдаги мавқеи ўзгарган. Олдин унинг мавқеи алоҳида шахснинг оилага, уруққа ёки қабилага мансублиги билан белгиланса, эндиликда унинг мавқеи мулкий ҳолатига ва давлат ҳокимияти эгаларига шахсий яқинлигига қараб белгиланган. Давлатнинг пайдо бўлиши турли халқларда турлича юз берди. У ўзининг шаклланиши ва ривожланишида узоқ

ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Энг аввало мажбурлашга асосланган давлат дастлабки босқичларида етарлича ривожланмаган сиёсий ҳосила бўлган.

Маълумки, минг йиллар мобайнида инсоният давлат-ҳуқуқ муносабатлари мавжудлиги шароитларида яшаб келмоқда. Одамлар маълум бир давлат фуқароси бўлиб, давлат ҳокимиятга бўйсундилар, Ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий кўрсатмалар ва талабларга мослаб келдилар. Шунга кўра, албатта, қадим замонлардан буён давлат ва ҳуқуқ нима учун ва қандай қилиб пайдо бўлган, деган фикр улар онгини банд этиб келади.

Биз давлат ва жамиятни фарқловчи ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини алоҳида муаммо сифатида ажратиб қаровчи назарияларни кўриб чиқамиз. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида қуйидагича назариялар мавжуд:

Теологик (илохий) назария – унинг тарафдорлари (Ф.Аквинский, Ж.Маритен) давлатни худо яратган деган ғояни илгари суради. Бу назария қадимда пайдо бўлган ва ўрта асрларда кенг тарқалган.

Патриархал назария – давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Назария дастлаб Юнонистонда пайдо бўлган ва Аристотел асарларида асослаб берилган. XVIII асрга келиб инглиз олими Фильмернинг “Патриарх” асарида ривожлантирилган.

Шартнома назарияси – ХҲИИ- ХҲИИИ асрларда тарқалган бўлиб, унга кўра давлат-ўзаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти бўлиб, ана шу шартнома асосида улар ўзларининг эркинликлари ва ҳокимиятнинг бир қисмини давлатга берадилар. Назарияни Гроций, Спиноза, Локк, Гоббс, Руссо, Радищев ривожлантирган.

Зўравонлик назарияси. Мазкур назария XIX асрда дунёга келган. Л.Гумплович, К. Каутский, Е. Дюринг ва бошқалар унинг намоёндалари эди. Улар давлатнинг пайдо бўлишини мутлақ ҳарбий-сиёсий хусусиятдаги омиллар — бир қабила (қабилалар иттифоқи) томонидан иккинчисининг зўрлик билан босиб олиниши билан изоҳлашган. Шу тарика сиёсий ҳокимият ва давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ва асосини улар иқтисодий

муносабатларда эмас, балки бир хил қабилаларнинг бошқаларини босиб олишида, зўравонликда, асоратга солишда кўрардилар. Худонинг неъматлари хам, ижтимоий шартнома ёки озодлик ғояси хам эмас, балки душман қабилаларнинг тўқнашуви, кучларнинг қўпол устунлиги, уруш, кураш, вайронагарчилик, бир сўз билан айтганда, зўравонлик — «давлатнинг ота-онаси ва дояси шулар», — дейди Л. Гумплович.

Ушбу назария таҳлил этиларкан, қуйидагиларни қайд этиш жоиз. Давлатнинг пайдо бўлиши учун жамият иқтисодий тараққиёти даражаси шундай бўлиши керакки, у давлат маҳкамасини боқиш қудратига эга бўлсин. Мабодо, бу даражага эришилмас экан, ҳеч қандай босқинчиликлар ўз-ўзидан давлатнинг пайдо бўлишига олиб келмайди. Давлат юзага келиши учун босиб олиш чоғида ички шарт-шароитлар пишиб етилган бўлиши зарур. Олмон ёки венгер давлатларининг пайдо бўлиши худди шу тарздаги шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлганди.

Руҳий (психологик) назария. Бу назария намоёндалари давлатнинг пайдо бўлиш сабабларини инсон руҳияти хусусиятлари билан, унинг биопсихик инстинктлари ва шу қабилар билан боғлайдилар. Таниқли рус олими Л.И.Петражицкий давлатнинг пайдо бўлишини исботлашга ҳаракат қилар экан, гуё инсон руҳияти (психикаси)га хос бўлган «буюк» шахсларга тобелик, бўйсунлишга мойиллик мавжуд, деган ғояни илгари суради.

Шунинг учун инсон руҳияти хусусиятлари уларнинг амалга ошишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Бироқ бу таъсир ҳал қилувчи аҳамиятга молик эмас, бунинг устига, руҳиятнинг ўзи тегишли иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ташқи шарт-шароитлар таъсирида шаклланади. Айнан шу жиҳатлар биринчи навбатда ҳисобга олиниши зарур.

Ислом назарияси. Бу таълимот исломда фикҳ фани доирасида ВИИ-Х асрларда таркиб топган. Уни таърифлашда фикҳ фанида ҳокимият муносабатларини тартибга солувчи Қуръон ва Сунна қоидалари кўп эмаслигини назардан қочирмаслик муҳим. Бундан ташқари, «давлат» атамасининг ўзи улар томонидан қўлланилмайди. Фақат «имомат»

(дастлабки маъноси намозга имомлик) ва «халифалик» (ворислик) тушунчаларигина мавжуд. Улар фақат кейинчалик мусулмон давлатини ифодалашда қўлланила бошлаган. Шу тарздаги тушунчадан келиб чекиб, халифалик вазифаси олий дунёвий (сиёсий) ҳокимияти амалга ошириш ва мусулмон жамоаси даражасида динни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган ташкилотдир, деган хулосага келинган.

Марксистик (тарихий-материалистик) назария. Ушбу назариянинг пайдо бўлишини, хато унчалик тури бўлмаса-да, одатда, Маркс ва Энгельс номлари билан боғлашади. Худди шунинг учун ҳам тарихий-материалистик концепция икки хил ёндашувни ўз ичига олади. Улардан бири - мустабид шўро тузуми даври фани жуда ёқтирган ёндашув - синфларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги антагонистик зиддиятлар, синфий курашнинг муросасизлигини ҳал қилувчи аҳамиятга молик деб ҳисоблайди. Унга кўра, давлат ана шу муросасизлик маҳсули сифатида, ҳукмрон синфнинг бошқа синфларни бостириш қуроли сифатида вужудга келади.

Иккинчи ёндашув иқтисодий тараққиёт натижасида жамиятнинг ўзи, унинг ишлаб чиқарувчи ва тақсимот соҳалари, умумий ишлари мураккаблашишидан келиб чиқади. Бу бошқарувни такомиллаштиришни талаб этади ва пировардида давлатнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Айнан тарихий-материалистик назария илмий заминга эга. Лекин, шу билан бирга, юқорида айтиб ўтганимиздек, муросасиз синфий қарама-қаршиликлар фақат муайян тарихий шароитлардагина давлат пайдо бўлишининг сабаби сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Аслида, кўпинча умумий ишларни адо этиш, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, меҳнат тақсимотининг бир шакли сифатида ушбу бошқарувни ихтисослаштириш зарурати давлатнинг вужудга келиши сабаблари сифатида майдонга чиқади.

Ирригация назарияси – Қадимги Шарқда йирик ирригация иншоотлари қурилиши жараёнида давлат пайдо бўлган деб тушунтиради. Немис олими Виттфогелнинг “Шарқ истибдоди” асарида баён этилган.

Давлатнинг белгилари, шакллари ва функциялари.

Давлатнинг моҳиятини тушунишда уч асосий назарий ёндашув мавжуд: 1.Ижтимоий ёндашув; 2.Синфий ёндашув; 3. Сиёсий-ҳуқуқий ёндашув. Демак, давлат-умумийи муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади – ижтимоий ёндашув. Давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган, синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади – синфий ёндашув. Давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир – сиёсий-ҳуқуқий ёндашув.

Давлат-бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов апаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотидир.

Давлат-жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир. Давлат-ҳокимиятнинг бош институтидир. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

Давлатнинг асосий белгилари: Давлатнинг белгилари- бу мустақил мамлакат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мустақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, аҳолиси, давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги, солиқ тизими бўлиши лозим. Давлатнинг белгилари уни мустақил сиёсий ташкилот, тузилма сифатида англатиб турувчи кенг қамровли хусусиятлари, белгиларидир. Давлатлар давлат сифатида эътироф этилиши учун ўзига хос бир қатор хусусиятларига эга бўлиши лозим. Давлатнинг белгилари, характери ва ўзига хос жиҳатлари унинг тарихий ривожланиши ҳамда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. **Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги.** Бу аҳолининг маълум маъмурий ҳудуд, давлат чегаралари доирасида яшашлигидир. Давлат дастлаб пайдо бўлган даврларда аҳолида уюшган қариндошлик, қабила-

уруғ асосида амалга оширилган, аниқ чегаралаган ҳудудга эга бўлиб, мазкур ҳудудда яшайдиган аҳоли давлатнинг фуқаролигига айланган. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги узоқ тарихий даврларда ва тарихан яқин, маданияти, урф- одати ва ўзига хос жиҳатлари билан уйғун халқлар орасида юзага келади.

2. Давлат ҳокимиятининг, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг мавжудлиги. Бу халқ номидан иш кўриш мумкин бўлган расмий давлат ҳокимиятидир. Давлат ҳокимиятининг ўрни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг мажбурият давлат маҳкамасининг мавжудлигида намоён бўлади.

3. Давлат суверенитети. Ҳар бир давлатнинг эркинлиги, мустақиллигини англатувчи, давлатнинг чиқи ва ташқи сиёсатида мустақил сиёсат олиб бориши ифодаланади. Давлат ҳокимиятининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида мустақил сиёсат олиб боришини ифодалайди.

4. Ҳуқуқий тизимнинг мавжудлиги. Давлат ҳамма вақт ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ҳуқуқсиз мавжуд бўлмайди. Бу ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва давлат томонидан мутаҳкамланган, ижро этилиши умумий мажбурий бўлган нормалар, ҳуқуқ- атвор қоидалари.

4. Солиқларнинг мавжудлиги. Аҳолидан давлат аппаратини сақлаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам беришга сарфланадиган солиқларни тўплаш.

5. Умуминсоний функцияларни бажариш. Ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фарвонлик мақсадларини амалга ошириш.

Давлатнинг асосий функциялари- давлат фаолиятининг асосий йуналишлари бўлиб, у давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш имконини беради. Давлатнинг функциялари- бу давлат фаолиятининг жамиятни бошқариш жараёнида тегишли шакл ва усуллар ёрдамида давлатнинг мақсад ва вазифаларини, моҳияти ва ижтимоий ҳуқуқий

белгиларини ифода этади. Давлат функцияси фаолият доирасига кўра 2 га бўлинади:

1. Ички функциялар-давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларни, яъни хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, молиявий назорат, жамиятда тинчлик, тотувликни ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, табиатни муҳофаза этиш ва бошқалар киради.

2. Ташқи функциялар – давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналшилари белгилайди. Давлатнинг ташқи функцияси халқаро ҳамкорлик, ташқи- сиёсий фаолият, ташқи иқтисодий фаолият, иқтисодий жараёнларни интеграциялаш, муҳофаа ва хавфсизлик ва бошқалардан иборат.

Давлатнинг шакллари:

Бошқарув шаклига кўра: Монархия ва республикага бўлинади.

Монархия—олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқаруви шаклидир. Монарх (юнонча “монархос”) сўздан олинган бўлиб якка ҳокимлик, танҳолик маъносини англатиб, давлат бошқарувини бир киши бошқарилиши тушинилади. Монархиянинг асосий белгилари: Монархия давлатни шахсийлаштиради, монарх ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади; Монарх давлатни якка ўзи бошқаради; Монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади; Монарх ўз фаолиятида расман мутлақдир; Муддатсиз, умрбод бошқарув ҳисобланади. Монархиянинг шакллари – мутлақ ва чекланган (ёки парламентар) шаклларда бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа бирорта идора билан чекланмаган монарх (кирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида), бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Агар монархнинг ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган бирор- бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади (масалан, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция).

Республика (лотинча рес- иш, публикус- жамоатчилик) давлат бошқаруви шаклларида бири бўлиб, бунда давлат ҳокимиятинин юқори органи сайланади, ёхуд умуммиллий ҳокимият (парламент) томонидан шакллантирилади, фуқаролар эса шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар билан таъминланадилар. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 140 дан ортиқ давлатида республика бошқарув шакли мавжуд. Республикада бошқарув шаклига кўра **президентлик, парламентар ва аралаш типдаги** (ярим президент) республикалари кўринишида бўлади.

Президентлик республикасининг юридик фарқли томони шундаки, бунда умумхалқ овоз бериш йули орқали сайланадиган президент давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, АҚШ, Мексика ва ҳоказо).

Парламентар Республика (Италия, Германия, Венгрия, Латвия) ҳуқуқий томондан шу билан характерланадики, бунда парламент ўз олдига сиёсий жавобгар ҳукуматни ва президентни сайлайди, президент фақат давлат бошлиғи ҳисобланади, лекин ижро ҳокимиятига раҳбарликни ўз кўлига ола билмайди. Президент ўз ваколатларини фақат премьер-министр томонидан бошқариладиган ҳукумат таклифига биноан амалга оширади.

Аралаш типдаги(ярим президент) республикаларда (Франция, Финландия, Руминия) президентлик элементлари билан парламент элементлари уйилган бўлади. Президент (давлат бошлиғи)умум овоз бериш йули билан шакллантирилади ва фақат президент олдида эмас, балки парламент олдида ҳам жавобгар бўлади. Президент, премьер-министр бошқарувчи ҳукуматга нисбатан фақат умумий раҳбарликни амалга оширади. Президент маълум бир ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

III. Давлат тузуми шаклига кўра:

Унитар (оддий, яхлит давлат) давлат таркибида ҳеч қандай давлат тузилмалари мавжуд бўлмаган яхлит давлат дир.Ҳозир жаҳонда энг кўп тарқалган давлат тузилиш шаклларида биридир.Улар қаторида Италия,

Япония, Украина ва бошқалар киради. Унитар давлат ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган маъмурий ҳудудий қисмлар (вилоятлар, регионлар, губерния, графликлар) га бўлинади. Ўзбекистон ҳам унитар давлат ҳисобланади.

Унитар давлат - бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлат вилоят, област, округ, воеводство, район, туман дсб турлича номланадиган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади. Унитар давлат одатда бир миллатли бўлади.

Унитар давлат белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) бутун мамлакат миқёсида бир ҳил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;
- 2) битта конституция;
- 3) ягона қонунчилик тизими;
- 4) ягона фуқаролик;
- 5) ягона пул бирлиги;
- 6) барча маъмурий ҳудудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ, ва кредит сиёсати;
- 7) унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни том маънодаги давлатлар эмас);
- 8) ягона армия.

Федератив давлат (лотинча “феодус”- “иттифоқ”) унитар давлатга қараганда мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг субъектлари бирмунча сиёсий мустақилликка эга бўлади. Федерация- бу давлатлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибига иттифоқ ҳудудлари билан расмий чекланган, юридик мустақилликка эга бўлган давлат тузилмалари киради. Кўпинча “федератив” давлат термини ўрнига “иттифоқ” давлат термини ҳам ишлатилади (масалан, собиқ Югославия иттифоқи). Федератив давлатлар таркибига кирган давлат тузилмалари турлича номланади: Германияда ерликлар, АҚШ, Ҳиндистонда штатлар, Канада ва Покистонда провинциялар, Бирлашган Араб Амирликларида амирликлар, Швецарияда кантонлар деб аталади.

Федератив давлат - мураккаб, иттифоқдош давлат. Одатда у бир қатор давлатларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бирлашганидан кейин бу давлатлар федерация аъзолари ёки субъектлари бўлиб қоладилар. Улар турлича аталиши (штатлар, ўлкалар, давлат) ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларига эга бўлиши мумкин. Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади: федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида. Федерал даражада президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин, федерация субъектлари даражасида ҳам худди шундай бўлиши, яъни президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин.

Федератив давлат белгилари:

- 1) федерация ҳудуди унинг субъектлари ҳудудидан ташкил топади;
- 2) олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал давлат органларига тегишли бўлади;
- 3) федерация субъектлари ва федерациянинг ўзи ўртасидаги ваколатлар иттифоқ конституцияси билан ажратилади;
- 4) федерация субъектлари ўз конституцияси, ўзларининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга;
- 5) федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси икки палатали тузилишга эга (федерация аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи палата мавжуд);
- 6) икки фуқаролилик (иттифоқ ва федерация субъектлари фуқароси).

Федерация ҳудудий ва миллий турларга бўлинади.

Худудий федерация қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) федерациянинг ушбу туруни ташкил этувчи давлат тузилмалари суверен давлатлар бўлмайди;
- 2) субъектлар халқаро муносабатларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидан конституция билан маҳрум этилган;
- 3) иттифоқдан бир томонлама чиқиш тақиқланган;
- 4) қуролли кучларни иттифоқ идораси бошқаради.

Миллий федерациянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) субъектлари - миллий давлатлар ва миллий-давлат тузилмалари;
- 2) федерация субъектлари ихтиёрийлик принципига мувофиқ. бирлашадилар;
- 3) катта ва кичик миллатлар суверенитети кафолатланади;
- 4) олий давлат идоралари федерация субъектларининг вакилларидан ташкил этилади;
- 5) миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Жаҳонда 20 тадан сал кўпроқ, федерациялар бор. Федерация ва улар субъектлари ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам уйғун эмас. Тез-тез бунинг акси ҳам бўлади. Миллий-худудий принцип бўйича тузилган федерациялардан Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия тарқалиб кетди.

Ҳозир амал қилаётган федерацияларнинг мисоли сифатида, Америка қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Бразилия, Россия Федерацияси, Ҳиндистонни келтириш мумкин.

Конфедератив давлат. Хорижий мамлакатларнинг худудий давлат тузилиши шакллари ичида халқаро шартномалар асосида ташкил топган тузилмалар ҳам мавжуд. Бундай давлат худудий тузилмалари конфедерация деб аталади. Конфедерация- бу маълум бир мақсад йўлида бирлашган давлатлар иттифоқи. Швейцария (1848 йилгача), Европа Иттифоқи – конфедератив давлат. Конфедерация Федерациядан фарқ қилган ҳолда у иттифоқ давлат эмас, балки давлатлар иттифоқи ҳисобланади. Конфедерация иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, божхона ва бошқа мақсадларда тузилиши мумкин.

Конфедерация - ўз суверенитети, ўз мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқидир. Конфедерацияда ягона худуд, ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат – халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқий субъекти.

Конфедерация белгилариқуйидагилардан иборат:

- 1) конфедерация - муайян мақсадларга эришиш учун бирлашган мустақил давлатлар иттифоқи;

- 2) конфедерация - мустаҳкам бўлмаган тузилма;
- 3) ягона ҳудуднинг йуқлиги (конфедерация унинг аъзолари бўлган давлатлар ҳудудидан ташкил топади);
- 4) ягона фуқароликнинг бўлмаслиги;
- 5) конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар;
- 6) конфедерация субъектлари иттифок, ҳокимияти қонун ҳужжатларини нулфикация қилиш (эътироф этмаслик ёки қўлламаслик) ҳуқуқига эгадирлар;
- 7) конфедерация ваколатига унча кўп бўлмаган (уруш ва тинчлик, ҳалқаро сиёсат ва х. к.) масалаларни ҳал этиш киради;
- 8) конфедерация бюджет унинг аъзоларининг ихтиёрий бадалларидан ташкил топади.

Конфедерация мисоли сифатида 1848 йилгача бўлган Швейцарияни, ҳозир эса Европанинг 15 давлатини бирлаштирган Европа Иттифоқини келтириш мумкин.

Сиёсий режимга кўра давлат шакллари.

- Демократик (вакиллик демократияси, бевосита демократия).
- Антидемократик (фашистик, тоталитар).

Давлат механизми. Жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасалари тизими. Давлат идораси (органи) – давлат механизмининг қонунга мувофиқ равишда ўз тузилишига, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасини бошқариш бўйича аниқ белгиланган ваколатига эга бўлган ҳамда давлат механизмининг бошқа қисмлари билан узвий алоқадорликда бўлган ва яхлит бирлик ҳосил қиладиган таркибий қисмидир.

Ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари. Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат. Ҳуқуқий давлат ғояларининг илдизи

жуда чукур. Унинг бошида халқ ҳокимияти ташкил этилишининг назарий асосларини кўрган Салон, Аристотель, Цицерон турган эди. ХЙИИ асрнинг мутафаккири Д.Локк ҳуқуқнинг ҳукмронлиги конун ҳукмронлик қиладиган давлат кўринишида тасаввур қилди. Ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий асосини И.Кант ифодалаб берди. “Давлат- бу ҳуқуқий конунларга бўйсундирилган жуда кўп одамларнинг бирлашувидир”. Ҳуқуқий давлат ғоясининг моҳияти-ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳуқуқнинг устун бўлишидadir. Ҳуқуқий давлат белгилари: Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги; Конституция ва конунларнинг устунлиги; Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш, таъминлаш; Давлат ва фуқаронинг ўзаро маъсулияти; Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши; Суднинг мустақиллиги; Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ишлаши; Ҳуқуқий маданиятнинг юқори эканлиги; Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир”. //Халқ сўзи, 2010 йил, 28 январ.
- Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, 2010й.
- Исломов З., Ҳусанов О., Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. Т.2001й.
- Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Т.,2009
- Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. Т. ТДЮИ. 2004 й.
- Нажимов М., Сайдуллаев СҲ. Давлат функциялари. Т.ТДЮИ. 2004й.
- -Х.Ҳ Махмудов ва бошқалар.Ҳуқуқшунослик.Тошкент 2010 йил

ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, МОҲИАТИ БЕЛГИЛАРИ, ТИЗИМИ ВА МАНБАЛАРИ.

Режа:

1. Ҳуқуқнинг белгилари, вазифалари.
2. Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар.
3. Ҳуқуқий муносабатлар: тушунчаси, моҳияти ва хусусияти. Ҳуқуқ ва ахлоқ.
4. Ҳуқуқ нормалари, тизими. Ҳуқуқ манбалари.
5. Ҳуқуқбузарлик, белгилари, турлари. Юридик жавобгарлик

Ҳуқуқнинг белгилари, вазифалари. Ҳуқуқ – бутун жамиятнинг умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари тизимида ифодаланган иродасидир. Ҳуқуқ атамаси бир томондан ижтимоий мазмунга, иккинчи томондан юридик мазмунга эгадир. Шахснинг хулқ-атвори ахлоқ, урф-одатлар, анъаналар нуқтаи назаридан асосланган ҳолларда умумижтимоий маънодаги ҳуқуқ тўғрисида сўз беради. Ҳуқуқ тўғрисида юридик ҳодиса сифатида сўз борганда эркинлик, шунингдек хулқ-атвор мажбурияти давлат ҳокимиятининг кучи билан мустаҳкамланиши, норматив аҳамиятга эга бўлиши, қонунлар, бошқа давлат-ҳокимият ҳужжатлари билан мустаҳкамланиши назарда тутилади.

Юридик тушунча сифатида ҳуқуқ объектив ва субъектив ҳуқуқларга бўлинади. Объектив ҳуқуқ-умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси. Субъектив ҳуқуқ-муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ.

Ҳуқуқ нормалари юридик кучга эга бўлади, доимо тегишли норматив актда мужассамлашади ва умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари ҳисобланади. Лекин бу ўхшашлик ташқи томондан, яъни ҳодисалар юзасида қалқиб турган ва кўзга ташланадиган ҳолатлардир. Уларнинг бир бутун бирлаштирувчи ички боғлиқлиги давлатнинг ҳуқуқ нормалари тизимида тақдим этилган ва

ифодаланган бутун жамиятнинг иродаси ҳисобланади. Бу ирода ҳуқуқнинг моҳиятини ташкил этади. Демак, давлат иродаси ҳуқуқнинг моҳиятини ташкил этади ва ҳодисалар юзасида юридик нормалар тизими кўринишида тақдим этилади.

Ҳуқуқ давлат билан чамбарчас боғланган. Давлатсиз ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас, чунки айнан давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради ва ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини кафолатлайди, ҳуқуқни муҳофаза қилади. Давлат ҳам ҳуқуқсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари:

- 1) барча учун мажбурлийги;
- 2) ҳуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа манбаларда ифодаланиши;
- 3) субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиш;
- 4) давлат томонидан таъминланганлиги.

Ҳуқуқнинг асосий функциялари:

- 1) тартиб солиш функцияси – амалдаги ижтимоий алоқалар ва тартибни мустаҳкамлаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва у ёки бу субъектнинг фаол ҳуққини таъминлаш.
- 2) муҳофаза қилиш функцияси – ҳуқуқий ҳимоя ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, шахсларнинг зиммасига масъулият юклаш тартибини ўрнатиш.

Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар.

1. Табиий ҳуқуқ назарияси – ҳуқуқ табиатан мавжуд, уни ҳеч ким ўйлаб топмаган, у худди инсоннинг ўзи каби табиийдир деб ҳисоблайди. Табиий ҳуқуқ – давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги интилиши зарур бўлган ўзига хос идеал.
2. Ҳуқуқнинг тарихий назарияси – ҳуқуқ тарихан пайдо бўлган ва ривожланади деб ҳисоблайди. Ҳуқуқ табиатдан келиб чиқмайди. У ёки бу халқнинг тарихий ҳаёти ҳуқуқни қандай кўринишга келтирса, у шундай бўлиб қолади.

3. Ҳуқуқнинг психологик назарияси – ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини шахс ёки шахслар гуруҳининг психологияси билан изоҳлайди. Бунда, ҳуқуқ психологик йўналишлар, турли кечинмалар, хиссиётлар ва институтларнинг маҳсули, деб қаралади.

4. Ҳуқуқнинг ижтимоий назарияси-ҳуқуқнинг келиб чиқишини жамиятда турли хил ижтимоий қатламларнинг шаклланиши билан боғлайди.

5. Ҳуқуқнинг синфийлик назарияси – ҳуқуқнинг келиб чиқишини жамиятдаги ҳукмрон синф иродасининг қонун даражасига кўтарилиши билан изоҳлайди. Бу ирода мазкур синф ҳаётининг моддий шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни.

Жамиятда нормаларнинг икки тизими мавжуд: 1) техникавий; 2) ижтимоий.

Техникавий нормалар “ инсон-машина” муносабатларини тартибга солади. Ижтимоий нормалар-одамлар ва уларнинг бирлашмалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий ҳуқ-атвор қоидалари бўлиб, улар “ инсон-инсон” муносабатларини тартибга солади.

Ҳуқуқий муносабатлар: тушунчаси, моҳияти ва хусусияти. Ҳуқуқ ва ахлоқ. Ўзбекистонда жамият сиёсий тизимини демократлаштириш, ҳокимиятни ваколатлар бўлиниши принципи асосида ташкил этиш, судлар мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, устунлигини таъминлаш каби тадбирлар мамлакат қонунчилиги жўшқин фаолияти натижасида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Мамлакатимиз Президенти ИА.Каримов эътирофича: «Бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислохотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик

негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда»¹. Халқимиз манфаатларини ифода этган кўпдан-кўп қонунлар қабул қилиниб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳаётга татбиқ этилгани ҳам шундан далолат беради.

Бинобарин, ҳуқуқий муносабатлар қонун муносабатларидир. Зотан, аввало, ҳуқуқий муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми. Чунки ҳуқуқ давлат даражасида умумлаштирилган ироданинг норматив ифодаси бўлиб, у ҳаётнинг ўзида шаклланади, вужудга келади, айтишлик, судьянинг фаолияти ҳуқуқ яратади (суд прецеденти мисол бўла олади). Бу ҳол давлат ҳукмронлигини сусайтиради, иқтисодиётга давлат аралашувини чеклайди, ҳокимият бўлиниши принципига кенг йўл очиб, судьянинг юксак ролини таъминлашга хизмат қилади, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий муносабатларни ташкил этади, бошқача айтганда, унинг ёрдамида ҳуқуқ ҳаётга татбиқ қилинади. Демак, моҳиятан олиб қараганда, **ҳуқуқий муносабатлар - бу ҳуқуққа асосланган барча ижтимоий ўзаро муносабатлардир**. Бундай муносабатлар жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини қамраб олади. Шунга кўра, айтиш жоизки, экологик ҳуқуқ томонидан инсоннинг табиатга бўлган моддий муносабатлари тартибга со-линади; иқтисодий муносабатлар юридик мулк ҳуқуқида мустаҳкамланади; сиёсий муносабатлар эса конституция томонидан аниқланади. Айни пайтда миллий ва диний, оилавий ва давлатлараро муносабатлар ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Умуман, ҳуқуқ ҳам бутун ижтимоий ҳаёт сингари инсонларнинг бир-бирига, атроф муҳитга бўлган муносабатлари орқали шаклланади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим хусусияти - бу уларнинг **давлат сиёсати** билан боғлиқлигидир. Бу ўринда гап ҳуқуқий муносабатлар

¹Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. - Т., «Ўзбекистан», 2003, 215-бет

кишиларнинг қонунлар билан мустаҳкамланган реал манфаатлари эканлиги тўғрисида бориши табиий. Жумладан, мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мос демократик қонунчилик тизими яратилганлиги ҳам шундан далолат беради. Суверен давлатчилиқни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ Президент И.А.Каримов бу ҳақда шундай деган эди: **«Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин.**

Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади»². Шу сабабли ҳуқуқий муносабатлар ҳар доим сиёсий муносабатлардир, улар сиёсат билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлмайди. Айни пайтда ҳуқуқий муносабатлар **ахлоқ** билан **ахлоқий муносабатлар** билан ҳам узвий боғлиқдир.

Юқоридагиларга таянган ҳолда ҳуқуқий муносабатларга хос белги хусусиятлар асосан қуйидагилардан иборат.

1. Ҳуқуқий муносабат - ижтимоий муносабатдир, яъни одамлар ўртасидаги ҳамда улар фаолияти, хатти-ҳаракатлари билан узвий боғлиқ муносабат бўлиб, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар каби ҳуқуқий муносабатлар ҳам инсоннинг онгли фаолияти самарасидир. Айни чоғда кишилар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар онгли алоқалар бўлиб, инсон оқилона фаолияти натижаси саналади.

Қайд этилганидек, ҳуқуқий муносабат алоҳида хусусиятларга эга бўлган ижтимоий муносабатлар сифатида ижтимоий ҳаётнинг бутун хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлади, унинг томонидан тақозо этилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий муносабатлар нафақат моддий, балки ҳуқуқнинг ўзининг мавжуд бўлишини тақозо этувчи барча ҳаётий вазиятлардан келиб чиқади. Чунончи,

²Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистан», 1996, 192-бет.

файласуф В.Соловьев таъбирича: «...тарихий тартибда ҳуқуқий муносабатлар зўравонлик муносабатларидан кейин туради - бу сайёрамизда органик ҳаёт но-органик ҳаётдан кейин ва унинг асосида пайдо бўлганидек, мутлақо шубҳасиздир... Инсондаги табиий кучлар ўйини ҳуқуқий муносабатлар учун материал холос...»³.

Ҳуқуқ ва унга йўлдош бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳамиша мафкуравий ходиса бўлиб қолаверади. Бу ўринда, энг муҳими, мафкура фақат синфий, гуруҳий эмас, балки умуминсоний асослар ва манфаатларни, боз устига, сўздагина эмас, амалда ифодалашидадир.

2. Ҳуқуқий муносабат шундай муносабатки, у позитив (ижобий) ҳуқуқ нормаларининг кишилар хатти-ҳаракатларига, ҳуқ-атворларига таъсири натижасида юзага келади. Ҳуқуқ нормаси билан ҳуқуқий муносабат ўртасида қатъий боғлиқлик мавжуд -ҳаётда фақат юридик норма кўрсатиб берган ҳуқуқий муносабатларга на вужудга келади, бошқача айтганда, ҳуқуқий муносабатлар конун муносабатларидир.

Бироқ ҳозирги вақтда вазият бир мунча ўзгарганлигини сезмаслик мумкин эмас. Иқтисодиёт соҳасида «қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади» деган принципнинг амалда жорий этилиши билан ҳуқуқий муносабатнинг ҳуқуқ нормаларига қатъий тобелиги жиддий заифлашади. Ҳозирги вақтда (турли мулк шаклларига эга бўлган) корхоналарнинг хўжалик ҳаётида фуқароларнинг мулкӣ муносабатларида юридик нормаларда назарда тутилмаган кўплаб ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда ва улар бундан кейин ҳам пайдо бўлаверади. Бу билан боғлиқ равишда ўхшашликлар тузилмаси ўз аҳамиятини саклаб қолади. Лекин қолган бошқа ҳолларда: **«ҳуқуқ нормаси бор экан -ҳуқуқий муносабат вужудга келади, ҳуқуқ нормаси йўқми, демак, ҳуқуқий муносабат ҳам бўлмайдми»**, деган қоида амал қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабатлар алоҳида шахслар ва ижтимоий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий нормалар билан қатъий белгиланган фаолияти

³Соловьев В. Сопротивление добра. Нравственная философия. // Соч. В 2-х т. 1-том. М., 1988, 525-бет.

жараёнида шаклланади. Бундай муносабатлар объект-субъект ҳисобланади, сабаби улар объектив шароит ва субъектив ҳуқуққа боғлиқдир.

3. Ҳуқуқий муносабат - субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар воситасида кишилар ўртасидаги алоқалардир. Бу алоқанинг алоҳида шакли бўлиб, объектив ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали бўладиган алоқалардир. Субъектив ҳуқуқ соҳиби (яъни ҳуқуқдор шахс) қонуний ваколатли шахс; юридик мажбурият соҳиби бурчдор шахс. Ҳуқуқий муносабатда қонуний ваколатли шахсга ҳамиша бурчдор шахс қарши туради. Бу - бир инсон, ташкилот, давлат органи ёки умуман давлат бўлиши мумкин. Шу маънода ҳуқуқий муносабат индивидуаллаштирилган алоқа ҳисобланади. Бунда индивидуаллаштириш икки хил маънода амалга оширилади:

- субъектлар ўзларининг тўлиқ исмлари билан аталганда, яъни номма-ном (исм-шарифи билан) ёки тўла реквизитлари билан (ташкилотларга тадбиқан) аталади. Никоҳ-оила муносабатлари, ташкилотлар ўртасидаги маҳсулот етказиб бериш, юкларни ташиш бўйича муносабатлар ва бошқа муносабатлар бунга ёрқин мисолдир.
- ижтимоий вазифалар номлари бўйича олганда, айтайлик, олди-сотди муносабатларида: сотувчи-харидор; маъмурий ҳуқуқ бузилиши муносабатларида: милиция ходими фуқаро ва ҳоказо муносабатлар бунга мисол бўла олади.

4. Ҳуқуқий муносабат - иродавий муносабатдир. Бу, ўз-ўзидан муайян иродани ифодаловчи ҳуқуқ нормасидан ташқари, ҳуқуқий муносабат юзага келиши учун унинг иштирокчилари иродаси ҳам талаб қилинишини билдиради. Бунда шундай ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўладикки, уларнинг юзага келиши учун барча иштирокчиларнинг иродаси керак бўлади. Хусусан, никоҳга кираётганда ҳар икки томон ўз иродасини билдириши ёки олди-сотди муносабатида сотувчи-харидор хоҳиш-иродасини ифода этиши зарур бўлади. Баъзи ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши учун бир

субъектнинг иродаси ҳам кифоя қилади (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган иродаси билан қўзғатиладиган жиноий иш бунга мисол бўла олади).

5. Ҳуқуқий муносабат - давлат томонидан муҳофаза этиладиган муносабатдир. Давлат юридик нормалар талабларининг бажарилишини таъминлар экан, шу нормалар асосида вужудга келадиган муносабатларни ҳам қамраб олади. Юридик нормалар ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда давлатнинг мажбурлов тизими ишга солинади. Давлат ҳуқуқни муҳофаза этиш орқали ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларни ҳам ҳимоя қилади. Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан махсус муҳофаза этилгани боис ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай жамиятдаги ҳуқуқ-тартиботнинг асосини ташкил қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабат - давлат томонидан муҳофаза этиладиган, одатда, кишилар хатти-ҳаракатига, ҳуқ-атворига ҳуқуқ нормалари таъсири остида пайдо бўладиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатдир.

Ҳуқуқий муносабатлар турлари тавсифи, авваламбор, ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқ тушунчасининг асосий қисмларидан бири, аниқроғи, унинг индивидуал-иродавий хусусияти сифатида эътироф этиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг энг оддий тузилмаси унинг икки иштирокчиси ҳуқуқ ва мажбуриятларининг боғлиқлиги, ўзаро алоқадорлиги сифатида намоён бўлади. Айтайлик, харидор ҳуқуқига, сотувчининг унга тўланган ҳақ (хари-дорнинг мажбурияти) эвазига харид қилинган нарсани бериш мажбурияти мувофиқ келади; меҳнат шартномаси бўйича ишга ёлловчи, яъни иш берувчининг шартлашилган ишнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига ходимнинг шундай ишни бажариш мажбурияти мос келади; ходимнинг иш ҳоқи олиш ҳуқуқига ишга

ёлловчининг бу ҳақни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти мувофиқ келади.

Кўриниб турибдики, пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар ҳам, амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳам ғоят ранг-баранг. Улар ўз туб негизига муносиб тарзда айнан ранг-баранг тасниф қилиниши мумкин. Шу билан улар орасидаги куйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар. **Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар**- субъектларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари, яъни ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган ва унга қатъий мос келадиган хатти-ҳаракатлардир. Айнан шундай ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ-тартибот моҳиятини ташкил этади, улар мутлақ кўпчилик бўлиб, уларнинг мавжудлиги ва ривожланишидан бутун жамиятманфаатдор. Қонуний асосларда вужудга келадиган мулкчилик, меҳнат, никоҳ-оила, давлат-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларнинг ҳаммаси тартибга солувчи муносабатлар ҳисобланади.

Муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар субъектларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан жамият, давлат, бошқа фуқароларнинг норозилик жавоби сифатида юзага келади. Муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларнинг мақсади жамиятда мавжуд бўлган муносабатларнинг нормал тартибини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарни жазолашдан иборатдир. Жиноий ҳуқуқ тўла равишда муҳофаза қилувчи тармоқ ҳисобланади. Лекин мазкур муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ фармойиш ва кўрсатмалари асосида ҳам вужудга келади.

2. Тармоқ ҳуқуқий муносабатлари (таснифлаш асоси - ҳуқуқнинг тармоқларга бўлиниши). Мамлакатда ҳуқуқнинг қанча тармоғи бўлса - ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам шунча тури бор - конституциявий (масалан, фуқаровий муносабат), фуқаролик-ҳуқуқий (масалан, олди-сотди муносабатлари), маъмурий (масалан, солиқ тўлаш бўйича муносабат),

жиноий-ҳуқуқий (масалан, ўғирлик учун жавоб-гарлик муносабати), меҳнат (масалан, меҳнат шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабат), оилавий (масалан, алимент ҳуқуқий муносабатлари) сингари ҳуқуқий муносабатларни санаш мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларнинг тармоқ тамойили асосида тасниф қилинишида **моддий-ҳуқуқий ҳамда процессуал ҳуқуқий муносабатларни** фарқлаш катта аҳамиятга эга.

Моддий-ҳуқуқий муносабатлар нормалари - фуқаролик-ҳуқуқий, давлат, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа моддий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келади.

Процессуал ҳуқуқий муносабатлар процессуал нормалар асосида пайдо бўлади ва моддий-ҳуқуқий муносабатлар ҳосиласи ҳисобланади (моддий-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан иккиламчи ўрин тутди). Бундай муносабатлар субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, оридик иш: фуқаролик-процессуал, жиноий-процессуал, маъмурий-процессуал ва бошқа процессуал муносабатларни ҳал қилиш тартибини назарда тутди. бўлиши ва амал қилиши мумкин эмас. Процессуал муносабатларнинг бу хусусиятини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Агар моддий-ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий воқелик ва юридик нормалар билан қиёслайдиган бўлсак, улар қуйидаги шаклда: **ижтимоий муносабатлар - ҳуқуқ нормаси - моддий-ҳуқуқий муносабат** тарзида намоён бўлади. Ҳуқуқ нормаси аллақачон мавжуд ижтимоий муносабатлар сиртини гўё «ўраб олади» ва натижада ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади. Мазкур ҳолатда ижтимоий муносабат юридик нормадан мустақил равишда пайдо бўлади ва амал қилади, у билан ўзаро алоқада ҳуқуқий тус олиб, ҳуқуқий муносабатга айланади.

Ҳуқуқий муносабатлар **мутлақ ва нисбий, умумий ва конкрет** ҳуқуқий муносабатларга бўлинади. **Нисбий** ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчилар - қонуний ваколатли шахслар ҳам, мажбурият ўтовчи

шахслар ҳам (харидор ва сотувчи, буюртмачи ва пудратчи) аниқ белгиланган бўлади.

Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда фақат бир шахс - субъектив ҳуқуқ эгасигина маълум. Қолган барча субъектлар (мутлақ барчаси) мажбурият ўтовчи шахслардир, яъни қонуний ваколатли шахс субъектив ҳуқуқининг мавжуд бўлишига тўсқинлик қилмасликлари керак. Бундай муносабатларга мисол сифатида мулкчилик муносабатларини келтириш мумкин.

Аниқроқ айтганда, мулк ҳуқуқи буюм ва ашёга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат. Бундай муносабатлар мутлақ ҳуқуқий муносабатлар, яъни ҳаммага ва ҳар кимга мажбурият юкловчи муносабатлардир. Фуқаролик ҳуқуқида, энг аввало, бу муаллифлик ҳуқуқидир, маъмурий ҳуқуқда эса давлат органи (мансабдор шахс)нинг жамоат тартиби бузилишига йўлқўймаслик ҳуқуқи бўлиб, унга риоя этиш ҳар бир шахс ва ташкилот зиммасидадир. Табиатни муҳофаза қилиш органлари ва айрим назо-рат органлари ҳуқуқлари ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқий муносабатлардир.

Умумий (умумий тартибга солувчи) ҳуқуқий муносабатлар деб, энг аввало, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи конституциявий нормалар асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга айтилади. Давлат фуқаролари қонунда мустаҳкамланган қонуний ҳуқуққа эга эканлар, ҳуқуқнинг барча субъектлари билан гўё ҳуқуқий боғлиқликда бўладилар. Агар шу ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилса, унда конкрет ҳуқуқий муносабат вужудга келади. Бундай муносабат жиноят, фуқаролик, меҳнат, оила, солиқ, уй-жой кодекслари ва бошқа кодекслар махсус қисмидаги моддалар қўлланиши асосида келиб чиқиши мумкин.

3. Ҳуқуқий муносабат таркиби: ҳуқуқий муносабатлар субъекти ва объекти, субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Биз юқорида ҳуқуқий муносабатни ҳуқуқий шаклга кирган ижтимоий муносабатлардан ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмаслигини

таъкидлаб ўтгандик. Улар ҳуқуқий нормалар асосида вужудга келиб, одамлар хатти-ҳаракатлари ва қилмишларининг алоҳида шаклига айланади. Ижтимоий муносабатнинг юридик шакли ва фактик мазмуни - яхлит ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Шунга қарамай, ҳуқуқий муносабат таркибини аниқлаш, ҳуқуқий шаклнинг қайси асосий жиҳатлари амалдаги муносабатга давлат мақомини беришини, унинг муҳофазаси ва кафолатланганлиги таъминланганлигини англаб олиш керак бўлади.

Ҳуқуқий муносабат таркибида тўртта зарур жиҳат - субъектлар, объектлар, ҳуқуқ ва мажбурият мавжуд бўлади.

И. Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари - улар алоҳида шахслар ва ташкилотлардир. Ҳуқуқ нормаларига мувофиқ улар субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгалари ҳисобланади. Умумий қоидага кўра шундай. Бироқ ҳақиқий ҳаётда ҳамма шахслар ва ташкилотлар ҳам ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлавермайди. Ушбу ҳолат турли объектив омиллар - физиологик, руҳий, иқтисо-дий омиллар билан изоҳланади. Ёш болалар, руҳий беморлар, ўз фаолиятларини тўхтатган ташкилотлар амалда ҳуқуқий муносабатларда қатнаша олмайдилар, зеро, ҳуқуқ субъекта бўлмас экан, мажбурият субъекта ҳам, мажбуриятнинг ўзи ҳам бўлмайди.

Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатидаги **шахсларга муайян давлат фуқаролари, шу давлат ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар (муҳожирлар) ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар киради.** Ҳуқуқий муносабатлар индивидуал субъекта жисмоний эмас, балки соф юридик тушунчадир. Ҳуқуқий муносабатлар субъекта деганда, инсоннинг ўзи кўзда тутилмайди - бу унинг объектив ҳуқуқ яратган бир хусусияти, холос.

Фуқарога тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек, мажбуриятлар мажмуаси унинг **ҳуқуқий мақомидеб** аталади. Умуман «ҳуқуқий мақом» атамаси шахснинг ҳуқуқий ҳолатини тавсифлаш учун қўлланилади, «ҳуқуқий лаёқат» ва «юридик салоҳият» атамалари эса бирон-бир шахснинг ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокига нисбатан ишлатилади.

Ҳукукий муносабатларнинг жамоавий субъекти бўлган ташкилотларга давлат, жамоат, хусусий ташкилотлар ва яхлит давлатнинг ўзи киради. Индивидуал субъектлардан фарқли ўлароқ, ташкилотлар ҳукукий лаёқати ва юридик салоҳияти улар ташкил этилган мақсад ва вазифалари ҳамда фаолияти билан чекланади. Ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу ташкилотлар амалга оширадиган ҳукукий лаёқат ва юридик салоҳият ваколати доирасида қатъий ва аниқ белгилаб қўйилган. Ташкилотларнинг юридик салоҳияти шу ташкилотлар номидан иш кўрадиган муайян мансабдор шахслар, вакиллар фаолиятида бевосита ифодаланади. Парламент аъзоси, вазир, прокурор, давлат корхонаси ёки муассасаси директори давлат ташкилоти вакили бўлиши мумкин. Кооператив директори, фирма ёки акциядорлик жамияти директори, хусусий корхона соҳиби жамоа ёки хусусий корхона вакиллари бўлиши мумкин. Бундай шахслар фаолияти ташкилотларнинг фаолияти ҳисобланади.

Ташкилотлар субъектлари орасида **юридик шахслар** деб номланувчилар алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига мувофиқ, уз мулкига, хўжалик юршпишида ёки кундалик бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Шунинг ҳам қайд этишимиз жоизки, юридик шахслар, энг аввало, мулкӣ, фуқаровий-ҳуқуқӣ муносабатлар субъектларидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотларнинг мутлақ кўпчилиги юридик шахслар ҳисобланади. Айни пайтда юридик шахслар қандай функцияларни амалга оширишларига қараб, **оммавий ва хусусий** юридик шахсларга ажралади. Давлат ташкилотлари ва муассасалари (парламент, суд, милиция, давлат корхоналари, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқалар) умумий, оммавий мақ-садни кўзлайди. Оммавий хусусиятга эга бўлган

юридик шахснинг мавжудлиги унинг аъзолари иродасига боғлиқ эмас. Хатто Вазирлар Маҳкамасининг барча аъзолари истеъфога чиққанлари тақдирда ҳам ижроия ҳокимияти органи сифатида ҳукумат ўз фаолиятини тўхтатиб қўя олмайди.

Объектив ва субъектив ҳуқуқ иккита катта қиемга: **оммавий** ва **хусусий** ҳуқуққа бўлинади. Ушбу бўлинишга мувофиқ ҳар бир ҳуқуқий норма, ҳуқуқий ваколат ёки мажбурият, ва нихоят, ҳар бир ҳуқуқий муносабат ё оммавий ёхуд хусусий деб эътироф этилиши лозим. Шу маънода айтиш мумкинки: ҳар бир оммавий ҳуқуқий муносабатда томонлардан бири ҳукмрон уюшма, яъни иттифоқ ҳисобланади, айнан шу томон ҳокимият ваколатига эга бўлади.

Ҳуқуқий муносабатлар объектлари. Ҳуқуқий муносабат объекти — ҳуқуқий муносабат ўз таъсирини ўтказувчи нарсадир. Ҳуқуқий муносабатлар нималарга таъсир этишини яхшироқ тушуниш учун дастлаб ҳуқуқ нормалари объектини аниқлаб олиш керак. Ҳуқуқий нормалар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий муносабатларни тартибга солади, кишиларнинг иродавий хатти-ҳаракат-лари уларнинг таъсир объекти ҳисобланади. Ҳуқуқий муносабатлар эса ҳуқуқ нормасида назарда тутилган у мумий ҳуқуқ ва мажбуриятларни индивидуал субъектларга нисбатан аниқлаштиради. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг аниқ, хатти-ҳаракатлари шу ҳуқуқий муносабатлар объектидир. Ҳуқуқий муносабат иштирокчилари субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият асосида ана шу хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар.

Кишиларнинг мазмунан хилма-хил хатти-ҳаракатлари ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида майдонга чиқади. Мулкӣ ҳуқуқий муносабатларда одамларнинг муайян ҳаётӣ манфаатларини қондиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари шу муносабатлар объекти ҳисобланади. Масалан, олди-сотдида унинг иштирокчиларининг буюмларни харид килиш ва сотиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари ҳуқуқий муносабат объекти саналади. Икки ташкилот ўртасидаги маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома асосида пайдо

бўладиган ҳуқуқий муносабатлар объекти деганда эса, шу ташкилотларнинг биридан иккинчисига етказиб бериладиган маҳсулот ва бунинг эвазига тўланадиган пул тушунилади. Бинобарин, академик Ҳ.Р.Раҳмонкулов ҳақли равишда қайд этганидек: «Мулкий муносабатларнинг товар-пул хусусиятларига эга бўлиши ушбу муносабатларни эквивалент-ҳақ эвазига амалга оширилишидан дарак беради, улар иштирокчиларини фуқаролик ҳуқуқ субъекти сифатида иқти-содий мустақиллигини ва ҳуқуқий ҳолатини белгилайди»⁴.

Субъектив ҳуқуқ. Амалдаги ижтимоий муносабат шакли сифатида ҳуқуқий муносабат субъектларнинг ўзаро боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат бўлади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият - бу конкрет ижтимоий муносабатга алоҳида сифат бағишловчи ҳуқуқий муносабатнинг тизимли жиҳатларидир. Ҳуқуқий тартибга солиш субъектларни ижтимоий фаолиятнинг давлат ҳокимияти томонидан таъминланадиган махсус соҳасига жалб қилади. Ҳуқуқий муносабат ҳар бир иштирокчиси эркинлиги мезони, унинг манфаатларининг қондирилиш даражаси ҳуқуқий норма кўрсатмалари билан белгиланади. Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар мазмунан бир хил эмаслигига қарамай, улар ҳуқуқий муносабатнинг тенг қимматли қисмларидир. Шу маънода ҳуқуқсиз мажбурият бўлмаганидек, мажбуриятсиз ҳуқуқнинг йўқлигини яна бир бор такрорлаш жоиз.

Субъектив ҳуқуқ - ҳуқуқий муносабат субъектига тегишли, яъни қонуний ваколатли шахсга тегишли ҳуқуқдир. Субъектив ҳуқуқда қонуний ваколатли шахснинг бирон-бир - моддий, оилавий, сиёсий манфаати ҳамиша мавжуд бўлади. Субъектив ҳуқуқнинг ўша шахс учун қиммати ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, субъектив ҳуқуқ - эҳтимол тутилган фаолиятдир, яъни унинг амалга ошиши бутунлай қонуний ваколатли шахснинг ихтиёри, иродаси ва хоҳишига боғлиқ. Лекин эҳтимол тутилган

⁴Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмета, метода ва тамойиллари. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2003, 19-бет.

фаолият доираси, бинобарин, амалга ошириладиган манфаат доираси ҳам, объектив ҳуқуқ доирасида аниқ чизиб қўйилган. Айнан шунинг учун ҳам субъектив ҳуқуқни тавсифлаш учун «меъёр» сўзи, аниқроғи, эҳтимол тутилган фаолият меъёритушунчаси ишлатилади.

Субъектив ҳуқуқни мутлақо ҳаққоний суратда эркинлик билан боғлашади. Шу маънода айтиш мумкинки, «**Цивилитар ҳуқуқ...** ҳуқуқий шаклда кўп даражада одамлар эркинлигини акс эттиради ва инсоний муносабатлардаги тарихий тараққиётда юқорироқ босқични ифодалайди. Эркинликнинг бундан кейинги яққол тараққиёти расман-ҳуқуқий тенгликнинг таянч принципини ажралмас янги субъектив ҳуқуқлар билан бойитиш ва тўлдиришнинг цивили-тар моделибўйича амалга оширилади, деб тахмин қилиш мумкин»⁵.

Ахлоқ нормалари – эзгулик ва ёвузлик, кадр-қиммат, адолат ва ноҳақлик ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мос равишда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларидир.

Жамоат бирлашмалари нормалари – жамоат бирлашмаларининг ўз фаолиятини тартибга солиш учун ва ташкилотларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ўрнатган хулқ-атвор қоидаларидир.

Одат нормалари – кишиларнинг кўп марта такрорланганлиги учун одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидаларидир. Анъана нормалари-илғор анъаналарни асраш муносабати билан юзага келган умумлашган ва барқарор хулқ-атвор қоидаси.

Маросим нормалари – кишиларнинг маълум расм-русмларни бажаришдаги хулқ-атвор қоидаларидир. Диний нормалар. Сиёсий нормалар – алоҳида шахслар ва сиёсий бирлашмаларининг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари. Ҳуқуқ нормалари-умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари.

Ахлоқ ва ҳуқуқ. Ахлоқ-кишининг жамиятдаги хулқини норматив тартибга солувчи усуллардан биридир. Ахлоқ-ижтимоий онг шакллари-дан бири, шу боис бутун ижтимоий онг сингари унинг ҳам тузилиши бир хил

⁵Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Т., «Адолат», 2003, 152-153-бетлар.

эмас. Ахлоқнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, ахлоқ нормаларига амал қилиш жамоатчилик фикри орқали таъминланади. Ҳуқуқ – маълум юридик шакллар, яъни манбаларда-қонун, фармон, қарор ва ҳуқуқда намоён бўлувчи ижтимоий ҳуқ-атвор қоидаларининг қатъий ифодаланган тизимидир. Ахлоқ ёзилмаган ҳуқ-атвор қоидалари мажмуидан, ҳуқуқ нормалари ёзилган ҳуқ-атвор қоидалари йиғиндисидан иборат. Ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги асосий фарқ:

- 1) Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан белгиланган ва рухсат этилган бўлади, ахлоқ нормалари эса давлатнинг ёрдамсиз ўз-ўзидан шаклланади;
- 2) Ҳуқуқ нормаларида давлат иродаси, ахлоқ нормаларида эса жамоатчилик фикри ифодаланади;
- 3) Ҳуқуқ нормалари давлатнинг мажбурлов кучи билан, ахлоқ нормалари эса жамоатчилик фикри орқали амалга оширилади;
- 4) Ахлоқ нормалари кенг доирани, ҳуқуқ нормалари эса тор доирани қамраб олади.
- 5) Ҳуқуқда ҳуқ-атворни баҳолаш мезони “ қонуний-ноқонуний”, ахлоқда “ҳалол-ноҳалол” деб қабул қилинган.
- 6) Ҳуқуқ нормалари аниқ кўринишга эга.

Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши. Ҳуқуқ нормаси –давлат томонидан белгиланадиган, қафолатланадиган ва бу муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларидир. Ҳуқуқ нормаси тузилишига кўра уч таркибий қисмдан ташкил топган.

1. Гипотеза – ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда норма амал қила бошлайдиган, ижро этиладиган шароитлар баён этилади. Масалан, суднинг фуқаролик ишлари бўйича аризаларни қабул қилишни рад этишга асос бўлувчи гипотезали ҳуқуқ нормалари: даъвогарнинг баҳсларни қонунда белгиланган тартибларга риоя этиб, дастлаб суддан ташқари ҳал этиши ишнинг ушбу судга дахлдор эмаслиги, лаёқатсиз шахс томонидан ариза берилиши.

2. Диспозиция – ҳуқуқ субъектининг юридик муҳим аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракати мазмунини очиб берадиган ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми. Агар гипотеза ҳокимият кўрсатмасини қўллашга фармон берса, диспозиция ўзида юридик нормаларнинг асосини акс эттиради.

3. Санкция – ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурият чораси. Унинг турлари: хайфсан, жарима, озоқликдан маҳрум этиш. Ҳуқуқ нормаси қўйидагиларни белгилаб беради:

1) ким, нимани ва қачон қилиши керак-диспозиция; 2) бу ҳаракатни қайси шароитларда амалга ошириш керак-гипотеза; 3) ҳуқуқ нормаси бажарилмаслигининг оқибатлари қандай – санкция.

Ҳуқуқ манбаи ва унинг турлари. Ҳуқуқни объектив ифодалаш усулларида ҳуқуқ манбаи дейилади. Ҳуқуқ манбаларини 4га бўлиш мумкин:

- 1) Ҳуқуқий одат-узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий деб тан олинган юриш-туриш қоидаси;
- 2) Юридик прецедент-бу суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барса шунча ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинади;
- 3) Норматив ҳуқуқий ҳужжат – давлат ваколатли органлари томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжат;
- 4) Норматив шартнома-икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки қиладиган битим.

Ҳуқуқий одат ва юридик прецедент бир қатор хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида катта аҳамиятга эга, лекин Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тизимида қўлланилмайди. Суд прецеденти Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австрияда ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Бу мамлакатларда суд ҳисоботлари чоп этилади.

Ҳуқуқ тизими, тармоқлари ва институтлари. Ҳуқуқ тизими –турли-туман, лекин ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган юридик нормалар йиғиндиси. Ҳуқуқ тармоғи – ижтимоий муносабатлар соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат ҳуқуқ тизимининг йирик таркибий қисмидир.

Барча тармоқлари ўзининг хусусияти бўйича икки турга таснифланади: 1) моддий ҳуқуқ тармоғи (маъмурий, меҳнат, фуқаролик, экологик ва х.к); 2) процессуал ҳуқуқ тармоғи. Унга давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан қўлланадиган моддий ҳуқуқ нормаларидан иборат қоидалар киради. Масалан: фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, хўжалик-процессуал.

Ҳуқуқ институти-тегишли ҳуқуқ тармоғига кирувчи жамият умуммажбурий иродасининг ўзига хос тарзда юридик нормаларда акс этиши. Ҳуқуқ институти қўйидагича турларга таснифланади:

- 1) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи;
- 2) Функционал (вазифага кўра);
- 3) Умумий .

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш институтлари қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган юридик нормалардан иборат. Масалан, меҳнат ҳуқуқидаги моддий жавобгарлик. Функционал институтлар ҳуқуқий таснифга эга бўлган тартиблар, қоидаларга оид масалаларни ҳал этишни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олади. Масалан, фуқаролик процессуал кодексининг даъволарга оид ишларни юритиш институти ҳуқуқнинг умумий институтлари принциплари, умумий қоидаларни мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган. Масалан, фуқаролик кодексининг “Умумий қоидалар” бўлими.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қўйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади:

- 1) конституциявий ҳуқуқ ;
- 2) маъмурий ҳуқуқ ;

- 3) фуқаролик ҳуқуқ ;
- 4) жиноят ҳуқуқи;
- 5) ер ҳуқуқи;
- 6) аграр ҳуқуқ;
- 7) меҳнат ҳуқуқи;
- 8) ижтимоий таъминот ҳуқуқи;
- 9) экологик ҳуқуқ;
- 10) молиявий ҳуқуқ;
- 11) фуқаролик-процессуал ҳуқуқ;
- 12) жиноят-процессуал ҳуқуқ;
- 13) хўжалик-процессуал ҳуқуқ;
- 14) халқаро ҳуқуқ.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

Давлатнинг қайси органлари томонидан қабул қилинганлигига ҳамда уларнинг юридик кучига қараб ажратилади.

1. Қонун— умумхалқ овоз бериши орқали ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжат. Конституция-олий юридик кучга эгадир.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.— Конституциянинг 94-моддасига асосан Президент томонидан чиқариладиган норматив — ҳуқуқий ҳужжат.
3. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари.-Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимиятининг олий органи ўз ваколати доирасида чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.
4. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва йўриқномалари — давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.
5. Қорақалпоғистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари.
6. Давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг қарорлари.

Қўйи органлар қабул қилган қарорлари юқори органлар қабул қилган қарорларга мувофиқ келиши керак.

Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши. Ҳуқуқ иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга ҳуқуқий муносабатлар дейилади.

Ҳуқуқий муносабатлар 3та элементдан ташкил топади: объект, субъект ва мазмун.

Объект-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Субъект-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни ҳуқуқ ва мажбурият эгалари.

Мазмун-субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш бўйича ҳақиқий ҳаракатлари.

Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари:1) жисмоний шахслар; 2)юридик шахслар.

Жисмоний шахслар-ушбу давлат фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар (апатридлар). Юридик-шахслар ташкилотлар,муассасалар, давлат органлари, давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Ҳуқуқий лаёқат-ҳуқуқларга эга бўла олиш ва юридик мажбуриятларни зиммага олиш қобилиятидир. Муомала лаёқати-ўз ҳаракатлари асосида ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик мажбуриятларни бажариш қобилиятидир.

Ҳуқуқбузарлик- ҳуқуқий хулқ-атворнинг зиддидир. Ҳуқуқбузарлик ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар жамиятдаги оғриқли ҳаётий ҳодисалар бўлиб, улар беҳаёлиги, сурбетларча, разилона майллари билан атрофдагиларни даҳшатга солиб, уларнинг соғлом ва носоғлом қизиқишларини ўзига жалб қилади, жамият аъзолари эътиборининг диққат марказида туради. Табиийки, улар қонунга итоаткорлик амалиётига, яъни

хукукий хулқ-атворга қараганда чуқурроқ ўрганилган. Лекин бунда хукукий хулқ-атворлар ўз ҳажми ёкиқўламига кўра ҳуқуқбузарликдан анча каттадир.

Шундай қилиб, **ҳуқуқбузарлик - шахсга, мулкка, давлашга ёки умуман жамиятга зарар етказувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуққа зид ҳаракатдир.**

Мазкур таърифнинг таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфли хусусиятга эга, яъни у шахс, мулк, давлат ва жамиятга зарар келтиради ёки шундай зарар етказилиши хавфини туғдиради. Бунда шуни ҳам қайд этиш жоизки, юридик адабиётда ножўя ишлар ижтимоий хавфлими ёки бу хавф фақат жиноятларга хосми, деган баҳслар ҳалигача тингани йўқ. Уйлаймизки, ҳуқуқбузарликларнинг барчаси ижтимоий хавфлидир. Айнан шу фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида жазо чоралари белгиланган. Албатта, алоҳида олинган ножўя иш (пиёдалар томонидан кучанинг керакли жойидан ўтиш қондасининг бузилиши ёки светофорнинг қизил чироғида йўлни кесиб ўтиш)нинг ижтимоий хавфи, эҳтимол, жуда ҳам сезиларли бўлмас, лекин унинг ҳақиқатда содир бўлганлиги ва жуда ҳам безарар нарсга эмаслиги аниқ.

2. Ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши хусусиятга эга. Бу мулоҳазага ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги кўпчилик ҳуқуқшунослар кўшиладилар. Жумладан, Октябрь тўнтаришидан олдинги таниқли рус назарийчиси ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» китобида: «Ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши ҳаракатдир. Ҳуқуққа мос келадиган, ҳуқуқ йўл қўядиган ҳаракат ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши мумкин эмас»⁶, деб ёзганди.

Бунинг устига, агар ижтимоий хавф ҳуқуқбузарликнинг ички белгиси ҳисобланса, ҳуқуққа зидлик унинг ташқи белгиси бўлиб, бундан ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши қаратилган, унга ҳилоф равишда содир этилган хатти-ҳаракат эканлигини аниқлаш мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи уларнинг ҳуқуққа қарши қаратилишини тақозо этади: агар

⁶Шершеневич Г.Ф. Философия права. М, Издание братьев Башмаковых. 1995, 653-бет.

хатти-ҳаракат алоҳида шахс ёки жамият учун хавфли бўлса, унда у ҳуқуқий нормалар билан тақиқланади. Ҳуқуққа зидлик қилмиш ижтимоий хавфлилигининг юридик ифодасидир.

Ҳуқуққа зидлик энг аввало ва кўп жиҳатдан ҳуқуқнинг муҳофаза тармоқлари норматив ҳужжатларида ифодаланади. Ҳуқуқ билан тақиқланмаган хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик деб баҳоланиши мумкин эмас.

Бироқ, ҳуқуқ фақат объектив келиб чиқишга эга бўлиб қолмай, балки қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аниқ ижрочиси индивидуаллиги ва ўзбошимча хатти-ҳаракатини ифодалаб, у интеллектуал моҳият ҳам касб этади. Шу туфайли ҳокимиятнинг кўпол зўравонлиги натижасида шундай ҳолатлар юз бериши мумкинки, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги давлат қарори аҳоли томонидан салбий кутиб олинганда **сохта ҳуқуқбузарлик**(делистум путативум) юзага келади. Бундан, қонун чиқарувчи ҳуқуқбузарликни ўйлаб топиши ҳам мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Албатта, бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, зеро, одамлар орасида ўзбошимчалик ва тушунмаслик ҳолатлари камданкам учрайдиган ҳодиса эмас. Дарҳақиқат, халқ мақолида айтилганидек: «Айбини яширмақ нодонлар иши»⁷.

3. Ҳуқуқбузарликлар фақат кишилар томонидан содир этилади. Бу ҳақда Г.Ф.Шершеневич шундай ёзганди: «...ҳуқуқий тар-тибот, жониворлар ҳам ҳаракат қилиши мумкинлигига қарамай, фақат инсон ҳаракатлари, қилмишлари билангина шуғулланади. Юридик нуқтаи назарга кўра, бўриларнинг отни ғажиб ташлагани ёки буқанинг одамни шохига илиб олгани қилмиш ҳисобланмайди ва, бинобарин, бундай ҳолда ҳуқуқбузарлик ҳам мавжуд эмас. Бу ерда биз табиатнинг тасодифий кучлари зарар келтирадиган ҳодисаларга, масалан, тошқин менинг тўғонимни уриб кетди, яшин уйимни ёндириб юборди, деган ўхшаш ҳодисаларга дуч келамиз»⁸.

Айни пайтда ҳар қандай одам томонидан содир этилган ҳаракат ҳам ҳуқуқбузарлик бўлавермайди, фақат ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера

⁷Ўзбек халқ мақоллари. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1989, 122-бет.

⁸Шершеневич Г.Ф. Общая теория права. М., Издание братьев Башмаковых. 630-бет.

оладиган ва ана шу хатти-ҳаракатларини идора эта оладиган шахснинг қилмишигина ҳуқуқбузарлик бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам гайришурий ҳолатдаги (ақли норасо) шахс (ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз шахс ёки кичик ёшдаги бола) томонидан содир этилган ҳаракат ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

4. Ҳуқуқбузарлик - бу тафаккур тарзи эмас, балки хатти-ҳаракатдир.

Хатти-ҳаракат ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Ҳуқуқбузарларнинг ижтимоий хавфли мақсадлари уларда ва фақат уларда намоён бўлади. Фикрлар ўз-ўзича ижтимоий хавф-хатарнинг, ҳуқуққа хилофликнинг ва шу билан киши ҳаракатининг қонунийлиги ёки қонунга зидлигининг аниқ ва объектив мезони бўла олмайди. Мабодо, расмий доктринага зид бўлган муайян фикрлаш тарзи, мулоҳазалар жиноят ҳисобланиб, таъқиб этилса - бу тоталитар давлатнинг мавжудлиги ифодасидир.

Инсон эътиқоди, нияти учун эмас, балки ўз амалида содир этган қилмишлари учун жавоб беради, деган ғоя Гегельнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» китобида батафеил баён этилган. Кейинчалик К.Маркс уни қуйидаги сўзлар билан ифодалаганди: «Ўз ҳаракатларимдт ташқарида қонун учун мен мутлақо йўқман, мутлақо унинг объекти бўла олмайман... **Ҳаракатларнинг ўзини эмас, балки иштирок этувчи шахс фикрлаш тарзини асосий мезон қилиб қўядиган қонунлар қонунсизликнинг позитив санкцияларидан бошқа нарса эмас».**

5. Ҳуқуқбузарлик - айбли қилмишдир. Агар шахснинг хатти-ҳаракатларида айб бўлмаса, у сиртдан ҳуқуқ-тартиботга зид бўлиши (масалан, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган одам ўлдириш)га қарамай, унинг қилмиши ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ғоят хилма-хилдир. Лекин уларнинг ҳаммасини икки гуруҳга – жиноят ва ножуя ҳаракатларга бўлиш мумкин.

Жиноят - ҳуқуқбузарликларнинг энг оғир тури ҳисобланади. **Ножўя ҳаракатлар** - бошқарув, мулк ва бошқа муносабатларга тажовуз бўлиб,

ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятникидан паст бўлган ҳуқуқбузарликлардир.

Жиноятлар ва ножўя ҳаракатларни аниқ фарқлай билиш керак. Зеро, бу уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий жазо чораси жазонинг тури ва мезони билан боғлиқдир. Улар ижтимоий хавфлилик даражаси билан бири-биридан фарқланади. Мазкур фарқларюридик фан ва амалиёт таклиф этган жиноятлар ва ножўя ҳаракатларни фарқлашнинг етарли даражада аниқ ва тўла мезонидир. Жиноятлар жамият ва шахс учун ножўя ҳаракатларга караганда кўпроқ ижтимоий хавф туғдиради.

Ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

А. Ҳуқуққа хилоф тажовузнинг объекти бўлган, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатнинг аҳамияти.Одатда, жиноий тажовузнинг объекти энг муҳим ижтимоий муносабатлар, манфаатлар, неъматлар ҳисобланади. Булар, энг аввало, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, унинг шаъни, кадр-қиммати, мулки, давлат хавфеизлиги, унда ўрнатилган бошқарув тартиби ва ҳоказолардир. Муносабатларнинг меҳнат, табиий муҳитни асраш, транспорт, уй-жой, коммунал хужалиги ва бошқа соҳалари кам аҳамиятли бўлиб, уларнинг бузилиши қонун томонидан жиноят эмас, ножўя ҳаракат сифатида тан олинади.

Б. Етказилган зарарнинг миқдори.Содир этилган қилмиш натижасида етказилган зарарнинг миқдори кўп бўлса, қилмиш қонун томонидан жиноят деб эътироф этилади, агар ундай бўлмаса, ножўя ҳаракат деб тан олинади.

В. Ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этиш усули, вақти ва жойи.Ҳарбий хизматчи томонидан буйруқнинг бажарилмаслиги тинчлик вақтида интизомий ножўя ҳаракат деб тан олиниши мумкин. Уруш вақтида бундай қилмиш уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазо чораси назарда тутилган огир жиноят ҳисобланади. Радио узатувчи мосламадан қонунга зид равишда фойдаланиш маъмурий жазо чораси қўлланиладиган ножўя ҳаракатдир. Самолётларнинг хавфеиз учишига таҳдид соладиган ёки фалокат

сабабчиси бўлган мосламадан аэродром яқинида фойдаланиш эса жиноят сифатида баҳоланади.

Ножўя ишлар айрим турларининг кенг тарқалиши ҳам ижтимоий хавфни оширади ва бундай ножўя ҳаракат қонун йўли билан жиноятлар даражасига тенглаштирилади. Шу муносабат билан жиноят кодексига шу муносабат билан янги жиноят таркиби учун жавобгарлик белгиланган янги модда киритилади.

Г. Ҳуқуқбузар шахси.Жиноятлардан фарқли ўлароқ, ножўя ишларни содир этган шахс ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Лекин юридик нормаларни такрор-такрор бузувчи шахс ижтимоий хавфли шахсга айланади ва унинг кейинги ҳуқуқбузарликлари ножўя ҳаракат сифатида эмас, балки жиноят сифатида баҳоланади. Жумладан, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқаргани учун маъмурий тартибда ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган шахс (ёнида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси билан) яна юқоридагига ўхшаш қилмишни такрорласа, у ҳолда жиноий жавобгарликка тортилади.

Қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор қилинмаган судланганлик, маст қилувчи алкоголь ичимлиги ёхуд гиёҳвандлик воситаси таъсирида маст ҳолда жиноят содир этиш, суд томонидан шахснинг алоҳида хавфли рецидивист деб эътироф этилиши ва ҳоказолар шахснинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади.

Ножўя ҳаракатларҳуқуқбузарликнинг бир тури сифатида хилма-хил бўлиб, содир этиладиган ижтимоий муносабатлар вазиятга боғлиқ ҳолда маъмурий, интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, процессуал ва бошқа ҳуқуқбузарликларга бўлинади. Яъни, бошқа ҳуқуқбузарликларга, масалан, молиявий, ер ва бошқа қонунларда кўзда тутилган ножўя ҳаракатлар киритилиши мумкин.

Маъмурий ножўя ҳаракат- бу давлат ёки жамоат тартибига, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуққа зид, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик

бўлиб, бундай қилмишларни содир этганлик учун қонунда маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Маъмурий ножўя ҳаракат фуқаролар, мансабдор шахслар томонидан, уларнинг мавқеи ва хизмат лавозимидан қатъи назар, умуммажбурий талабларнинг бузилишида ифодаланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик юқори турувчи мансабдор шахс ёки ўзи бўйсунадиган орган томонидан эмас, балки махсус органлар томонидан муайян қонунлар асосида амалга оширилади. Содир этилган маъмурий ножўя ҳаракат учун қуйидаги маъмурий жазо чоралар мавжуд: огоҳлантириш, жарима, ахлоқ-тузатиш ишлари, маъмурий қамоқ, ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита объекта бўлган буюмни мусодара қилиш ва бошқалар.

Интизомий ножўя ҳаракат - корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишчилари, хизматчилари томонидан ички меҳнат тартиби, хизмат интизомининг бузилиши, хизмат вазифаларининг бажарилмаслиги ифодасидир.

Интизомий ножўя ҳаракатларни содир этганлик учун ҳайфсан, танбех, қаттиқ ҳайфсан, уч ойга муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш ёки шу муддатга паст лавозимга тушириш, ишдан бўшатиш каби интизомий чоралар кўзда тутилган.

Фуқаролик-ҳуқуқ бузишлар (ножўя ҳаракатлар)- мулкӣ ва айрим шахсий номулкӣ ҳуқуқлар соҳасида ҳуқуқ нормаларининг бузилишида, масалан, даъвогарнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотларнинг жавобгар томонидан рад этилиши жавобгарлик мезони бўлиши мумкин. Мулкӣ ҳуқуқбузарликларда жавобгарлик зарарни қоплаш, жарима тўлаш, қарздорнинг буюмини тортиб олиш, битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш ва ҳоказолар кўринишида белгиланади. Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик бўйича ҳукмларни суд, хўжалик суди, ҳакамлик судлари чиқаради.

Процессуал ҳуқуқбузарлик(ножўя ҳаракатлар) - бу қонунда белгилаб қўйилган одил судловни амалга ошириш тартиб-қоидабинибузишдан иборат.

Гувоҳнинг дастлабки тергов ўтказётган терговчи, прокурор, суд чақируви бўйича келмаслиги процессуал ножўя ҳаракатга мисол бўла олади. Бундай чақирик бўйича келмаганлик учун суд (мажбурий тарзда келтиришдан ташқари) гувоҳга жарима солиш ҳуқуқига эга. Судга судланувчининг келмай қолиши ҳам процессуал ножўя ҳаракатга киради. Бунинг учун суд унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириши мумкин (олдини олиш чорасини оғирроқ жазога алмаштириш процессуал ножўя ҳаракат учун жазолаш ҳисобланади). Процессуал ножўя ҳаракатни содир этганлик учун жавобгарликка тортувчи орган кўпинча суд ёки ҳуқуқни қўлловчи бошқа орган бўлиб чиқади.

Экологик ҳуқуқбузарликлар- айбли, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат натижасида атроф муҳит ва атрофдаги кишиларнинг саломатлигига зарар етказилишидир. Бу ҳуқуқбузарликлар жиноий, моддий жавобгарлик шаклида, интизомий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш билан жазоланади. Жисмоний, мансабдор ва юридик шахслар экологик ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Ҳуқуқий ножўя ҳаракатларнинг бошқа турларига **халқаро, солиқ, молиявий, компьютерва** бошқа соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар киради.

Ножўя ҳаракатлар туфайли айрим шахсларга ёки умуман жамиятга етказиладиган зарарнинг даражаси ва кўлами куп ҳолларда бир хил бўлмайди. Шу муносабат билан бир вақтлар ҳатто «Ножўя ҳаракатлар кодекси»ни яратиш ҳам таклиф этилганди, лекин бу ғоя амалга ошмай қолиб кетди. Шунини айтиш жоизки, бир қатор хорижий мамлакатларнинг қонунларида жиноий ножўя ҳаракатлар деб аталадиган ҳуқуқбузарликлар аниқ ажратиб кўрсатилган. Чунончи, Франция Жиноят кодексида жиноий ҳаракатларни уч синфга, яъни: жиноятлар (қонун бўйича уқубатли ва шармандали жазо чорасига лойиқ жиноятлар); ножўя ҳаракат (ахлоқ тузатиш жазосига лойиқ қилмишлар); турли интизомий ҳуқуқбузарликлар (полиция

жазосига лойиқ ножўя ҳаракатлар)га бўлинади⁹. Бундай ёндашув ҳуқуқбузарликларга қарши курашни бир мунча аниқроқ олиб бориш имконини беради.

Юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг алоҳида тури бўлиб, у инсон ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўлади. Чунки шахс жавобгарлиги ижтимоий табиатга эга. У ижтимоий муносабатларнинг хусусияти билан ҳам, шахснинг ўзига хос жиҳатлари, унинг мазкур муносабатлар тизимидаги ўрни билан ҳам белгиланади. Демак, умуман, ижтимоий жавобгарлик шахснинг ҳуқ-атвори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва ижтимоий нормалар билан тартибга солинган ҳолда келиб чиқади. Юридик жавобгарлик эса давлат, ҳуқуқ нормалари, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари мажбуриятлари ва қонунга ҳилоф ҳуқ-атвори билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, давлат ҳуқуқ нормаларини қабул қилар экан, субъектлар хоҳиш-иродасидан қатъи назар, уларнинг юридик жавобгарлигини назарда тутди¹⁰.

Шундай қилиб, **юридик жавобгарлик** ҳуқуқбузарликларга қарши кураш воситаларидан бири, ҳуқуқий ҳуқ-атвори таъминлаш воситасидир. Юридик жавобгарлик ҳавфи, муайян салбий оқибатлар - жамият аъзоларининг ҳуқуқий ҳуқ-атворини таъминлашда муҳим омилдир. Бинобарин, жавобгарлик давлат мажбурлови билан боғлиқ. Давлат мажбурлови давлатнинг субъектига муайян хатти-ҳаракатни унинг хоҳиш-иродасидан ва ихтиёридан ташқари амалга ошириш мажбуриятини юклаш имкониятидир. Ҳуқуқбузарлик фак-ти мавжуд бўлганида давлат шахе (ёки ташкилот)ни муайян салбий оқибатларни бошдан кечиришга мажбур этади¹¹. Умуман айтганда, **юридик жавобгарлик** - мураккаб, кўп жиҳатли ҳуқуқий ҳодиса. Унинг моҳияти, тушунчаси ва мазмуни ҳақидаги мунозаралар фанда ҳалигача давом этиб келмоқда. Сўнгги йилларда олимлар орасида юридик

⁹Преступление и наказание в Англии, США, Франции, Японии. М., «Прогресс», 1991, 57-бет.

¹⁰Теория государства и право. Курс лекций. М.; «Юристь», 2001. 595-597 бетлар.

¹¹Проблемы общей теории права и государства. М., изд. «Норма». 2002, 490 бет.

жавобгарликни кенг маънода субъект томонидан ҳуқуқий соҳада ўз қилмишларини, унинг оқибатларини, ижтимоий аҳамияти бурч ҳиссини англаш сифатида тушунишга интилиш кўзга ташланмоқда.

Бундай ёндашув жавобгарликни икки йўналишда: «позитив» (ижобий) - истиқболли (келажақдаги хатти-ҳаракатлар учун) ва ретроспектив, яъни анъанавий (содир этиб бўлинган қилмиш учун) жавобгарлик йўналишларида кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, мазкур ҳар икки фикр ҳам яшашга ҳақли. Агар **позитив** юридик жавобгарлик ҳозирги ва келажақдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи сифатида намоён бўлса, ретроспектив юридик жавобгарлик эса асосан ўтмишга қаратилган, зеро, у бурчга амал қилмаслик, юридик мажбуриятни бажармаслик натижасида юзага келади.

Шундай қилиб, анъанавий ретроспектив тушунишда кўриб чиқиладиган ҳолат ўтмиш учун, содир этилган ҳуқуққа зид қилмиш учун жавобгарликни ифодалайди. Умуман, ҳуқуқий жавобгарликнинг бундай жиҳатига умумэтироф этилган қарашлар мавжуд бўлмаганига қарамай, ҳар қалай, кўпгина ҳолларда юридик адабиётларда «жавобгарлик» атамаси орқали юридик мажбурият кўринишларидан бири англадилади. Юридик жавобгарликка тортиш айбдор шахснинг ўз қилмиши учун хисоботи (жавобгарликни келтириб чиқарадиган сабаблар, қилмиш содир этилиши мотивларини тушунтириш)ни назарда тутди. Модомики, жавобгарлик ҳуқуқ нормаси санкциясида кўзда тутилган экан, жавобгарликка тортиш, бинобарин, шу санкциянинг амалга оширилишидир.

Ўз навбатида жавобгарлик ҳам шу жавобгарликка тортилувчи субъектнинг муайян ҳаракатларини, шунингдек, мажбурлов чораларини қўлловчи махсус органлар таъсирини талаб қилади.

Агар биз ҳуқуқ тилига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда норматив ҳужжатларда «юридик жавобгарлик» атамаси орқали субъектнинг муайян ҳаракати мулкӣ мазмундаги (жарима тўлаш, мусодара, келтирилган зарарни қоплаш), шахсий тусдаги (озодликдан маҳрум этилиш, ижтимоий нуфузига

зарар етиши билан боғлиқ) чеклашларни бошдан кечириш мажбуриятини камраб олинисини кўрамиз.

Қонун матнларида «жавобгарликни кучайтириш», «жавобгарликни юмшатиш», «жавобгарликка тортиш», «жавобгарликдан озод этиш», «жавобгарликнинг бекор қилиниши», «жавобгарликка тортиладилар», «жавобгарликка мустаҳқидирлар» сингари иборалар учрайди. Келтирилган барча мисоллардан жавобгарликни юридик мажбурият сифатида тушуниш энг тўғри келишини кўрамиз.

Бинобарин, юридик жавобгарлик - бу содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат ҳокимият моҳиятига эга бўлган муайян чеклашларни бошдан кечириш мажбуриятidir. У куйидаги белгилари билан тавсифланади:

Давлат мажбурлови билан чамбарчас боғлиқлик. Бундай боғлиқлик, энг аввало, юридик жавобгарлик давлат томонидан белгиланишида ва юридик нормаларда ифодаланган ҳокимият талабларидан айбли шахсларга нисбатан махсус йўсин (усул)да ташқи мажбурлов таъсирини ўтказишда намоён бўлади. Юридик жавобгарлик мутлақо айбли қилмишларга жавоб тариқасида қўлланади ва шундан келиб чиққан ҳолда, одатда, ҳуқуқбузарлар учун қаттиқ чеклашлар билан боғлиқ бўлади.

Бунинг устига чиқарилган ҳукмнинг айбдор томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши ёки етказилган зарарнинг қопланиши ушбу чораларнинг мажбурлов моҳиятини ўзгартирмайди. Давлатда ҳамиша айбдор шахсни тегишли санкцияларда назарда тутилган чеклашларни бажартириш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Фақат ҳуқуқбузарлик, яъни ички (шахс онги ёки иродаси) ва ташқи (қилмиш) биргалиқда хатти-ҳаракат ҳужжати юридик жавобгарликка фактик асос бўлиши мумкин. Бу ҳол ҳуқуқий кўрсатмаларни бузишда айбдор бўлган шахснинг ҳуқуқий жавобгарлик субъекта бўлиши мумкинлигини англатади.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг ахлоқини давлат томонидан қоралаш, танбех бериш билан қушиб олиб борилади. Давлат мажбурлови ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга бўлган кенг маъноли тушунча эканлигини эслатиб ўтамиз. **Биринчидан,**бундай ҳукм чиқариш ҳуқуқи қораланадиган субъектларга нисбатан ҳокимият таъсирини ўтказиш билан узвий боғлиқдир. **Иккинчидан,**давлат номидан чиқарилган ҳукм ҳуқуқбузарни айбдор деб топиш, унга аниқ жавобгарлик чорасини белгилаш ва уни амалга оширишда намоён бўлади. **Учинчидан,**ретроспектив хусусиятга эга, зеро, фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотларнинг ўтмишдаги ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари салбий баҳо олади.

Юқорида қайд этилган белги юридик жавобгарликнинг алоҳида турларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. У, жумладан, жиноий жавобгарликка хос бўлиб, унинг моҳиятини белгилайди. Гап шундаки, айрим ҳолларда бу жавобгарлик айбдорни содир этган жинояти учун давлат қоралаши билан ниҳоясига етиши, албатта, жиноий жазо чорасини тайинлаш ва ижро этиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ҳуқуқбузар ҳуқуқининг юридик жавобгарлик билан боғлиқ ҳолда баҳоланиши, унинг давлат органлари томонидан қораланиши, шу тариқа ҳамиша мавжуд бўлади. Аксинча, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш воситалари учун бундай баҳолаш унчалик муҳим эмас. Чунончи, тиббий хусусиятга эга бўлган мажбурлов чоралари амалий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридангина муайян шахс томонидан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланади. Юридик жавобгарликда муқаррар бўлган ўша баҳолаш қисми мазкур воситаларга хос эмас.

Жавобгарликка тортиш билин боғлиқ **давлат ҳукми** ҳуқуқбузарларда муайян ҳиссиётларни келтириб чиқаради. Кўпинча айнан шу ҳиссиётларнинг ўзи жиддий тарбиявий хусусиятга эга бўлади ва маҳкумларни тарбиялайди.

Юридик жавобгарлик ҳамиша ҳуқуқбузар учун муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлади. Ҳуқуқбузарликни содир этган

шахс учун қандайдир оғирликларсиз, машаққатларсиз бу жавобгарликни тасаввур этиб бўлмайди. Улар ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Салбий оқибатлар деганда, ҳар қандай ноқулай, ёқимсиз натижани тушуниш лозим. Шу маънода назарда тутилган ҳар қандай ҳуқуқий жазо, шу жумладан жиноятнинг олдини олиш ёки тиклаш воситаларини қўллаш қандайдир чеклашлар, манфаатларнинг торайтирилиши билан боғлиқ бўлади. Жавобгарликнинг моҳияти унинг қандайдир чеклашлар билан қўшиб олиб борилишида эмас, балки ушбу чеклашларнинг ўзига хос хусусиятидадир.

Бу ўринда улар жарима хусусиятига эга бўлиб, ҳуқуқбузар шахсига йўналтирилганлиги назарда тутилмоқда. Жавобгарликка тортишда жарима тартибидаги чеклашлар бирдан-бир мақсад қилиб қўйилмайди. Жарима ҳуқуқбузарликларнинг умуман ёки қисман олдини олишга, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсни қайта тарбиялашга ёрдам берувчи восита сифатида майдонга чиқади.

Юридик адабиётларда юридик жавобгарлик асослари ва чегараларини белгиловчи принципларга нисбатан бир хил нуқтаи назар шаклланган. Улар жумласига **қонунийлик, адолатпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлик, жавобгарликни индивидуаллаштириш** принциплари киритилади.

Қонунийлик принципи жиноят, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий, интизомий жавобгарликни амалга оширишда қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажаришдан иборатдир. Ҳам моддий, ҳам процессуал қонун талабларига риоя этиш юридик жавобгарлик мақсадларига эришишнинг зарур шартидир. Моддий қонуннинг асосий талаби юридик жавобгарлик фақат қонунда назарда тутилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун белгиланиши ҳамда унинг фақат қонун тартибида жорий этилишидан иборат бўлиши керак. Процессуал қонуннинг асосий талаби эса ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланадиган юридик жавобгарликнинг асосланганлигини, яъни объектив ҳақиқат сифатида унинг ҳуқуққа зид қилмиш эканлигини аниқлаш, исботлашдан иборат. Боз устига, ҳозирги жамиятда ҳуқуқбузар ҳақ-ҳуқуқсиз

субъект эмас. Мисол учун, унинг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш юридик жавобгарликнинг зарур шартларидан биридир. Бошқача айтганда, жавобгарликнинг процессуал жиҳати олдига қўйиладиган қонунийлик талаби ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни текшириш ва кўриб чиқиш шаклида қонунда белгиланган тартибга ваколатли органларнинг қатъий риоя этишларини, шу жумладан, амалдаги қонунлар ҳуқуқбузарга берадиган субъектив ҳуқуқлар мажмуини таъминлашни англатади.

Адолатпарварлик принципи. Қонунийлик талабига асосланган ҳолда айбдорни жазолаш ижтимоий адолат ғояси билан суғорилган бўлмоғи лозим. У ҳуқуқнинг принципи, одил судлов асосидир. А.Ф.Кони таъкидлаганидек, «қонун ҳужжатларида кишилар эҳтиёжлари ва имкониятлари ҳақиқати қанчалик устувор бўлса, инсон шахсига расмиятчилик билан эмас, балки кўпроқ жонли муносабат билан қарайдиган суд томонидан амалга ошириладиган одил судловда адолат тушунчаси шунчалик теран ва сарбаланд ўзининг ифодасини топади»¹².

Юқорида айтилганлар юридик жавобгарликка ҳам тўлиқ алоқадордир. «Адолатни бузмай туриб жиноятчини жазолаш, деган эди Ж.П.Марат, - ёвузларни жиловлаш, бегуноҳларни ҳимоя қилиш, заифларни зулмдан халос этиш, мустабид қўлидан қилични уриб тушириш, жамиятда тартибни ва унинг аъзоларининг ижтимоий осойишталигини сақлаб туриш демакдир. Одамлар тинч-хотиржамлиги учун бундан маънилироқ, олижаноброқ, мурувватлироқ ва муҳимроқ яна нима бўлиши мумкин?»¹³.

Юридик жавобгарликнинг адолатлилиги ахлокий ёхуд руҳий мавҳум тушунча эмас. У расмий талабларнинг қуйидаги тизимида намоён бўлади:

- ножўя қилмишлар учун жинойий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;
- жавобгарлик белгиловчи ёки жазони оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;

¹²Кони Ф. Собр. Соч. М., «Мысль», 1968, 25-бет.

¹³Марат Ж.П. План уголовного законодательства. М, 1954, 31-бет.

- агарбузгунчилик асосида келтирилган зарар асл ҳолига қайтиш кучига эга бўлса, юридик жавобгарлик унинг қайта тикланишини таъминлаши даркор;
 - битта айб учун фақат битта жазо бўлиши мумкин;
 - ҳуқуқбузарликни содир этган киши жавобгарликка тортилиши керак;
 - жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига боғлиқ.
- Жавобгарликни белгилашда ҳам айбни оғирлаштирувчи, ҳам уни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи. Келиб чиқиши жиҳатдан муқаррарлик ҳодисадан кейин бирон-бир оқибат пайдо бўлишининг шубҳасиз муқаррарлиги хусусиятидир. Жавобгарликнинг муқаррарлиги унинг ҳуқуқбузарлик ҳодисаси билан узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Бу боғлиқлик шундан иборатки, ушбу ҳодисалар қонунда ҳам, одамлар ҳуқуқий онгида ҳам ўзаро бир-бирларини тақозо этади.

Шу ўринда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг мазмуни қонунийлик нуқтаи назаридан бир хилда муҳим бўлган икки жиҳатни ўз ичига олувчи қуйидаги таърифни келтириб ўтамыз: **биринчиси**- ҳар бир ҳуқуқбузарлик айбдор шахснинг албатта жавобгарлигига олиб бориши кераклиги ҳақидаги қоида; **иккинчиси**- биронта ҳам айбсиз одам жавобгарликка тортилмаслиги кераклиги ҳақидаги қоидадир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилганидек, муқаррарликнинг моҳияти ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун албатта, юридик жазо қўлланишида эмас, балки ваколатли давлат органлари, мансабдор шахсларнинг албатта унга ўз муносабатларини билдиришларидадир. Ҳуқуқбузар ва унинг қилмиши кенг жамоатчилик олдида ошкор бўлиши, жамоатчилик, ваколатли органлар диққат-эътиборига тушиши, улар томонидан қораланиши даркор. Агар ҳуқуқбузар фақат ижтимоий чоралар билан тузалиши мумкин бўлса, жарима жазоси қўлланмаслиги ҳам мумкин.

Қуйидаги бир жиҳатни ҳам ҳисобга олиш зарур. Маълумки, фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда муайян эркинликка, шу жумладан, поймол

этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб ваколатли органларга мурожаат қилиш эркинлигига эгалар. Агар уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқ амалга оширилмаса, у ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ҳам муайян даражада чекланиб қолади. Шу муносабат билан Н.С.Малевин асосли равишда таъкидлаганидек, ҳуқуқбузарлик содир этилганидан узоқ вақт ўтганидан кейин жавобгарлик чораларининг қўлланиши мақсадга мувофиқлик хусусиятини йўқотади. Зеро, бу ҳол зарур таъсир кучини яратишга қодир эмас ва адолатсизлик ифодаси сифатида салбий баҳони истисно этолмайди¹⁴.

Мақсадга мувофиқлик принципи. Жавобгарликнинг муқаррарлиги унинг мақсадга мувофиқлигини тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам жавобгарлик муқаррар равишда содир бўлади, чунки у мақсадга мувофиқдир. Қонуний асосларсиз, оғирлиги, мақсадга мувофиқлиги, таъсирчанлиги, сиёсий, мафкуравий ва бошқа сабабларни баҳона қилиб ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод қилиш мумкин эмас. Акс ҳолда, «...ҳар қандай, энг олижаноб баҳона билан амалдаги нормаларни итқитиб ташлаб, биз қонунсизликнинг, қонун ва ҳуқуқнинг топталиши мумкинлиги ва демакки, зўравонликка йўл қўйилиши мумкинлигининг мудҳиш, тубсиз жари ёқасига шундоққина келиб қоламиз...»¹⁵.

Бироқ юридик ҳодиса сифатида жавобгарликнинг мақсадга мувофиқлигини фарқлай олиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнида, шахсни жавобгарликка тортишда, унга жазо чорасини тайинлаш вақтида мақсадга мувофиқликни ҳисобга олиш керак бўлади. Мазкур ҳолатда мақсадга мувофиқлик ҳуқуқбузарга нисбатан танланган таъсир чорасининг юридик жавобгарлик мақсадларига мос келишидир. У нафақат бузғунчиликнинг оғирлиги, балки яна ҳуқуқбузар шахсининг ўзига хос хусусиятлари, қилмишни содир этишдаги вазият билан боғлиқ равишда жазо чораларини қатъий индивидуаллаштиришни ҳам назарда тутаяди. Мабодо, жавобгарлик мақсадларига уни

¹⁴Малевин Н.С. Правонарушение: понятие, причинки, ответственность. М., 1985, 5-58-бетлар.

¹⁵Алексеев С.С. Уроки. Тяжкий путь России к праву. М., «Юристь» 1997, 182-бет.

амалга оширмай туриб эришиладиган бўлса, қонун айбдорни жавобгарликдан озод этишга йўл қўяди¹⁶.

Жавобгарликни индивидуаллаштириш принципи. Ушбу принципга юридик жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан адолатли ҳукм чиқаришни таъминловчи ўзига хос бир негиз сифатида қараш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳуқуқбузарликнинг жавобгарлик билан ҳамбарчас боғлиқлигини аниқлашга даъват этилган, индивидуаллаштириш эса бу боғлиқликнинг бир-бирига мутаносиблигини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддаси кўрсатишича, жавобгарликни индивидуаллаштириш ҳуқуққа зид қилмишнинг ижтимоий хавфлилик табиати ва даражасини, айбдорнинг шахси, қонунда назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қонунда белгиланган жазо чоралари доирасида ҳуқуқий таъсирнинг турли воситаларини танлаш имконияти билан таъминланади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик доирасига жавобгарликнинг мос келмаслиги қонунчиликни заифлаштирибгина қолмай, жавобгарлик мақсадларига эришишга ҳам ёрдам бермайди. Жавобгарлик ҳаддан ташқари қаттиқ бўлса, ҳуқуқбузарда норозилик туғдиради, унинг томонидан бу адолатсиз ёки ҳаққоний бўлмаган жазо сифатида қабул қилинади. Мабодо, ҳаддан ташқари енгил, қарийб жавобгарликдан озод қилишга тенг жавобгарлик белгиланадиган бўлса, бу - жамоатчилик норозилигига сабаб бўлади. Мамлакатимиз раҳбари Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашида сўзга чиқар экан, вилоят судлари оғир жиноятлар содир этган жиноятчиларга нисбатан фавқулодда кўнгилчанликка йўл қўйганларига алоҳида эътиборни қаратгани мазкур принципнинг қанчалик жиддийлигидан далолат беради. Жумладан, у шундай мисол келтирганди: «Фуқаро Е.Мадаминов 30 килограмм миқдордаги наркотик моддани сотиш мақсадида сақлагани учун

¹⁶Теория государства и права Учебник для юридических вузов и факультетов. М., изд. «НОРМА», 1997, 424-бет.

Урганч шаҳар суди томонидан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ваҳоланки, қонунда 15 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўрсатилган. Бу иш вилоят судининг ҳайъатида қайта кўриб чиқилиб, тайинланган жазони ноқонуний равишда икки йил муддат қилиб белгиланган.

Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмига яқини гиёҳвандлик билан боғлиқ. Хўш, наркобизнесга қарши кураш кучайтирилиши лозим бўлиб турган бир пайтда вилоят суди ҳайъатининг бундай «муруввати»ни қандай тушунса бўлади? Бу кўнгилчанликми, уқувсизликми ёки инсонпарварлик ниқоби остидаги шахсий манфаатпарастликми?!»¹⁷.

Амалдаги ҳуқуқ нормаларида юридик жавобгарлик тамойиллари субъектларга йўналтирилган талаблар кўринишида мустаҳкамланган. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар учун улар ҳуқуқбузарлар жавобгарлигини амалга ошириш ишида назоратни йўлга қўйиш воситаси сифатида муҳимдир.

Маълумки, юридик жавобгарлик икки мақсадни - ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларни тарбиялаш мақсадларини кўзлайди.

Биринчи мақсад юридик жавобгарлик мазмуний жиҳатдан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми таркибида ҳуқуқни муҳофаза этиш нормаларини рўёбга чиқаришдан иборатлиги билан белгиланади. **Иккинчи мақсад** га ҳуқуқда жавобгарлик тузилмасининг мавжудлиги жамият аъзоларига ахборот тарзидаги, тийиб турувчи ҳамда интизомга солувчи таъсир кўрсатиши орқали эришилади.

Юридик жавобгарлик хилма-хил асосларга қараб турларга бўлинади.

Жумладан, жавобгарликка тортувчи органлар: а) давлат ҳокимияти органлари томонидан юклатиладиган жавобгарлик; б) суд ва бошқа юрисдикция органлари томонидан юклатиладиган жавобгарлик; в) ҳуқуқбузар маъмурий органлар (давлат бошқаруви органлари) томонидан тортиладиган жавобгарлик бўйича бир-биридан фарқланади.

¹⁷Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 283-284 беглар.

Юридик жавобгарлик қайси соҳага тааллуқлилиги, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури содир этилганига мувофиқ: а) жиноят-ҳуқуқий; б) маъмурий; в) фуқаролик-ҳуқуқий; г) ишчилар, хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги; д) интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик турлари фарқланади. Жиноий жавобгарлик жавобгарликнинг энгоғир турига киради.

Қисқаси, юридик жавобгарлик амалга оширилган ҳуқуқбузарлик учун айбдорнинг шахсий (ташкилий) ёки мулкӣ чеклашларга дучор бўлиши билан боғлиқ давлат мажбурлов чорасидир. Шунингдек, юридик жавобгарлик билан бир қаторда таъсир чоралари ғайриқонуний хатти-ҳаракатнинг олдини олиш чоралари, ҳимоялаш чоралари сингари турлари ажратиб кўрсатилади. Демак, юридик жавобгарлик фақат ҳуқуқ нормалари асосида юзага келади. Юридик жавобгарлик чегаралари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нормалар санкцияларида мавжуд бўлади. Ҳуқуқбузарлик содир этиш ва шунинг натижасида юридик жавобгарликни рўёбга чиқариш эса давлат ва жамият айблови билан боғлиқ бўлади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
2. Маъмурий ҳуқуқ тизими ва манбалари.
3. Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазо.

.

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси. «Маъмурият» сўзи латин тилида бошқариш маъносини билдиради. Шу боис маъмурий ҳуқуқ кўпинча бошқарув ҳуқуқи ёки бошқаришга оид ҳуқуқ деб таърифланади.

Ҳуқуқ тармоқлари бир-бирларидан, аввало, ҳуқуқий бошқарув предмети ва усули билан фарқ қилади. Маъмурий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг мустақил тармоғи сифатида ижтимоий муносабатларнинг махсус гуруҳини тартибга солишга хизмат қилади. Ушбу муносабатларнинг асосий хусусияти шундаки, улар давлат бошқаруви соҳасида, яъни Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва амал қилиши муносабати билан юзага келади, ривожланади ва тўхтатилади. Ўз хусусиятига кўра хилма-хил бўлган бундай муносабатлар маъмурий ҳуқуқнинг предметини ташкил қилади.

Маъмурий ҳуқуқ предмети. Уни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Ушбу ижтимоий муносабатлар давлат бошқаруви фаолияти билан бевосита боғланган, шу боис умумлаштирилган ҳолда бошқарув муносабатлари деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ — ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил қилиниши ва амал қилиши жараёнида, кенгроқ маънода, давлат бошқаруви фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи _ ҳуқуқий нормалар мажмуи. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда ифодаланган маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳукуматнинг шаклланиши ва ташкил этилиши тартибини, ваколатлари, қайси ташкилотга ҳисобдор эканлиги ва масъулиятини, давлатнинг бошқа органлари билан ўзаро муносабатини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ ўз предмети доирасида, биринчи навбатда, ижро этувчи ҳокимият субъектларининг ташкил этилиши ва фаолиятини уларнинг конституциявий вазифаларига, шунингдек тартибга солинадиган бошқарув муносабатларининг барча иштирокчилари ҳуқ-атворига тўла мос келадиган муайян ҳуқуқий режимни яратади. «Маъмурий ҳуқуқнинг регулятив (тартибга солувчи) функцияси ана шундан иборат. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқ яна

бир муҳим функцияни, яъни бошқарув муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий режимга риоя этилишини ҳам тарафларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳам таъминловчи ва муҳофаза қилиш (юрисдикция) функциясини бажаради.

Маъмурий-ҳуқуқий бошқарув бу ўринда, биринчи навбатда, кузатиш, назорат қилиш, контроль (ички назорат) ёрдамида амалга оширилади. Албатта, ҳуқуқий тартибга хавф туғилган ёки айрим фуқаролар ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органлари айбдор шахсларга нисбатан тегишли маъмурий мажбурлов чораларини қўллайдилар.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг асосий вазифалари жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига жиноий ҳамда бошқа турдаги ғайриқонуний тажовузларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қолишдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқ тизими. У маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва институтлардан ташкил топган. Маъмурий ҳуқуқ тизими умумий ва махсус қисмлардан иборат.

Умумий қисм-бунда умумий тушунчалар, яъни давлат бошқаруви тушунчаси ва тамойиллари, маъмурий ҳуқуқнинг предмети, тизими, манбалари, унинг ҳуқуқ соҳасида тутган ўрни, маъмурий ҳуқуқ субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ўрнатилади.

Махсус қисм-бунда ҳар бир соҳада татбиқ қилинадиган ҳуқуқ нормалари ўрганилади. Маъмурий ҳуқуқнинг махсус 4 йўналиш бўйича ўрганилади:

- 1) иқтисодий соҳаси;
- 2) ижтимоий-маданий соҳа;
- 3) маъмурий-сиёсий фаолият;
- 4) тармоқлараро бошқарувлар.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари. Ўзларида маъмурий ҳуқуқ нормалари бўлган давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

1. Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақолларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бош манба ҳисобланади.

2. Маъмурий-ҳуқуқий меъёрларни ўзида акс эттирган қонунлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъмурий бошқариш предметига тааллуқли фармонлари.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат бошқаруви масалаларига доир қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуалари, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Солиқ Кодекси, Божхона Кодекси.

6. Вазирликлар ва идораларнинг буйруқ ва қарорлари.

7. Маҳаллий бошқарув органларининг фармойиш ва қарорлари.

8. Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мансабдор шахсларнинг бошқарув ҳужжатлари (буйруқ, ёзма ва оғзаки кўринишдаги фармойиш).

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар. Маъмурий ҳуқуқ-ҳуқуқнинг инсон ҳуқ-атворини тартибга соладиган тармоғи бўлиб, ҳар қандай бошқа тармоқ сингари, муайян тартибга солинган юридик нормалардан иборат. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларида майда безорилик учун жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, шу орқали фуқароларнинг қонунга мос ҳуқ-атворлари белгилаб берилган.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли субъектларнинг-нафақат фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқ-атворини, балки бошқарув органларининг ҳам фаолият тартибини белгилаб беради.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни давлат ўрнатади. Улар одамларнинг ҳар бир нормада ифодаланган лозим тарздаги одоб моделига мос келадиган хатти-ҳаракатларини йўналтиришга хизмат қиладиган оддийгина ҳуқ-атвор қоидалари эмас, балки ҳокимият кўрсатмаларидир. Маъмурий-ҳуқуқий

нормалар бевосита давлат бошқаруви соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳамда у ёки бу ҳажмдаги вазифаларни бажарувчи ёхуд ўз ҳаракатлари билан ушбу соҳа манфаатларига дахл қилувчи барча шахслар ташкилотлар риоя этиши шарт бўлган, яъни ҳуқуқий давлат манфаатларига мос келувчи ҳатти-ҳаракатнинг у ёки бу вариантыни белгилаб беради. Лозим тарздаги ҳуқ-атвор қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин, қайсиларидан ўзни тийиш керак, қайсиларини бажариш зарур эканлигини кўрсатишни тақозо этади. Инсон ҳуқ-атворига бошқарув таъсирини кўрсатишнинг моҳияти ана шунда намоён бўлади. Бунда маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муҳим хусусиятига эътиборни қаратиш керак. Ушбу нормалар, аввало, ижро этувчи ҳокимият субъектларига қаратилган юридик мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларига эга. Шунга қарамай, уларнинг бошқарув таъсири остида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган бундай муносабатлар иштирокчиларининг бурч ва ҳуқуқлари мослиги, уларнинг ҳокимият иродаси қаратилган шахслар манфаатларини таъминлашга йўналганлиги каби сифатлардан маҳрум бўлмайди. Ҳуқуқий норма таъсирида юзага келган субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари. Маъмурий-ҳуқуқий муносабат деганда, маъмурий-ҳуқуқий норма билан тартибга солинган, тарафлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар воситасида ўрнатилган ҳамда кафолатланган ўзаро мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгаси бўлиб майдонга чиқадиган бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тушунилади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турли мезонлар бўйича таснифланади. Уларга, аввало, ижро этувчи ҳокимият субъектларининг у ёки бу объектга бошқарув ёки тартибга солиш хусусиятига эга бўлган таъсир кўрсатишидан иборат юридик имконияти киради.

Юридик хусусиятига кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари вертикал ва горизантал ҳуқуқий муносабатларга ажратилади.

1.Вертикал ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий бошқарувнинг ҳамда

субъект ва объект ўртасида юзага келадиган давлат бошқарув фаолияти учун хос бўлган субординация алоқаларининг моҳиятини энг кўп даражада акс эттиради. Одатда ҳокимият муносабатлари деб аталадиган муносабатлар айнан шу муносабатлардир.

2. Горизонтал ҳуқуқий муносабатлар деганда, тарафлар амалда ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўладиган муносабатлар тушунилади. Бинобарин, уларда бир тарафнинг бошқа тараф учун бажарилиши мажбурий бўлган юридик ҳокимият кўрсатмалари булмайди.

Иштирокчиларнинг таркибига кўра, ҳуқуқий муносабатлар аппарат ичкарисидаги ва ташқарисидаги муносабатларга бўлинади. Биринчи ҳолда мавжуд бўлгани шарт бўлган субъект аппаратнинг бошқа бўғинлари билан муносабатга киришади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини, органлар ва хизматчиларнинг ваколатларини, уларнинг ўзаро муносабатларини, аппарат ичидаги ишлар шакли ва усулларини белгиловчи маъмурий ҳуқуқий нормаларга асосланади. Иккинчи ҳолда, мажбурий субъект фуқаролар, давлатга қаршли бўлмаган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари билан ижро этувчи ҳокимият органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқда фуқароларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамловчи ва уларнинг бошқарув органлари билан муносабатларини тартибга солувчи нормалар етарлича катта ўрин эгаллайди. Субъектларини бошқарув органлари ва фуқаролар ташкил этадиган муносабатлар ҳуқуқий воқеликдаги энг анъанавий муносабатлардир. Ҳар қандай фуқаро ўз ҳаёти мобайнида маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар ва уларнинг мансабдор шахслари билан, транспорт ва алоқа органлари билан, солиқ органлари,

паспорт идораси, божхона хизмати, ижтимоий ҳимоя ва бошқа идораларнинг ходимлари билан маъмурий ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролар ўртасидаги муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилади. Фуқаролар ўртасидаги кўпгина муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинганлиги учун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киради. Ушбу муносабатлар кўпроқ жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳаларида юзага келади ҳамда қонунчилик фуқароларга жамоат жойларидаги ўзаро муносабатларини мустақил равишда, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этган ҳолда тартибга солиш мажбуриятини юклайди.

Давлат бошқарув органлари - булар қонун билан белгиланган тартибда ташкил топган ва унинг функциялари ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан ваколат берилган, бу мақсадда давлат-ҳокимият ваколоти билан таъминланган ва белгиланган тартибда иш кўрувчи фуқаролар гуруҳидир.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг хусусиятларига қуйидагилар киради:.

1) ижро этувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси ягона давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти билан яқиндан алоқада бўлган нисбатан мустақил тармоғидир;

2) ягона давлат ҳокимиятининг кўриниши бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳозирги ижро этувчи органлар деб номланадиган, амалда эса давлат бошқаруви органлари бўлган давлат аппаратининг махсус бўғинлари фаолиятида реал хусусият касб этади;

3) ижро этувчи ҳокимият давлат бошқаруви органлари тизимида намоён бўлади, уларга республика ҳукумати, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий ижро этувчи органлар, давлат муассасалари ва корхоналарининг маъмурияти киради.

4) ижро этувчи ҳокимият замон ва маконда универсал хусусиятга эга, яъни узлуксиз ва инсонлар жамоалари фаолият кўрсатаётган барча жойларда амалга оширилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари мазмуни бўйича ижро этувчи ва

кўрсатма берувчи фаолиятни амалга оширади. Қонунга мувофиқ улар давлат ваҳокимият ваколатларига, жумладан, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ва уларни амалга ошириш ваколатларига эга. Умуман олганда, ушбу органлар мустақил равишда қонун ҳужжатлари чиқариш, уларни қўллаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишдан иборат кенг доирадаги ваколатларга эгадирлар.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг қонун асосида бўлиши хусусиятига эгаллиги уларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги энг муҳим жиҳатдир. Улар ўзларининг барча шаклдаги фаолиятида Конституция, қонунларнинг талабларига қатъий риоя этишлари, уларни бажаришлари ва ўз ваколатлари доирасида бошқаларнинг бажаришларини таъминлашга ёрдам беришлари керак;

5) ижро этувчи ҳокимият давлат хизмати орқали амалга оширилади. Давлат хизмати деганда, фуқароларнинг давлат органларидаги давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган профессионал фаолияти тушунилади

Ижро этувчи ҳокимият органлари муайян бўлинмалардан ташкил топади. Уларнинг ҳар бири хизматчилар эгаллаб турган лавозимлар йиғиндисидан иборатдир.

6) ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим жиҳати унинг бевосита қўл остида улкан ресурслар, яъни ҳуқуқни, ахборот, иқтисодий⁴ техникавий, мафкуравий, ташкилий ресурсларнинг мавжудлиги ёки унинг предметли хусусиятидир. Ижро этувчи ҳокимият қўлида давлатнинг амалдаги қудрати жамланган. У улкан ҳудудлар, кўплаб одамлар, ресурсларга таянади, хизматдаги лавозим бўйича кўтаришлар ва рағбатлантиришлар воситаларидан фойдаланади. Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият органларининг бевосита қўл остида Қуролли Кучлар, чунончи, армия, милиция, миллий хавфсизлик хизмати мавжуд.

Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати ижро этувчи ҳокимият ваколатларини амалга оширади, ижро органлари тизимига бошчилик қилади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. унинг

хуқуқий ҳолати асослари, таркиби, шаклланиш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги 1993 йил 6 май қонуни ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ҳукумат аъзолари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллай ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмайдилар. Ҳукумат аъзолари айни бир вақтда вакиллик органининг депутата бўла олмайдилар. Ҳукумат фаолияти амалда жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимиятининг марказий органлари. Ижро этувчи ҳокимият органлари таркибига ҳукумат билан бир қаторда махсус ваколатли давлат органлари — тармоқ ёки тармоқлараро функциялари бажарувчи органлар киради. Уларнинг тузилишини Республика Президенти белгилайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг ташкилий ҳуқуқий органларига қуйидагилар киради:

- 1) вазирликлар;
- 2) давлат қўмиталари;

3)қўмиталар, департаментлар, агентликлар, шунингдек Республика вазирликлари, давлат қўмиталари қошидаги бошқа Давлат бошқарув органлари

4)қўмита, бош бошқарма, комиссия, агентлик ва ҳукумат таркибига кирмайдиган бошқа Республика давлат бошқарув органлари

Ижро этувчи ҳокимиятнинг барча марказий органлари ҳукуматга қарашлидир. Ҳукумат вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа марказий ва маҳаллий ижро органларининг ҳамкорлигини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ёки тўхтатиб қўяди. |

Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органларнинг раҳбарларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади, шунингдек вазирлар, давлат қўмиталарининг райислари, ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органлар раҳбарларининг тақдимотига биноан Республика идораларининг раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва марказий ижро этувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини, Республика қонунлари билан бир қаторда, Президент ва ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, махсус низомлар ташкил қилади.

Уларнинг ҳар бири тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Ҳукумат, шунингдек Республика идораларининг фаолият соҳаси, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органлари ўз функциялари ва ваколатларининг табиатига кўра, муайян хусусиятларга эга.

Вазирлик — республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқига раҳбарлик қилади, шунингдек қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади. Давлат қўмитаси— республиканинг марказий ижро этувчи органи

бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқларида ягона давлат сиёсатини ўтказди ва ушбу мақсадда қонунга кўра тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширилади.

Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ўз лавозимига кўра ҳукумат таркибига киради, давлат бошқарувининг тегишли тармоғнинг самарали ишла-

шини таъминлайди, ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқнинг аҳволи ва ривожланиши, қонунлар ҳамда Президент ва ҳукумат ҳужжатларининг бажарилиши учун жавобгар бўлади. Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ҳузурида маслаҳат берувчи ва кенгашувчи орган — вазирлик давлат қўмитасининг хайъати ташкил этилади. Вазирлик ёки давлат қўмитаси чиқарадиган қарор вазирнинг буйруғи билан ҳамда давлат қўмитасининг раиси имзолайдиган қарор билан расмийлаштирилади. Республиканинг ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органи ўз ваколатига қиравчи масалалар бўйича тармоқлараро мувофиқлаштиришни, шунингдек бошқа махсус ижро этиш ва рухсат бериш функцияларини амалга оширилади.

Маъмурий мажбурлов, унинг хусусиятлари ва турлари. Маъмурий мажбурлов маъмурий ҳокимиятни амалга оширишдан иборат махсус ваколатлар берилган ижро этувчи органлар ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришга мажбур қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда эса — уларга маъмурий жазо чорасини кўриш бўйича ташкилий, жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатишини билдиради.

Маъмурий мажбурлов давлат мажбурловининг турларидан бири бўлиб, асосан давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва муҳофаза этишнинг охириги чораси қўлланилади, яъни жазолаш функциясини бажаради. Бироқ унинг вазифалари шулар билан чекланмайди. Айти пайтда ҳуқуқни мийҳофаза қилиш мақсадида маъмурий мажбурлов чоралари бошқача вазифаларни ҳам бажаради, яъни нафақат ҳуқуқбузарликлар учун жазо сифатида, балки уларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қолиш учун ҳам

қўлланилади.Шундай қилиб, улар жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлайди.

Маъмурий мажбурловга суддан ташқаридаги тартиб хос, яъни мажбурлов чоралар тегишли ижро этувчи органлар-ички ишлар органлари, назорат-текширув органлари, маъмурий комиссиялар ва бошқалар, яъни ушбу чораларни ўз фаолиятида судга мурожаат этмай туриб бевосита қўллайдиган органларнинг ваколатларига киритилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий мажбурлов чораларининг айримларини судлар қўллайдилар. Чунончи, бу маъмурий ҳуқуқбузарлик масалан, майда безорилик учун энг қаттиқ маъмурий жазоларни қўллаш ҳолларига тааллуқли. Маъмурий чоралар нафақат алоҳида шахсларга, балки ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Маъмурий мажбурлов — ижро этувчи органнинг қонунга асосланган ва ундан келиб чиқадиган ҳамда жамоат тартибини сақлашга, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятidir.

Маъмурий мажбурлов чоралари хилма-хилдир. Уларни, мақсадига кўра, тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) маъмурий олдини олиш чоралари;
- 2) маъмурий чеклаш чоралари;
- 3)маъмурий тиклаш чоралари;
- 4)маъмурий жавобгарлик чоралари.

Маъмурий олдини олиш чоралари мажбурлов тусига эга бўлиб, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар бўлганда юз бериш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Кўпинча улардан фуқаролар ҳаёти ва соғлигига нисбатан тугалиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланилади.

Маъмурий олдини олиш чоралари ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олади. Бундай чоралар хилма-хил бўлиб, улар орасида энг кўп тарқалганлари қуйидагилардир:

- контроль ва назорат текширувлари;
- ашёларни кўздан кечириш ва шахсни кўриқдан ўтказиш божхона, ички
- ишлар ходимлари амалга оширадилар;
- инсоннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;
- маъмурий назорат;
- карантин жорий қилиш;
- жамоат хавфсизлигига таҳдид туғилганда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатиш;
- шахсларнинг тиббий ҳолатини ва умумий овқатланиш корхоналарининг санитария ҳолатини гувоҳлантириш;
- мулк реквизицияси;|
- давлат чегарасининг муайян қисмини ёпиб қўйиш ва ҳ.қ

Бу ва бошқа чораларни қўллаш қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган.

Маъмурий чеклаш чоралари ғайриқонуний ҳаракатни мажбурий тартибда тўхтатиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Улар ҳам хилма-хил бўлиб турли ижро этувчи органлар томонидан қўлланилади.

Уларга қуйидагилар киради:

- қонунга хилоф хатги-ҳаракатларни тўхтатиш талаби;
- ҳуқуқбузарларни ушлаб келтириш;
- қурол ишлатиш;
- атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар билан оғриган шахсларни мажбурий даволаш;
- техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт

воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

-корхона ва ташкилотлар барча учун мажбурий у ёки бу қоидаларни бузган тақдирда уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёхуд тугатиш ва хоказо.

Маъмурий-тиқловчи чоралар ашёларнинг аввалги ҳолатини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўлланилади.

Шу боис ушбу чораларнинг тури ва миқдори ҳуқуқбузар етказган зарар хусусиятига ва миқдорига боғлиқ. Уларга қуйидагилар киради:|

- рухсат сўрамай қурилган бинолар ва иншоотларни бузиб ташлаш;
- берухсат эгаллаб олинган турар жойдан кўчириб юбориш;
- ташкилотлардан қонунга ҳилоф тарзда эгалланган нарсаларни олиб куйиш;
- вояга етмаган фарзанди етказган зарарни унинг ота-онасидан ундириш ва хоказо.

Маъмурий жавобгарлик чоралари ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маъмурий жазо қўллашида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик ва унинг хусусиятлари. Маъмурий жавобгарлик — жавобгарликнинг барча белгилари хос бўлган юридик жавобгарликнинг махсус тури.

Айни пайтда қонунда жавобгарликнинг айнан шу турига хос бўлган аломатлари белгиланган ва улардан ижро этувчи ҳокимият органлари етарлича кўп фойдаланадилар.

Маъмурий жавобгарлик — ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг махсус ваколатли органлари ва мансабдор шахслари айбдорга белгилайдиган маъмурий жазолар тизими. Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос вазифасини маъмурий ҳуқуқбузарлик бажаради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деб жамоат ёки давлат тартибига, давлатнинг ёки мулкига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳамда содир этилгани учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ғайриқонуний, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, худди жиноятлар каби жамият учун хавфлидир, улардан фақат ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтга келиб 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаган лар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Мансабдор шахслар, яъни ҳокимият қарорлари чиқаришга ваколати бўлган раҳбарлар ҳам хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Бунда мансабдор шахслар нафақат ўзларининг, балки қўл остидаги уларга буйсунувчи ва тегишли қоидаларни бузган ходимларнинг ҳам ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликлари уларга нисбатан улар хизмат бўйича бевосита буйсунмайдиган органларнинг маъмурий-ҳуқуқий чора қўллашини англатади. Масалан, ёнғин назорати органлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун корхона раҳбарига маъмурий жарима солади.

Жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни фарқловчи юридик мезонлар. Ушбу масаланинг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик улар ўз табиатига кўра амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка олиб келмаган тақдирда қўлланилади .

Маъмурий жавобгарликнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

1)маъмурий жавобгарликни қонун ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги нормалар ҳам белгилайди. Ундан фарқли равишда, жиноий жавобгарлик фақат қонунлар билан белгиланади;

2)маъмурий жавобгарлик учун — маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноий жавоб- гарлик учун эса — жиноят содир этилиши асос бўлиб хизмат қилади

3) маъмурий жавобгарликка 16 ёшга тўлган ақли расо шахс тортилиши мумкин, жиноий жавобгарликка эса 14—16 ёшдан, айрим жиноятлар учун 13 ёшдан ҳам жазога тортиш мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъектлари

фуқаролар мансабдор шахслар, вояга етмаганлар ва бошқалар бўлиши мумкин;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун-маъмурий жазо, жиноят учун эса жиноий жазо қўлланилади;

5) маъмурий жазони ижро этувчи ҳокимиятнинг кенг доирасидаги ваколатли органлари ва мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда судлар қўллайдилар, жиноий жазони эса фақат суд қўллайди.

6) маъмурий жазони органлар ва мансабдор шахслар ўзларига буйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўллайдилар.

7) маъмурий жазони қўллаш судланганликни ва ишдан бўшатишни келтириб чиқармайди. Ушбу жазо қўлланилган шахс белгиланган муддат давомида маъмурий жазога тортилган деб ҳисобланади;

8) маъмурий жавобгарлик чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни юритишни тартибга солувчи қонунларга мувофиқ қўлланилади. Жиноят ишлари жиноят-процессуал қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос бўлиб маъмурий ҳуқуқбузарлик хизмат қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриқонуний, айбли содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар жиноятлардан ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари куйидагилардир:

- 1) жамиятга қарши хусусияти;
- 2) ғайриқонунийлиги;
- 3) айблилиги;
- 4) қилмишнинг жазога лойиқлиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган ва мавжуддиги маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган белгилар мажмуи ташкил қилади

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1)объект;
- 2)объектив томон;
- 3)субъект;
- 4)субъектив томон.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти қонун нормалари билан тартибга этган ва маъмурий жавобгарлик чоралари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади

Объектив томон маъмурий ҳуқуқ билан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектлари сифатида жисмоний шахслар ҳамда мансабдор шахслар тан олинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда умумий шаклда маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтида 16 ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган шахслар тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони субъектнинг гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ва унинг оқибатларига руҳий муносабатидан иборат. У қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлгандагина уни содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай юридик мезонлар жиноят ва маъмурий қонунларда белгиланган. Масалан, қонунда қандай ҳолларда давлат мулкани майда талон-тарож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик қандай ҳолларда эса жиноят бўлиши кўрсатилган.

Муайян жиноятларнинг субъекти деб 14 ёшга тўлган шахслар тан олинади, маъмурий —ҳуқуқбузарлик субъектлари эса фақат 16 ёшга тўлган

шахслар бўлиши мумкин; транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг жабрланувчининг енгил шикастланишига олиб келган йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши — маъмурий ҳуқуқбузарлик деб, жабрланувчининг ўлимига ёки оғир шикастланишига олиб келган айни ўша ҳаракатлар эса — жиноят деб ҳисобланади.

Маъмурий жазо ва унинг турлари. Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

—маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни қонунга риоя этиш ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;

—унинг янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш;

— бошқа шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир эннининг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида маъмурий жазонинг қуйидаги турлари белгилаб қўйилган:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жазо фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланиши мумкин.

Жарима-маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Фуқароларга солинадиган

жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга — юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш-маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Мусодара қилиш-маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора: туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан; божхона органлари томонидан — акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда; солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан — акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда. Башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш-муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак. Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий қамоққа олиш-уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади. Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган айрим махсус ҳолларда, масалан, майда безорилик оз миқдорда талон-тарож қилиш ва бошқалар учун маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи туман (шаҳар) судлари (судьялари)га берилган.

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш-мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш —энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

Маъмурий қонунчилик. Маъмурий қонунчиликни ўрганиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси эканлигини ёдда тутиш зарур. Ҳозирги вақтда ушбу кодекс деярли ҳар йили унга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар туфайли анча ўзгарди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қоидаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қиладиган қонунлар асосида жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни юмшатувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга, яъни улар ушбу ҳужжатлар чиққунча содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилайдиган ва уни кучайтирадиган ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга эмас.

Ъ«Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси нимани англатишини аниқ билиш муҳим: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

Р е ж а:

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва тамойиллари.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.
3. Мулк ҳуқуқи, битим, мажбурият ва шартнома ҳуқуқи.
4. Муаллифлик ҳуқуқи.

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва тамойиллари.

Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизими соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида фуқаролар ва бошқа субъектларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш мақсадида мулкӣ муносабатларни ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доираси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқи товар-пул муносабатларини ва томонларнинг тенглигига асосланган бошқа муносабатларни, мулкӣ муносабатларни ва унга боғлиқ бўлган шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Фуқаролик ҳуқуқи - инсоннинг кундалиқ ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳаларидан биридир.

Кундалиқ ҳаётда барчамиз мулкӣ муносабатларда иштирок этамиз. Масалан, дўкондан бирон нарса сотиб олаётганимизда сотувчига пул берамиз, шундан кейингина у бизга керакли нарсани беради. Бунда сотувчи ва олувчи ўртасида мулкӣ муносабат содир бўлади.

Мулкӣ бўлмаган шахсий муносабатлар мулкӣ муносабатлардан шуниси билан фарқ қиладики, бунда ўзаро муносабатлар қиймат (пул) билан ифодаланмайди, балки шахснинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлади.

Мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли манбалар билан тартибга солинади ва ҳимоя этилади. Бу манбаларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва қарорлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси киради.

Фуқаролик ҳуқуқи тизими. Фуқаролик ҳуқуқи маълум тартибда, муайян гуруҳларга, ҳуқуқий институтларга бўлинган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Ҳуқуқий институт деб бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси тушунилади. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар институти деганда эса хусусий мулк, оммавий мулк, умумий мулк, мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормалар йиғиндиси тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқи институтларининг барчаси бир бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи тизимини ташкил этади.

Республикамизда фуқаролик ҳуқуқи тизимига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси тизими асос қилиб олинган. Шунга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи тизими қуйидагиларга бўлинади: **биринчи бўлим** - умумий қоидалар; **иккинчи бўлим** - мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар; **учинчи бўлим** - мажбурият ҳуқуқи ва мажбуриятларнинг алоҳида турлари; **туртинчи бўлим** - интеллектуал мулк; **бешинчи бўлим** - ворислик ҳуқуқи ва ниҳоят **олтинчи бўлим** - ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга қўллаш қоидаларига бағишланган.

Ҳуқуқ соҳаси сифатида ўрганиладиган фуқаролик ҳуқуқи тизимида фуқаролик ҳуқуқи фанининг тизими фарқ қилади.

Фуқаролик ҳуқуқи фани фуқаролик нормалар ва институтларидан ташқари яна бир мунча масалаларни ўз ичига олади. Чунончи: фуқаролик ҳуқуқининг предмети (ўргатадиган нарсалари) фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллар тизими, фуқаролик ҳуқуқининг манбалари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа масалаларни ўрганади.

Фуқаролик ҳуқуқидаги мазкур тизимлар давр талабига қараб янги қабул қилинган. Фуқаролик кодекси тизимида ўзига хос хусусиятларга эга, булар бозор муносабатларига ўтиш, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга

солинадиган муносабатлар доираларининг кенгайиб янги-янги ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, фуқаролик ҳуқуқига асос бўладиган Фуқаролик кодекси тизимига киритилган ўзгаришлар ва янгиликлардир.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари (принциплари) барча фуқаролик қонунлари мазмунига сингдирилган асосий қоидалардир. Булар жумласига қуйидагилар киради:

-Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ва ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқаролик қонунларида ушбу конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, барча фуқаролар учун тенг ҳажмда ҳуқуқ лаёқати белгиланган ва уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари чекланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги нафақат фуқароларга, балки бошқа объектларга ҳам тааллуқлидир ва у корхоналар ва кооперация тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топган;

- Барча мулк шакллариининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баробар муҳофаза қилиниши. Мазкур тамойил Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 166-моддасида бевосита мустаҳкамлаб қўйилган;

-Мулкий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги. Ўтмишда иқтисодий, шу жумладан, мулкий муносабатларни тартибга солиш ҳар хил мафкуравий қолиплар ва ақидалардан келиб чиқилган эди. "Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатидан қолоқлигига олиб келади".¹ Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси

¹ И.А.Каримов.Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., "Ўзбекистон", 1992. 48-бет.

Конституциясининг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деб кўрсатилган;

-Қонунда нимаки тақиқланмаган бўлса, рухсат берилади. Бу қоида “Қорхоналар тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси ва “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси мазмунида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг эркинлиги, ташаббускорлигини кафолатлайди;

-Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилади. Бу тамойил Ўзбекистон Конституциясининг 14-моддасида кўрсатиб қўйилган;

-Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулки, эркинлиги ва шартномаларнинг дахлсизлиги тамойили. Бу қоида ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Қонуний асосларга эга бўлмасдан туриб ҳеч ким иштирокчиларнинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралашишга ҳақли эмас;

-Фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар қандай тўсқинликларнинг бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли;

-Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқи биринчи навбатда ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг бузилган ҳуқуқларининг аввалги ҳолатига қайтарилишига қаратилади (мулкни асли ҳолида қайтариш, бузилган шахсий ҳуқуқни тан олиш ва ҳ.к). Бу амалда иложи бўлмаган тақдирдагина иштирокчини қаноатлантиришининг бошқа усуллари қўлланилади.

-Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоясини таъминлаш (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус орган - суд орқали ўз талабини билдиришга ҳақли ва бу ҳуқуқ кафолатланади;

- Шартномалар эркинлиги (ФК 1-моддаси). Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига, ўз эркилигига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларни ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқлари ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини белгилашда эркиндирлар;

- бозор муносабатларига ўтишдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи тамойилларидан яна бири товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлишидир (ФК 1-моддаси).

2.Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи субъектлар юридик шахсларга (корхона, ташкилот, жамоа ҳўжалиги) ва жисмоний шахсларга (фуқаролар) бўлинади.

«Ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади».¹⁸

Юқорида берилган таърифдан аниқланишича, ҳар қандай ташкилот эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади. Юридик шахслар:

1) ташкилий бирлик; 2) мулкӣ мустақиллик; 3) мустақил мулкӣ жавобгарлик; 4) фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиларига эга бўлиши керак.

Ташкилий бирлик - бу юридик шахсининг ҳуқуқ объекти сифатида ташкил бўлганлигини, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишни билдиради.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси 39-модда. Т..Адолат 1996.

Юридик шахснинг ташкилий жихатдан тузилиши (структураси)ни кўрсатадиган низоми (устав) бўлиши керак. Баъзи давлат муассасалари ва давлат бюджетида бўлган бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа ташкилотлар ҳам алоҳида низомга эга бўлмай, мазкур турдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий низом асосида иш олиб боришлари мумкин.

Мулкий мустақиллик – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун юридик шахс ҳисобланган ҳар қайси ташкилотнинг ўзига хос мулки бўлиши, ҳар қайси давлат ташкилотининг ўзига бириктирилган мулки бўлишини тақозо қилади. Бошқача айтганда, юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак (ФКнинг 39-моддаси, 2-банди).

Мустақил мулкий жавобгарлик шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган (давлат ташкилоти эса, ўзига бириктириб қўйилган) мулки билан жавоб беради. Юридик шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, аксинча, бу ташкилотлар ҳам давлат ташкилотлари мажбурияти юзасидан жавобгар бўлмайдилар. Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг қарзини қоплаш, маблағ бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш - юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз номидан турли битимлар туза олади, ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, мулкий ва мулкий характерда бўлмаган ҳуқуқларга эга бўла олади, яъни бошқа мажбуриятлар вужудга келтира олади, демакдир. Юридик шахс судда, хўжалик судида мустақил равишда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФКнинг 41-моддаси, 3-банди).

Юридик шахс ўз устави асосида ҳаракат қилади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унинг низоми тасдиқланган пайтдан бошлаб ёхуд тегишли

ваколатли идора ушбу юридик шахсни ташкил этиш ҳақида қарор чиқаргандан кейин вужудга келади. "Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади" (ФКнинг 44-моддаси, 4-банди).

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати, яъни ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини олиш лаёқати, юқорида кўрсатилганидек, уларнинг органлари орқали амалга оширилади. Улар эса, қонун, устав ёки низомномага мувофиқ равишда юридик шахснинг иродасини ифодаловчи шахс бўлади. Юридик шахсларнинг органлари якка бошчиликка асосланиб, директор, раис, бошқарувчи ёки коллегиял бошқарув, вакиллар мажлиси, умумий мажлис сингари тартибда бошқарадиган орган бўлиши мумкин.

Давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари, қоида бўйича, якка бошчилик асосида белгиланади. Шу билан бирга якка бошчилик асосида ҳаракат қилувчи органлар ишлаб чиқаришга оид муҳим масалаларни ҳал қилишда жамоа ташкилотлари ва меҳнат жамоалари фикри билан ҳам ҳисоблашадилар.

Кооператив ва жамоа ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари икки турга: якка (тартиб) бошчиликка асосланган (масалан, бошқарув раиси) ёки коллегиял тартибда бошқаришга асосланган (масалан аъзоларнинг умумий мажлиси, бошқарувчи) бўлиши мумкин.

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

1. Юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан, юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йул қуйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф эта олмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтишни ҳақиқий эмас деб топганда.

2. Юридик шахс фаолияти рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш ёки қонун билан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган тақдирда, шунингдек, ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тугатилади.

3. ФКнинг 57-моддасида айтилганидек, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Юридик шахсларнинг турлари жамиятда мавжуд бўлган мулк шаклларига бевосита боғлиқдир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлиб, юридик шахслар давлатга тегишли хусусий (нодавлат) юридик шахслар кўринишида бўлади.

ФКнинг 40-моддасида айтилганидек, фойда олишни ўз фаолиятининг мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин. Тижоратчи бўлган юридик шахслар жумласига хўжалик ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ва унитар корхоналар киради.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахслар жумласига жамоат бирлашмалари, мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар киради.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ўз уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолиятлари билан ҳам шуғуллана олади.

Жисмоний шахслар - фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Масалан, бир фуқаро иккинчи фуқародан қарз олади. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда иккала фуқаро ҳам қатнашяпти. Чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон ҳудудида ўқиб, ишлаб, Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда мулкӣ муносабатларда қатнашиши мумкин. Улар ҳам барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва ўзларига мулкӣ мажбуриятларни оладилар.

Ҳуқуқ субъектларини характерлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади (ФКнинг 17-моддаси). Ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлмай туриб, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди.

Давлат ҳаётининг моддий шароитларига қараб фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, яъни муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатини белгилайди. Ҳуқуқ лаёқатининг характери ва мазмуни жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришнинг юридик имкониятини беради.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида айтилганидек, ...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мазмуни ФКнинг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан фуқаролар:

мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари;

уни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари;

банкда жамгармаларга эга бўлишлари;

тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари;

ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, ўзлари мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар билан биргаликда юридик шахслар ташкил этишлари;

қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузишлари ва мажбуриятларда қатнашишлари;

бошқа шахслар томонидан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари;

маҳсулот турини ва яшаш жойини танлашлари;

фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларнинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлишлари;

шунингдек, бошқа мулкӣй ва шахсий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибидан ташқари ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқӣй эмас деб ҳисобланади (қонун битимларга йўл қўйган ҳоллардан ташқари) (ФКнинг 28-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддаси айрим фуқаролик ҳуқуқларидан, чунончи: хизмат бўйича чеклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни кўзда тутди. Жиноят қонуни ҳуқуқдан маҳрум қилиш вақтинча чора сифатида кўзда тутди.¹

Мулкӣй муносабатларда ҳуқуқлари бузилган фуқаро ва ташкилотлар фақат маълум муддат давомида ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу муддат даъво муддати деб аталади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларига кўра-даъво муддати умумӣй (бир йилдан уч йилгача) ва қисқартирилган (олти ойгача) бўлиши мумкин.¹⁹

Фуқаролик-ҳуқуқӣй муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг асосӣй ҳуқуқӣй хусусиятлари уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан иборат.

Ҳуқуқ лаёқати фуқаролик-ҳуқуқӣй муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Т., "Адолат", 1995.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси 150-модда Т. Адолат. 1996.

У барча шахслар учун тенг даражада белгиланади. Ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан вужудга келади ва ўлиши билан тамом бўлади.²⁰ Янги туғилган чақалоқ ҳам ҳар хил ҳуқуқларга, масалан, тиббий ёрдам олиш, ота-онасидан тарбия олиш, турар жойга эга бўлиш каби ҳуқуқларга эга бўлади. Ақли заиф ва рўҳий касаллар ҳам ҳуқуқий лаёқатга эга. Улар ҳам даволаниш, нафақа олиш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир. (ФКнинг 22-моддаси). Муомала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича таълим ҳуқуқий оқибатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва ҳоказо).

Муомала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Муомала лаёқатига эга бўлиш шarti шундан иборатки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар. Маълумки, янги туғилган бола тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам ўз ҳаракатлари билан биронта ҳуқуқ ёки мажбурият ола олмайди. Онгли ҳаракат қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади. Бинобарин, ФК муомала лаёқатининг тўла ҳажмда вояга етиш билан вужудга келишини кўрсатади. Вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, мулкӣ муносабатларда тўла қатнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий ҳуқуқлар билан бирга бошқа фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Қонун вояга етиш ёшини белгилаш билан бир қаторда, вояга етгунга қадар қонунӣ асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлишини белгилайди (ФКнинг 22-моддаси).

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси Т..Адолат. 17-модда 1996.

Вояга етган фуқаролар тенг даражада муомалага лаёқатли хисобланадилар. Фуқароларнинг муомала лаёқати фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФКнинг 23-моддаси).

Тўла муомала лаёқати юқорида кўрсатилганидек, ўн саккиз ёшга етган фуқароларга берилгани сабабли бу ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда улар иккига: яъни ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар ҳуқуқий муомала мақоми ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган барча шахслар ўз мулкӣ ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширавермайди. Мулкдан тўғри фойдаланиш, ўзига мажбурият олиш каби лаёқат муайян ёшдан бошланади. Шунинг учун фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда қатнашувчи шахслар учун муомала лаёқати белгиланган. «Шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан аниқ фуқаролик ҳуқуқини олиш ва ўзи учун фуқаролик бурчларини туғдириш лаёқати – муомала лаёқати» - деб аталади. Муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушунадилар. Масалан, янги туғилган бола ҳуқуқ лаёқатидан тўлиқ фойдаланса ҳам, лекин муомала лаёқатига эга булмайди. Яъни бирор бир мулкӣ мажбуриятни олмайди. Қонунда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш 18 ёшдан белгиланган. 18 ёшга тўлган шахслар мулкӣ муносабатда тўла қатнашиб, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни оладилар. Улар мустақил равишда битимлар ва шартномалар тузишлари мумкин.²¹

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар объектларига ФКнинг 3-кичик бўлим, 6-бобида белгиланганидек, биринчидан, ашёлар, иккинчидан, ишлар ва хизматлар, учинчидан интеллектуал фаолият натижалари, туртинчидан, шахсий мулкӣ ҳуқуқлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий бойликлар киради.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. 22-модда. Т.. Адолат. 1996.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 81-моддасига асосан **фуқаролик ҳуқуқининг объектлари**га:

- ашёлар, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулк ҳуқуқлар;
- ишлар ва хизматлар;
- ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари;
- шахсий номулк ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

Бошқача айтганда, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланишни ва тасарруф этишни амалга ошира оладиган, эркин суратда олиш, сотиш ҳуқуқи ва одоб-ахлоқ меъёрлари билан чекланмаган ёки таъқиқланмаган ҳар қандай моддий нарсалар ва номоддий қийматликлар, қадриятлар бойлик ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўла олади.

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларидан бири ҳисобланган ашёлар муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган нарсаларгина бўлиши мумкин.

Ашёлар халқ фаровонлиги учун республика фуқароларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқи учун жонли ашёлар ҳам (масалан, уй ҳайвонлари), жонсиз ашёлар ҳам (масалан, уй-жойлар, ишлаб чиқариш қуроллари, асбоб-ускуналар, кийим-кечаклар ва бошқа нарсалар) инсонларнинг яшаши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, булар жумласига энг аввало хилма-хил истеъмол буюмлари киради.

3. Мулк ҳуқуқи, битим, мажбурият ва шартнома ҳуқуқи.

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларини, усулларини белгилаш,

тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун халқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ меъёрлари йиғиндиси назарда тутилади. Мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ меъёрлари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи, деб айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, кооператив ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ меъёрлари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади.

Ўзбекистон Республикаси “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунига кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунга асосан мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда ўз ҳоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз ҳоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўзининг, шунингдек, бошқаларнинг ёки ижтимоий манфаатларини кўзлаб бировнинг таъқиқсиз, зўрлашсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади, шунингдек, мулкдорнинг ҳоҳиш-иродасини эркин амалга ошириш кафолатланади ва муҳофаза қилинади. Айни вақтда мулкдорнинг ўз ҳоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи, деб мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришга айтилади. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало мулк эгасига тегишли бўлади. Аммо мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага қўйилишида вақтинча текин фойдаланиш учун топширишда, омонат қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқарога ўтказилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга **қонуний эгаллаш** деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб, бировларга қарашли

мулкни эгаллашга, бировнинг ўғирланган ёки йўқотган мулкни қўлда сақлашга **қонунсиз эгаллаш** деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш, деб мулкнинг фойдали хусусиятларини олишга, мулкдан иқтисодий маънода фойдаланишга айтилади. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки қўлданлиқ ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки бирмунча вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бировнинг мулкдан қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб фойдаланилса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади (масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш).

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи, деб мулкнинг юридик тақдирини белгилашга, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуққа айтилади.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар туза олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириши, шу жумладан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йуллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади (ФКнинг 101-моддаси).

Ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдиришга қаратилади. Битимдан фуқаро ва ташкилотларнинг маълум моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эрклари ифодаланади.

Битимлар ўзларининг белгилари бўйича қуйидаги турларга бўлинади (классификация қилинади):

1. Битим тузувчиларнинг эрклари ифода этилишига қараб битимлар бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама битимларга бўлинади.

Бир томонлама битимларга мисол қилиб васият, меросдан воз кечиш, ишонч қоғози бериш, ваколат олмасдан вакиллик қилган шахснинг ҳаракатларини маъқуллашни кўрсатса бўлади.

Икки томонлама битимлар, деб ҳар икки томоннинг эркига мувофиқ тузиладиган битимларга айтилади.

Кўп томонлама битимлар, деб уч ва ундан ортиқ шахсларнинг эрклари ифодаланиб тузиладиган битимларга айтилади.

2. Битимлар муқобил ижронинг бўлиш-бўлмаслигига қараб ҳақ бараварига ва текин тузиладиган битимларга бўлинади.

3. Битимлар қайси пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланишини аниқлаш мақсадларида консенсуал ва реал битимларга бўлинади.

Консенсуал битим деб ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириш пайтида вужудга келтириладиган битимга айтилади. Мулк ижараси, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, контрактация сингари шартномалар консенсуал битим ҳисобланади.

Реал битим деб ўзаро келишувга мувофиқ ашёлар ёки пулни топшириш пайтида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирадиган битимга айтилади. Реал битимларга мисол қилиб қарз, омонат, юк ташиш шартномалари келтирсак бўлади.

Битим тузишда эркин ифодалаш усулига битим шакли деб айтилади. Битимлар оғзаки ва ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади (ФКнинг 105-моддаси, 1-банди). ФКнинг 106-моддасига биноан қонун

хужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг ҳатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган ҳошиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади. Ёзма шаклда тузиладиган битимлар икки турга:

а) оддий ёзма;

б) нотариал иродаларда, шунингдек, қонун билан назарда тутилган ҳолларда, бошқа органларда тасдиқланадиган битимларга бўлинади.

Оддий ёзма битим, деб битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар (ёки бир тараф) томонидан имзоланган ҳужжатга айтилади. Ёзма битим уни тузувчилар ёки вакиллари томонидан имзоланиши керак. Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки бошқа бирон сабаблар туфайли битимни имзолай олмаса, бу ҳолда унинг топшириғига биноан бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бу фуқаронинг имзоси битим тузувчи фуқаронинг ишлаб ёки ўқиб турган ташкилоти ва яшаш жойидаги уй бошқармаси ёки у даволанаётган муассасанинг маъмурияти ёхуд нотариал идора томонидан тасдиқланиши мумкин. Бундай ҳолларда битим тузган шахснинг ўзи қандай сабаб билан битимни имзолай олмаганлиги албатта кўрсатилиши керак.

Ташкилотлар томонидан тузиладиган ёзма битимларда мазкур ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри бўлиши лозим. Баъзи юридик шахслар томонидан тузиладиган битимларда иккита имзо: ташкилот раҳбари ва бошқа мансабдор шахс, одатда бош бухгалтер ёки бухгалтернинг имзоси бўлади.

Нотариал тасдиқланган битим деб белгиланган шаклда нотариал хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжатга айтилади. Нотариал шаклдаги битим уни тузувчилар ёки вакиллари томонидан нотариус ҳузурида имзоланади.

Битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қонунда кўрсатилган ёки тарафлардан бири талаб қилган ҳоллардагина мажбурийдир, жумладан:

уй-жойларни олиш-сотиш, гаровга қўйиш шартномалари ва бошқа баъзи шартномалар, шунингдек, мулкни васият қилиш тўғрисидаги битим (васиятнома) нотариал тартибда тасдиқланишини талаб қилади.

Мажбурият ҳуқуқи деб мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади. Мажбурият ҳуқуқи жамиятимизда мулкӣ муносабатларнинг энг муҳим ва кенг соҳасини ўзининг фуқаролик ҳуқуқий характеридаги қоидалари билан тартибга солади. У ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, чунончи: фуқароларга хилма-хил товарлар, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда, уларга ҳар турдаги хизматлар кўрсатиш, турар жойлар бериш ва бошқа ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳам тартибга солади.

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, жумладан, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларини олишда, уй-жой сотиб олиш ва бошқа ҳолларда бўладиган ўзаро муносабатларни ҳам тартибга солади. У ташкилотлар ва фуқароларга етказилган мулкӣ зарарнинг тўланишини, шунингдек қонун ёки шартномалар билан белгиланган асослар бўлмай туриб олинган нарсаларнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади.

Шартнома деб, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувларига айтилади.

Шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирон-бир юридик фактга асосланган, моддий ёки номоддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқӣ муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси - юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

Юридик фактлар мазмуни жиҳатидан икки асосий тоифага: юридик ходисалар ва ҳаракатларга бўлинади. Юридик ҳаракатлар ўз навбатида ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бўлиниб, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар (шартномалар) сифатида кўрсатилади. Икки томонлама битимларнинг ҳаммаси (олиш-сотиш, ижара, қарз ва бошқалар) шартнома ҳисобланади. Бир томонлама битим, масалан, васиятнома шартнома бўла олмайди. Бинобарин, ҳар қандай шартномани битим дейилса ҳам, аммо ҳар қандай битимни шартнома деб атаб бўлмайди.

Шартномаларнинг турлари. Фуқаролик ҳуқуқи фанида ўрганиладиган шартномалар ўз хусусиятларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир томонлама ва икки томонламага бўлинади.

Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса, фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига қайтаришга мажбур бўлса, қарз берувчи қарзга берган пул суммасини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам ҳуқуққа, ҳам мажбуриятга эга бўладилар. Бундай шартномага олиш-сотиш шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу шартнома бўйича сотувчи сотилган ашёнинг баҳосини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, сотилган ашёни олувчига топширишга мажбур, олувчи эса -олаётган ашёнинг баҳосини тўлаши зарур бўлиб, сотиб олинган ашёни талаб қилиб олишга ҳақли.

Фуқаролик оборотида тузиладиган шартномаларнинг кўпчилиги икки томонлама бўлиб, юқорида кўрсатилган олиш-сотиш шартномасидан ташқари махсулот етказиб бериш, мулк ижараси, пудрат ва бошқа шартномалардан иборат.

2.Шартномалар ҳақ бараварига ва текинга тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ бараварига тузиладиган шартномаларда бир тараф топширган мулки, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтинча фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳақ бараварига тузиладиган шартномаларга олиш-сотиш, маҳсулот етказиб бериш, айрибошлаш, пудрат ва бошқа шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома деб ҳисобланади.

Текинга тузиладиган шартномага эга бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай бирон-бир мулкни топшириши, бирон ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳада шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкни бошқа бир шахсга текинга беради. Мулкдан бепул фойдаланиш, фойсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномалар гуруҳига киради.

3. Шартномалар тузилиши пайтига ва мазмунига қараб консенсуал ва реал шартномаларга бўлинади.

Консенсуал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишганлари ва шартномани қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирганлари билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирганлари заҳоти пайдо бўлади. "Консенсуал" сўзи лотинча "консенсус" сўзидан олинган бўлиб, "келишув" маъносини билдиради. Консенсуал шартномага мисол қилиб олиш-сотиш, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, мулкни ижарага бериш каби шартномаларни кўрсатса бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида аксарият шартномалар консенсуал шартномалар гуруҳига киради.

Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни пайдо бўлиши тарафлар ўзаро келишган, шартномаларни расмийлаштирган бўлишидан ташқари шартнома нарсаси: ашё ёки пулнинг топширилиши талаб қилинади.

"Реал" сўзи - лотинча "рес" сўзидан олинган бўлиб, "ашё" маъносини билдиради. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат, ҳадя, мулкдан бепул фойдаланиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар умумий қоида бўйича шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо бўлади. Айрим ҳолларда шартнома учинчи шахс фойдасига қаратилиб ҳам тузилиши мумкин. Учинчи шахс фойдасига тузилган шартномага мисол қилиб суғурта шартномасини кўрсатиш мумкин. Учинчи шартномада алоҳида тараф бўлиб ҳисобланмайди. Бироқ ФКнинг 362-моддасида кўрсатилганидек, агар қонун ҳужжатларда ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида муаллифлик ҳуқуқи - ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар тадбиқ этилади.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:

-адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

-драматик ва сценарий асарлар;

-матнли ва матнсиз мусиқа асарлар;

-мусиқали-драматик асарлар;

-хореография асарлари ва пантомималар;

-аудивизуал асарлар;

-рангтасвир, ҳайкалторошлик, графика, дизайн ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

-манзарали-амалий ва сахна безаги асарлари;

-архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

-фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

-жуғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, шунингдек бошқа фанларга тегишли эскизлар ва асарлар;

-барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари.

Муаллифнинг узи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истесно этади. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намоиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ўзганинг чоп этилган асаридан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланишига зарар етказмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмайдиган бўлса, йўл қўйилади.

Лекин, ФКнинг 1061 –моддасига кўра, судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадида мос ҳажмда асарларни муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи тўланмаган ҳолда ижро этишга йўл қўйилади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан **эллик йил** давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади. Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқига, муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа риоя этилиши лозим.

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси орқали ўз асарларидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади. Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун тузилади. Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартнома ҳам муаллифлик шартномаси ҳисобланади.

Муаллиф шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.

МОЛИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Молия ҳуқуқи тушунчаси, молиявий назорат, молия интизоми
2. Банк тушунчаси, банк тизими
3. Бюджети ҳуқуқи тушунчаси, тизими, даромадлар ва характерлар
4. Солиқ ҳуқуқи тушунчаси, солиқлар ва банк мажбурий тўлови турлари

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфра тузилмасининг учун шароит яратади”- деган эди И.А.Каримов (Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.2010. 49-50б.)

Молия – пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категория. Шунингдек, молия умумдавлат эҳтиётларини қондириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими.

Молия ҳуқуқи – давлат молиявий фаолияти соҳасида, яъни ривожланишнинг муайян босқичида давлатнинг вазифа ва функцияларини

амалга ошириш учун зарур бўлган марказлаштирилмаган пул маблағларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мажмуи.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар – бу молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг иштирокчилари юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда нормаларда кўрсатилган давлат пул жамғармаларини ва даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиши бўйича кўрсатмаларни бажаради.

Молия тизими – турли молиявий бўғинлар мажмуи. Ўзбекистон Республикаси Молия тизими қуйидаги бўғинлардан ташкил топган:

- 1) Давлат бюджети, унинг тузилмасига кирувчи республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;
- 2) Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар
- 3) Хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодий соҳалари моляси;
- 4) Кредит (давлат кредити ва банк кредити);
- 5) Мулкӣ ва шахсий суғурта

Молия интизоми – давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини яратиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши. Молия интизоми талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ молия йили биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр ҳисобланади. Молия йили бюджет тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган муддат давомида амал қилади, бу муддат тугаганидан сўнг кейинги муддат учун бюджет тўғрисидаги янги ҳужжат қабул қилинади.

Яъни, бюджет тўғрисида чиқарилган ҳужжат амал қилган муддат бир йилни ташкил этади ва у молия йили деб аталади. У турли давлатларда турлича муддатда бошланади. Масалан, Франция, Германия, Италия, Бельгияда – 1 январдан, Англия, Япония, Канадада – 1 апрелдан, Швеция, Норвегия, Покистонда – 1 июлдан, АҚШда – 1 октябрдан бошланиб, парламент сессияларининг турли вақтда ўтказилиши ва бошқа тарихий анъаналар билан изоҳланади.

Молия ҳуқуқида молиявий назорат ҳам молия интизоми каби муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, давлат ва нодавлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларини бошқаришнинг қонунийлиги ва самарадорлигини аниқлаш, молиявий интизомни таъминлаш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолият молиявий назорат деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги ПФ-3592-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси республикада олий молиявий назорат органи ҳисобланади. Конституциянинг 93-моддасига мувофиқ ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш Президентнинг ваколатларига киради.

Банк тушунчаси. Банкларнинг асосий вазифалари. Банк тизими.

Замонавий банк қуйидаги учта асосий операцияларни бажаради:

- 1) Аҳоли ва юридик шахсларни бўш пул маблағларини қабул қилади. Банк ишида бу операциялар “Омонат операциялари” деб аталади;
- 2) Қабул қилган маблағларни вақтинча пул маблағларига муҳтож бўлганларга тақдим этади ёки “кредитлаш” билан шуғулланади;
- 3) Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Асосий банк операцияларининг бири – кредитлаш содда шаклда кулдорлик давридан бошлаб ҳамма маданиятларда бўлган. Жамиятнинг бой аъзолари вақтинча пул маблағларига мухтож бўлган шахсларга фоизлар қайтариш шарти билан қарз берганлар.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунинг 1-моддасига биноан банк – банк фаолияти ҳисобланган жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни қабул қилиш, уларни кредитлашга ва инвестициялашга сафрлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатадиган юридик шахс ва тижорат ташкилотдир.

Тижорат банкларининг бошқа ташкилотлардан фарқи кредит, омонат ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишидадир. Банкларнинг бошқа кредит ташкилотлардан иккинчи фарқи – фақат тижорат банклар учинчи шахсларнинг маблағларини кредитлашда, фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Кредитлаш жамиятларининг банк ташкилотларидан учинчи фарқи шундаки, улар фақат ўз аъзоларига ўз аъзоларидан йиғилган бадаллардан кредитлар бериши мумкин. Банклар эса бир шахснинг бўш пул маблағларини иккинчи шахсларга вақтинча тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун Марказий банкка ижро органларидан мустақиллик берди, республикада тижорат банкларининг ташкил қилиниши учун ҳуқуқий асос яратди.

1995 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида икки поғоналик банк тизими шаклланди. Банк тизимининг юқори поғонасини эгаллаган **Марказий банк** банк тизимига раҳбарлик қилди, банк хизматлари соҳасидаги қоидаларни ўрнатди, тижорат банкларини назорат қилди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар йиғини ва улар ўртасидаги муносабатлар асосларидир. Бизнинг республикамиз ҳудудида ўттиздан ортиқ банклар мижозларга хизмат кўрсатади.

Кўп давлатлар сингари, Ўзбекистон республикаси банк тизими икки поғоналидир. Биринчи поғонани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари ташкил этади. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси бош давлат банки ҳисобланади ва банк тизимининг ядросини ташкил қилади.

Иккинчи поғонани миждозларга банк хизмати кўрсатадиган ҳамма тижорат банклари ташкил этади. Жисмоний ва юридик шахслар тижорат банкларининг миждозлари ҳисобланади. Тижорат банкларнинг миждозларнинг кўпчилиги давлат ва нодавлат хўжалик юритувчи субъектлардир. Бу хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларида ўз пул маблағларини сақлайдилар, улар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширадилар, банкнинг бошқа хизматларидан фойдаланидалар. Банк хизмати пуллик. Банк хизмати учун тўловлар банк ва миждоз ўртасида имзоланган шартномалар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўш маблағларни пул-кредит сиёсати келиб чиқиб аукцион орқали тижорат банкларга кредит сифатида сотиши мумкин. Аукцион якуни бўйича Марказий банк ва аукционда қолиб чиққан тижорат банки ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий битим-кредит шартномаси имзоланади.

Тижорат банклар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлиб, фақат фуқаровий-ҳуқуқий услубда тартибга солинади. Ҳеч қандай ҳолатда тижорат банклари бир-бирига нисбатан маъмурий ҳаракатларни бажара олмайдилар. Тижорат банклар нафақат миждозларга, балки бир-бирларига ҳам хизмат кўрсатишлари мумкин.

Банк операцияларининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- 1) маблағларни жалб қилиш бўйича операциялар (омонотларни қабул қилиш, облигациялар чиқариш, банклараро кредитлар)
- 2) кредит операциялар (кредит бериш, талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олиш, учинчи шахслар учун кафолатлар бериш)

3) тўлов муомаласи бўйича операциялар (маблағларни ўтказиш, чеклар бўйича тўловларни амалга ошириш, векселлар билан ишлаш)

Бюджет ҳуқуқи тушунчаси. Давлат бюджет қурилиши ва бюджет тизими, бюджет тизими даромадлари ва харажатлари тузилмаси, уларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, давлат ва унинг маъмурий-худудий тузилмалари ваколати, бюджет жараёни ва бюджет назоратини белгиловчи молиявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндисига бюджет ҳуқуқи дейилади.

Бюджет (инглизчадан ҳамён, маблағ) - белгиланган муддат (йил, квартал) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. Бюджет давлат даражасида, шунингдек, вилоят, туман, хўжалик субъектлари, оила ёки шахс даражасида тузилиши мумкин. Бюджет қандай бўғинда ташкил этилишидан қатъи назар, уч хил маънода бўлади: 1) иқтисодий; 2) моддий; 3) ҳуқуқий. Умуман олганда, бюджет – давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан тасдиқланадиган марказлашган пул жамғармаларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг барча вазифалари ва функцияларини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакат ҳудудида амал қилувчи барча бюджетлар мажмуи бюджет тизимини ташкил этиб, турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси).

Давлат бюджети даромадлари:

- 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- 2) Давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши васотилишидан олинган даромадлар;
- 3) Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- 4) Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- 5) Резидент – юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- 6) Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети харажатлари:

- 1) Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- 2) Жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- 3) Капитал харажатлар шаклида:
 - а) асосий фондлар ва воситаларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
 - б) чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;
 - в) давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқини ва бошқа номоддий активларни олишга;
 - г) давлат заҳираларини вужудга келтиришга.
- 4) Капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;
- 5) Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;
- 6) Давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- 7) Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида.

Давлат мақсадли жамғармалари:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи;
- 3) Иш билан таъминлашга қўмаклашуви давлат жамғармаси;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ ҳуқуқи тушунчаси. Солиқ ҳуқуқи – бу солиқларни ўрнатиш, киртиш ва ундириш натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат бўлган молиявий институт ҳисобланади. Солиқ ҳуқуқи меъёрлари солиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган молиявий жазо чораларини ҳам тартибга солади.

Солиқ ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга қуйидагилар киради:

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатиш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни киритиш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;
- Солиқ назоратини амалга ошириш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;
- Солиқ ҳуқуқбузарлиги учун молиявий санкцияларни қўллаш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар.

Солиқ ҳуқуқий муносабатлари солиқ ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган ижтимоий молиявий муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар солиқларни жорий этиш, юридик шахс ва жисмоний шахслардан, солиқ тўловчиларнинг бошқа тоифаларидан солиқларни ундириш жараёнида вужудга келади.

Солиқ ҳуқуқи солиқ тўловчининг фаолиятида содир этилган ҳуқуқбузарликларни унинг бўйнига қўйиш ёки уларнинг умуман мавжуд эмаслигини асослаб бериш заҳмати зиммасига юкланган ягона соҳа эмас. Солиқ муносабатларидаги ҳуқуқлар ҳимояси суд жараёнида фуқаролик – процессуал тамойилларига риоя қилган ҳолда мунозара усулида ҳақиқатни юзага чиқариш, томонларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатларнинг мукамаллиги таъминланишига боғлиқ. Шу боисдан ҳам, солиқ тўловчининг процессуал ҳуқуқини унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи бирдан бир муҳофаза усули дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида (2007й. 25 декабрда қабул қилинган) белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтирилган мажбурийпул тўловларига солиқлар дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ қуйидаги солиқлар мавжуд:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Солиқнинг элементларига қуйидагилар киради:

- 1) солиқ солиш объекти;
- 2) солиқ солинадиган база;
- 3) солиқ ставкаси;
- 4) ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- 5) солиқ даври;
- 6) солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- 7) солиқ тўлаш тартиби.

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ёки тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси. Солиқ солиш объекти мавжуд бўлгандагина солиқ мажбурияти юзага келади.

Солиқ солинадиган база – солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифлари.

Солиқ ставкаси – солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдор. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Президентнинг қарори билан белгиланади (Ўз.Р.СКнинг 27-моддаси). Белгилаш услубига кўра қатъий ва фоизли (квоталар), мазмунига қараб маргинал, амалий ва иқтисодий ставкалар ажратилади.

Солиқ даври – Ўзбекистон Республикаси СКнинг 29-моддасига кўра, Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган

даврдир. Ўзбекистон Республикаси СКнинг 162-моддасига кўра календар йил солиқ давридир.

Солиқ тўлаш тартиби. Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайдилар.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10% дан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиққа тортиш тизими – солиқ соҳасидаги ваколатли органлар, механизмлар ва усулларнинг тизими. Давлат бюджети эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган маблағни йиғишда қандай солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловларни амалга киритиш, уларнинг ставкаларини белгилаш, солиқ тўловчилар таркибини шакллантириш, солиқ объектлари, тўлаш тартиблари, муддатлари ва унинг давлат назоратини ташкил қилиш тадбирларини ўз ичига олган тизим.

Солиқ кодексининг 14-моддасига кўра қуйидагилар ваколатли органлар ҳисобланади:

- 1) давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекцияси;
- 2) божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхонакомплекслари ва божхона постлари;
- 3) молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;
- 4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

Солиқ тизимининг фаолияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Солиқ жавобгарлиги – ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигида назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаслик натижасида давлат бюджети даромадларига моливий зарар келтиришҳоқибатида вужудга келадиган жавобгарлик.

Солиқ жавобгарлиги давлат томонидан мажбур қилишнинг таркибий қисми бўлган ҳолда, унинг барча белгиларини ўзида мужассамлантирган вабир вақтнинг ўзида ўзининг алоҳида хусусиятларигаэга бўлиб, улар қуйидагилардир:

- 1) Унга солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик асос бўлади;
- 2) У айбдорга (юридик ва жисмоний шахсга) нисбатан маъмурий ва жиноий жазолар билан бир қаторда молиявий жазоларнинг қўлланилишидан иборат;

3) Жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги 16 ёшдан бошлаб вужудга келади. Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун Солиқ Кодексида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун Солиқ Кодексида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади. Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлганда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, меҳнат ҳуқуқи манбалари.
2. Меҳнат шартномаси, мазмуни, шартлари ва турлари.
3. Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат таътиллари ва имтиёзли таътиллари.
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат низолари.

1. Мехнат ҳуқуқи тушунчаси, мехнат ҳуқуқи манбалари

Мехнат ҳуқуқи ҳуқуқшунослик фанлари орасида етакчи ўрин тутди. У меҳнат бозори фаолияти натижасида юзага келадиган ёлланма меҳнатни қўллаш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Демак, меҳнат ҳуқуқи деб мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғига айтилади.

Мехнат ҳуқуқи меҳнат шартномаси (контракт) асосида юзага келадиган меҳнат муносабатларини тартибга солиб туради. Кооператив, шу жумладан жамоа хўжаликларида доир иккинчи тур меҳнат муносабатлари тегишли қонунлар билан тартибга солинади. Мехнат ҳуқуқи яқин вақтларгача фақат давлат корхона, муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиб турарди. Эндиликда давлат корхоналари ва ширкат (жамоа) ҳамда хусусий мулкка асосланган корхоналарда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳар бир ходимнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш меҳнат ҳуқуқининг предмети ҳисобланади.

Мехнат ижтимоий бойлик манбаи ҳисобланади. Чунки жами моддий ва маданий бойликлар инсон меҳнати билан яратилади. Мехнат жисмоний ва ақлий куч-қувватнинг сарфланиши эмас, балки фуқароларнинг ижтимоий фойдали фаолиятидир. Ҳуқуқнинг бошқа соҳалари сингари меҳнат ҳуқуқининг ҳам объекти ва субъекти мавжуд. Мехнат ҳуқуқининг объекти ижтимоий меҳнат муносабатларидир. Мехнат ҳуқуқининг субъекти бир томондан фуқаролар, иккинчи томондан эса иш берувчилар, яъни корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳисобланади. Мехнат ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун ҳар икки томон ҳам ҳуқуқ ва муомала лаёқатида эга бўлишлари керак. Мехнат ҳуқуқий лаёқати деганда, шахснинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари

тушунилади. Ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан вужудга келиб, у вафот этгандан кейин тамом бўлади (яшаш, турар жойга эга бўлиш, мерос олиш, тиббий ёрдам олиш, таълим олиш ва ҳ. к.).

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан ўзига ҳуқуқ ва бурчларни туғдиришидир. Баъзида муомала лаёқатини қонунга асосланган ҳолда, маълум ҳуқуқий оқибатлар билан боғланадиган ҳаракатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин. Муомала лаёқати фуқароларда қисман 16 ёшдан, тўлалигича 18 ёшдан вужудга келади. Меҳнат ҳуқуқида эса фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқати 16 ёшга тўлгандан сўнг бошланади. Меҳнат ҳуқуқи субъектлари таъкидланганидек, иш берувчилар, яъни корхона, муассаса, ташкилотлар ҳисобланади.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, ҳуқуқ манбаи деганда, умумий маънода ҳуқуқни ифода этиш шакли тушунилади. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян тур ва мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Маълумки, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган талаблар белгилаб берилган. Қонуннинг 2-моддасида белгиланган шаклда қабул қилиниб, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат эканлиги қайд қилинган. Ушбу қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади (қонуннинг 4-моддаси).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қў миталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ё) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Амалдаги қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси муҳим ўрин тутди. У меҳнат ҳуқуқининг кодификациялаштирилган асосий манбаси сифатида шу соҳанинг предмети доирасига кирувчи барча ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган бўлиб, 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган. Унинг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек 18 ёшга тўлган айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мазкур кодекс Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади. Унинг 12-моддасида қайд қилинишича, меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари чет эл корхоналарида ҳам қўлланади. Мазкур модданинг мазмуни шундан иборатки, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва мамлакат ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади. Бундан ташқари, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш

берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11-моддаси).

Меҳнат ҳуқуқининг манбалари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қонуннинг 10-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун тегишли фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий й ҳужжатлар қабул қилади. Бу қоида Конституцияда аниқ баён этилган.

2. Меҳнат шартномаси, мазмуни, шартлари ва турлари

Меҳнат қонунлари ишга қабул қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солар экан, иш тури, жойи ва касбни танлаш эркинлиги, меҳнат ҳуқуқларининг амалга оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро тенглиги, ижтимоий ҳимояталаб аҳоли табақаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалга оширилиши каби қоидаларга асосланади. Бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қуйидагича ўз аксини топган: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир». Меҳнат шартномаси меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш, иш кучини меҳнат бозорида сотиш, сотиб олиш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари бўйлаб тақсимлаш механизми вазифасини бажаради. Меҳнат шартномаси келгусида ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни давом эттириш ва ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат шартномаси — ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида

ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувлар. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланадилар, кенг маънода меҳнат муносабатларининг субъекти бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланади. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар бўлиши мумкин, масалан, танловдан ўтиш лавозимга сайланиш ва шу кабилар.

Меҳнат шартномасининг мазмуни деганда, тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда акс этган шартлар кўзда тутилади. Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Янги қонун қабул қилингунга қадар меҳнат шартномаси ёзма ёки оғзаки усулда тузилган. Меҳнат шартномаси барча муассасаларда ишга кирувчилар билан ёзма шаклда, бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиши ва ҳар иккала тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши шарт. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 74-моддасида ҳам қайд қилинган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори, қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгиланади.

Ишга қабул қилинишда талаб этиладиган ҳужжатлар.

Ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати МКнинг 80- моддасида кўрсатилган. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

-паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

-меҳнат дафтарчасини (биринчи марта ишга кираётган шахслар бундан мустасно), ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойларидан олган маълумотномани;

-ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий билетни, чақирилувчилар ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ, махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирганлик тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга кирувчи шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Ишга кирувчи томондан паспорт ёки уни ўрнини босувчи ҳужжат тақдим этилиши қуйидаги мақсадларни назарда тутди:

-ишга кирувчининг шахси ва ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёши ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

-унинг ҳарбий мажбуриятга муносабатини аниқлаш;

-ушбу жойдан рўйхатдан ўтганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш.

Ўриндошлик йўли билан ишга кирувчи шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этадилар.

Айни вақтда иш берувчининг ишга кирувчидан, агар у талабгор бўлган иш махсус билимларни талаб этмаса, маълумоти тўғрисида ҳужжатларни тақдим этишни талаб этиш ғайриқонуний ҳисобланади.

МКнинг 80-моддасида кўзда тутилмаган ҳужжатларни ишга кирувчидан талаб қилиш, агар уларни ишга киришда тақдим этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Ўн беш ёшгача бўлган ишга кирувчи шахслардан иш берувчи ўқиш жойидан маълумотнома талаб қилишга ҳақлидир, чунки амалдаги қонун ҳужжатлари ушбу ёшда фақат ўқувчиларгина ишга қабул қилинишига йўл қўяди.

Ишга қабул қилишда талаб этиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар рўйхати локал тартибда кенгайтирилиши мумкин эмас.

Ишга қабул қилишни расмийлаштириш.

МКнинг биринчи қисмига мувофиқ, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлади.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан тасдиқланади ва имзоланган санаси кўрсатилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзоларнинг ҳақиқийлигини ва қонунийлигини тасдиқловчи корхонанинг муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномаси иш берувчи номидан ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахсига имзолаши мумкин.

Масалан, корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи ҳисобланади ҳамда бевосита у томонидан амалга оширилади.

Корхона раҳбари ушбу корхонага ишга қабул қилинаётган ходимлар билан меҳнат шартномаларини мулк эгаси томонидан берилган ваколатлар доирасида тузади ва имзолайди.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси шартномада иш юритиш бўлинмаси, кадрлар бўлими ва бошқаларнинг муҳри билан эмас, балки корхона муҳри билан тасдиқланиши керак. Меҳнат шартномасида имзоланган сана кўрсатилиши меҳнат шартномасини тўғри расмийлаштиришнинг зарур шarti ҳисобланади. Шартномада тарафларнинг манзиллари кўрсатилади. Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган

камида икки нусхада тузилади ва сақлаш учун тарафларнинг ҳар бирига берилади.

Иш берувчи шартноманинг имзо чекилган ва муҳр билан тасдиқланган нусхасини ходимга беришга мажбурдир. Низолар келиб чиқмаслиги ва тузилган меҳнат шартномаларининг кадрлар бўлимида ҳисобга олинишини таъминлаш учун меҳнат шартномаларини руйхатга олиш дафтари юритилади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлади. Шартнома сингари буйруққа ҳам ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс имзо чекади. МКнинг 82- моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ходимга маълум қилиниб, бу ҳақда ундан тилхат олинади. Ходим ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб, у меҳнат шартномасига қанчалик мувофиқ келишини аниқлайди.

Ишга қабул қилишни тўғри расмийлаштириш иш берувчининг вазифаси ҳисобланади. Ишга қабул қилишнинг зарур тартибда расмийлаштирилмаслиги иш берувчи томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши деб баҳоланади. МКнинг 82- моддаси олтинчи қисми ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилади ёки расмийлаштирилмаганидан катъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланишини назарда тутати. Ходимни амалда ишга қўйилишини шартнома тузиш деб тан олиниши иш берувчининг ишга қабул қилишни зарур тартибда расмийлаштириш мажбуриятидан озод қилмайди (ходим билан ёзма меҳнат шартномаси имзолаш, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш, у билан ходимни тилхат олиб таништириш). Ушбу ўринда буйруқда ҳам, шартномада ҳам, ходим меҳнат вазифаларини бажаришга киришганидан қанча вақтдан кейин улар

расмийлаштирилганлигидан катъий назар, ходим ишни бажаришга қўйилган сана кўрсатилиши керак.

Ишга қабул қилишнинг тўғри расмийлаштирилиши нафақат ходимнинг, иш берувчининг ҳам манфаатларига жавоб беради. Жумладан, ёзма шартномани расмийлаштирмасдан ишга қабул қилиш кейинчалик шартнома шартларига рози бўлмаслигига ёки унга ўз вақтида қайд этилмаган шартларни (ишга қабул қилишдаги синов, муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳақидаги ва хоказо) киритиб бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Ишга қабул қилишда дастлабки синов.

Меҳнат шартномаси дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин. Синов тўғрисидаги келишув меҳнат шартномасининг қўшимча шarti ҳисобланади. Бинобарин, шартнома тарафлари меҳнат шартномасига синов тўғрисидаги шартни ўзлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган вақтда киритиш имкониятига эга бўладилар. Меҳнат шартномаси тарафларнинг тенглиги қoидасига асосланиб, Меҳнат кодекси биринчи марта синовдан кўзда тутилган мақсад ходимнинг топширилаётган ишга мувофиқлигини текшириб кўришгина (илгаридаги сингари) эмас, балки ходим томонидан ушбу ишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш ҳам эканини кўзда тутди. Бугунги кунда ходим ҳам синов даврида ушбу иш ўзига тўғри келмаслиги ҳақидаги хулоса чиқариши ва ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини оsonликча бекор қилиши мумкин. Янги кодекс синов муддатини ҳуқуқий тартибга солишнинг юқорида қайд этилган камчиликларини бартараф этди. МКнинг 85-моддасига кўра биринчи қисмига мувофиқ дастлабки синов муддати уч oйдан oшмаслиги керак. Синов муддатининг уч ой доирасидаги аниқ муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Бинобарин, агар тарафлар ишга синов билан қабул қилиш тўғрисида аҳдлашсалар, ундай ҳолда меҳнат шартномасида синовнинг аниқ муддати кўрсатилиши керак.

Амалдаги қонун ҳужжатлари фақат меҳнат шартномаси тузиш чоғидагина дастлабки синов белгилашни назарда тутди. Бинобарин, меҳнат

шартномаси ўзгарганда (бошқа ишга ўтказилганда, иш жойи ўзгарганда, меҳнат шароитлари ўзгарганда) ва бошқа вазиятларда (ишга қабул қилишдан ташқари) синов белгилаш, ҳатто ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам, мумкин эмас, чунки бу қонунга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштиради ва МКнинг 5-моддаси кучига кўра ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши зарур. Ҳозирги вақтда:

- 1) хомиладор аёлларни, уч ёшгача тўлмаган боласи бор аёлларни;
- 2) корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишда синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эканлигини назарда тутди.

Ходимларнинг айрим тоифалари билан меҳнат шартномаси тузиш хусусиятлари.

МКнинг 77-моддасига мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар отаси ёки онасининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлири ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўсмирларни ишга қабул қилишнинг кўпгина хусусиятлари улар меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида давлатнинг алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқдир. Масалан, умумий тартибдан фарқ қилган ҳолда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузишнинг зарур шarti, у қандай ишга қабул қилинаётганлигидан катъий назар, унинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳисобланади ва даврий тиббий кўриклари меҳнат муносабатларида вояга етмаганларнинг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим қафолат ҳисобланади.

Ана шу мақсадларда МКнинг 241-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиги, хавфсизлиги ёки одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шaroити ноқулай ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Меҳнат кодексининг 77 -моддасига мувофиқ, фуқароларни ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади. 15 ёшга тўлган фуқаролар ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Ўрта умумий таълим мактаблари ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг 14 ёшга тўлган ўқувчилари ўз хоҳишларига биноан ота-оналаридан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахснинг розилиги билан ўқишдан бўш пайтларида енгил ишларни бажариш учун давлат ташкилотларига ишга қабул қилиниши мумкин. Бундай ишлар уларнинг соғлиги ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган бўлиши лозим.

18 ёшга тўлмаган ўсмирлар учун оғир, меҳнат шaroити зарарли, шунингдек транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларда банд бўлган ишчи ва хизматчилар учун озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлари учун ҳам шундай тиббий гувоҳнома кўрсатилиши талаб қилинади. Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, ундан тилхат олинади. қонун ҳужжатларига мувофиқ, тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходимга топширилган иш учун унинг касбий яроқлилигини текшириш мақсадида синов муддати белгиланиши мумкин.

Қонунда дастлабки синовнинг муддати уч ойгача қилиб белгиланган. Агар ходимга уч ойдан ортиқ синов ўрнатилган бўлса, у ҳақиқий эмас. Ходимга ўрнатилган синов ва унинг муддати меҳнат шартномасида ҳамда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда қайд қилинган бўлади. Буйруқ эса

ходимга имзо чектирилиб, таништирилади. Аммо ходимга ўрнатилган синов унинг меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Бошқа ишга доимий ёки вақтинча ўтказилган ходимларга синов муддати ўрнатилмайди. Бундан ташқари ҳомиладор ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганларида, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда, дастлабки синов белгиланмайди.

Агар синов муддати тугагунга қадар иш берувчи ҳам, ходим ҳам меҳнат шартномаси тўхталишини ёзма равишда билдирмаса меҳнат шартномасининг амал қилиши давом этади. Бу ҳақда ҳеч қандай қўшимча буйруқ чиқарилмайди. Кейинчалик меҳнат шартномасининг бекор қилинишига фақат умумий асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

18 ёшга тўлмаганлар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаганлар, бошқа муассасалар, ташкилотлар корхоналардан ўтказиш тартибида ишга таклиф этилган ходимлар, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар, шунингдек, вақтинча ишга олинаётган ходимларга ҳам синов муддати белгиланмайди.

Синов муддати ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда кўрсатилган бўлиши керак. Ходим синов муддатидан муваффақиятли ўтган тақдирда, янги буйруқ чиқарилмайди ва у доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади. Синов муддатидаги ходимнинг фаолияти қониқарсиз деб топилганда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмасдан ҳам ишдан бўшатилади.

Иш берувчилар ишга қабул қилинаётган шахслардан: паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни; 16 ёшгача бўлган шахслардан эса тўғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани; белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчасини; ишга биринчи марта кираётган шахслардан эса, унинг сўнгги машғулоти ҳақида яшаб турган жойидаги ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар томонидан берилган маълумотномани; куролли кучлар сафидан озод бўлганлардан ҳарбий

гувоҳномани; махсус билимга эга бўлишни талаб қилувчи ишга қабул қилинаётган шахслардан маълумоти ёки касбий тайёргарлиги ҳақидаги ҳужжатлар (диплом, аттестат, гувоҳнома)ни кўрсатишни (уларнинг бир нусхаси маъмурият томонидан тасдиқланиб, шахсий ишда сақланиши керак) талаб қилишлари лозим.

3. Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат таътиллари ва имтиёзли таътиллари. Иш вақти-бу ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақтдир.

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат Кодекси ва Бетнинг Бош Ассамблеясининг «Иш вақтини ҳафтада қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида»ги 48-конвенциясида курсатилгандир.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги керак.

Меҳнатга оид қонун ҳужжатларида айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларини инобатга олиб, меҳнатга тўланадиган ҳақини камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддатлари белгиланган.

Улар қуйидаги тоифадаги ходимлар учун:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (МКнинг 242-моддаси)

- 1 ва 11-гурӯх ногирони бўлган ходимлар (МКнинг 220-моддаси)

- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (МКнинг 117-модда)

- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда)

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалари ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (МКнинг 228-прим модда).

Бундан ташқари меҳнат қонун ҳужжатлари асосида ходим билан иш берувчи ўртасидаги ўзаро келишувга биноан ишга қабул қилиш даврида ёки кейинчалик ходим ва иш берувчининг шароитидан келиб чиққан ҳолда тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Байрам кунлари арафасида кундалик иш муддати барча ходимлар учун камида бир соат қисқартирилади. Ходимлар кундалик иш фаолиятининг соат 22-00 дан то 6-00 гача тунги вақт ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, ҳафталик муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Дам олиш вақти ходимнинг меҳнат вазифаларини бажаришдан холи ва бундан у ўз ихтиёри билан фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Меҳнатга доир қонунларда дам олиш вақтининг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- а) иш куни орасидаги; б) ҳар кунги; в) ҳафталик дам олиш; г) байрам кунлари;
- д) таътиллار.

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак. Танаффус, одатда иш бошлангандан кейин, узоғи билан 4 соат ўтгач берилади, бу вақт иш вақтига киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена жадвалларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Иш шароитига кўра танаффус бериш мумкин бўлмаган жойларда ходимларга иш вақти давомида овқатланиб олиш учун имконият берилиши лозим. Иш тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги дам олиш вақтининг муддати 12 соатдан кам бўлмаслиги керак. Меҳнатга доир қонунларда умумий дам олиш куни сифатида якшанба белгиланган.

Беш кунлик иш ҳафтаси шароитида икки дам олиш куни берилади. Иккала дам

олиш кунлари, одатда кетма-кет берилади. Дам олиш кунларида ишлаш, шунингдек дам олиш кунини бошқа вақтга кўчириш қонун билан тақиқланади. Дам олиш кунларида истисно тариқасида айрим ходимларни ишга жалб қилишга жамоа шартномасига асосан ёки касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда, иш берувчининг ёзма равишда чиқарган буйруғи асосида рухсат этилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар ва айрим тоифадаги аёллар дам олиш кунларида ишлашга жалб қилинмайди. Дам олиш кунларида ишга жалб қилишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

а) табиий офат, ишлаб чиқариш авариясининг олдини олиш ёки тугатиш ёхуд уларнинг оқибатларини дарҳол бартараф қилиш;

б) корхонанинг меъёрида ишлаши учун зарур ва тўхтатиб қўйиб бўлмайдиган, илгаридан кўзда тутилмаган ишларни тезда бажариш лозим бўлганда.

Дам олиш кунларида бажарилган иш учун камида 2 ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Барча ходимлар байрам кунларида ишдан озод қилинадилар.

Байрам кунлари Республика Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Меҳнат кодексининг 131-моддасига кўра, мамлакатимизда қуйидаги кунлар байрам кунлари (ишланмайдиган кунлар) ҳисобланади:

– **1 январь – Янги йил; 8 март – Хотин-қизлар куни;**

– **21 март – Наврўз байрами; 9 май – Хотира ва қадрлаш куни;**

– **1 сентябрь – Мустақиллик куни; 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни;**

– **8 декабрь – Конституция куни; Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;**

– **Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.**

Ишлаб чиқаришдаги техник шароитга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмайдиган корхоналарда, аҳолига хизмат кўрсатиш лозим бўлган ишларда, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш, юк тушириш ва ортишда байрам кунларида ишлашга йўл қўйилади. Ходимнинг хоҳишига кўра, байрам кунларида ишлаганлик учун унга бошқа дам олиш куни берилиши

мумкин. Айрим корхоналарда дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек иш тугагандан кейин навбатчилик ташкил қилиниши мумкин, бунда, албатта, касаба уюшма қўмитасининг розилиги бўлиши керак. Агар ходим иш куни ёки иш сменаси тугаганидан кейин навбатчилик қилган бўлса, эртаси куни унинг ишга чиқиш вақти бирмунча орқага сурилади.

Барча ходимларга иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётганларга ҳам дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун ҳар йили меҳнат таътиллари берилади. Ходимга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Бу таътилниң энг кам муддати, аммо ходимларнинг айрим тоифаларига учун, уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади, яъни:

- 1) 18 ёшга тўлмаган шахсларга – ҳар йили ўттиз календар кун;
- 2) ишлаётган И ва ИИ гуруҳ ногиронларига – ўттиз календар кун;

3) баъзи тоифадаги ходимларга улар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ, узайтирилган таътиллار белгиланади, ҳатто меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллари бериш назарда тутилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ходимларга асосий таътилдан ташқари, қуйидаги ҳолларда қўшимча таътиллари берилади:

- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга (МКнинг 137-моддаси);
- оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга (МКнинг 138-моддаси);
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Йиллик таътилниң умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллари йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам қўшиб) жамланади. Барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган

таътиллари жамлашда уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Йиллик асосий таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишга қуйидигилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;
- ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жой (лавозими) сақланган вақт;
- меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги туфайли ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти, ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;
- тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар. Ишнинг биринчи йилида таътил узлуксиз 6 ой ишлагандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан, иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади. Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишларига кўра 6 ой ўтмасдан олдин берилади:

а) аёлларга – ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдида ёки ундан кейин;

б) 1 ва 2 гуруҳ ногиронларига;

д) 18 ёшга шахсларга;

е) муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

г) ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

х) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш институтлари, курсларида

ўқийётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳон ва синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ёки бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

и) технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга;

ж) мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ҳамда курсларининг муаллимлари таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртларига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқаришдаги баъзи сабабларга кўра, жорий йилда таътилни тўлиқ беришнинг имконияти бўлмаса, ходимнинг розилиги билан 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилиши лозим.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак. Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишларига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтларда берилиши керак:

– 14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, онага ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

– И ва ИИ гуруҳ ногиронларига;

– 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

– 18 ёшга тўлмаган шахсларга;

– таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

– жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

а) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

б) ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

д) йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

е) давлат ёки жамият вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса. Меҳнат кодексининг 146-моддасига кўра, ходимнинг хоҳишига биноан, унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлиб олишга йўл

кўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл кўйилади.

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътиллار олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

1) ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (МКнинг 233-моддаси;

2) болаларни парваришlash таътиллари (МКнинг 232, 234, 235-моддалари).

3) ўқиш билан боғлиқ таътиллار (МКнинг 252, 253, 254, 256-моддалари);

4) ижодий таътиллар (МКнинг 258-моддаси).

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат низолари

Меҳнатни муҳофаза қилиш — тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-

гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси). Меҳнат кодексида иш берувчининг мажбуриятига кирувчи иш жойларида меҳнат қилиш учун шарт-шароитларни яратиш, ишлаб чиқаришда ногиронликнинг олдини олишга алоҳида аҳамият берилган. Шу билан бирга, аввалги қонунчиликдан фарқли ўлароқ, меҳнат муҳофазаси борасида ходимларнинг фақат хавфсизлик техникаси талабларини эмас, балки маъмуриятнинг шунга оид фармойишларини бажаришлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ҳам амал қилишлари қатъий белгиланган. Иш берувчи амалда янги техника ёки технологияни жорий қилганда, хавфсизлик техникаси йўриқномалари ишлаб чиқилишини ёхуд уларга ўзгаришлар киритилишини кутиб ўтирмасдан, хавфсизлик техникаси қоидалари ёки техник талабларнинг тегишли бўлими асосида зарур фармойишлар чиқармоқчи эканлигини билдиради. Уларнинг бажарилишига ходим жавобгар ҳисобланади. Меҳнат кодексида иш берувчининг иш жойларидаги зарарли муҳит ва хавф-хатарлар мавжудлиги ҳақида ходимларни огоҳлантириши лозимлиги, алоҳида тоифадаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш, йўриқлар бериш мажбурияти ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Қонунчиликда бу борада ходим ҳеч қандай сарф-харажатни ўз зиммасига олмаслиги таъкидланади, бу бозор муносабатларига ўтиш чоғида жуда муҳимдир.

Агар ҳаёти ва соғлиғига хавф-хатар соладиган ҳолатлар содир бўлса, ходим ўша ишни бажаришдан бош тортишга ҳақли эканлиги Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай ҳолатлар меҳнатни муҳофаза қилувчи давлат назорат органлари томонидан тасдиқланса, иш берувчи иш жойида меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларини яратгунга қадар ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади. Шунини таъкидлаш керакки, Меҳнат кодексига кўра, меҳнат ва унинг муҳофазаси ҳақидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш берувчи билан меҳнат шартномаси асосида

ишлаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам жорий қилинади.

Меҳнат муҳофазаси меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини таъминловчи, саломатлиги ва меҳнат қобилиятини сақловчи ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат. Меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясини ўз ичига олади. Хавфсизлик техникаси дейилганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсирини бартараф қилувчи ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими тушунилади.

Ишлаб чиқариш санитарияси ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларнинг таъсир этишини бартараф қилувчи ёки камайтирувчи ташкилий тадбирлар ҳамда техникавий воситалар тизимидан иборат. Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, Меҳнат Кодекси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат назорат органларининг касаба уюшмалари марказий органлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда қабул қилган ҳуқуқий актларида белгилаб берилган.

Меҳнат шароити зарарли бўлган, шунингдек алоҳида юқори ёки паст ҳароратли шароитларда бажариладиган ёки ифлослантирувчи ишларда ишловчи ходимлар белгиланган меъёрлар бўйича:

- сут ёки шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари;
- даволаш-профилактика озиқ-овқати;
- газли шўр сув (иссиқ сеҳларда ишловчилар учун);
- махсус кийим-бош, пойафзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг меъёрлари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Иш берувчи

соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ, вақтинча ёки доимий ишларга ўтказиши ш арт. Ходимлар камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида уларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф-хатар соладиган ҳолатлар вужудга келса, ходим ўша ишни бажаришдан бош тортишга ҳақли эканлиги Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай ҳолларда иш берувчи иш жойида меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларини вужудга келтиргунига қадар ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади. Демак, ҳозирги кунда меҳнат жараёнида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги анча кучайтирилган, таъкидлаш жоизки, биринчи марта маънавий зарарни қоплаш жорий қилинаётир. Иш берувчи томонидан тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир. Меҳнат соҳасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка меҳнат низолари, қоидага кўра, ҳар иккала тарафнинг музокаралари, ўзаро келишувлари доирасида тинч йўл билан ҳал этилиши лозим. Аммо бундай келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилмаса, у ҳолда махсус органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим бўлади. Меҳнат низолари иш берувчи билан ходим ёки касаба уюшма қўмитаси ёхуд меҳнат жамоаси ўртасида ҳал этилмаган келишмовчиликлардир. Бундай келишмовчиликлар меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахслар билан иш берувчи ўртасида меҳнат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнат

тўғрисидаги бошқа шартномалардаги шартларнинг қўлланиши, шунингдек меҳнат шароитларини ўзгартириш юзасидан келиб чиқиши мумкин.

Меҳнат низолари ўз мазмунига кўра, иккига бўлинади:

- 1) якка тартибдаги меҳнат низолари;
- 2) жамоаларга доир меҳнат низолари.

Якка тартибдаги меҳнат низолари иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Жамоага доир низолар барча ходимларга тааллуқли бўлган янги меҳнат шартномаларини жорий қилиш ёки мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартириш, шунингдек иш берувчининг бутун жамоага нисбатан олган ўз мажбуриятларини бажариши борасида юзага келадиган низолардир. Якка меҳнат низолари меҳнат низолари комиссияларида ёки Меҳнат кодексининг 269-моддасида кўрсатилганидек, бевосита туман (шаҳар) ва туманлараро фуқаролик судларида кўриб чиқилади. Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби Меҳнат кодекси билан тартибга солинади, бундан ташқари, меҳнатга оид низоли ишларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш учун муддатлар қуйидагича белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

– бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой;

– ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Меҳнат низолари комиссияси ёки суднинг қарори билан ходим ғайриқонуний асосда ишдан бўшатиш тақдирда, у дарҳол ишга қайта тикланиши лозим. Меҳнат низолари комиссияси ёки суд ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда, ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақини тўлаш ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ойлигидаги фарқни тўлаш ҳақида қарор қабул қилади, бироқ бу муддат бир йилдан ошмаслиги керак.

Меҳнат низоларининг ижро босқичи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Ижрога оид қоидаларга мувофиқ, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблари биринчи навбатда қаноатлантирилади. Ходимни ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши лозимлиги туфайли бундай қарорлар ижроси ҳам тўхтатилиши мумкин эмас.

ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

РЕЖА.

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси, мақсад ва вазифалари. Оилавий муносабатларнинг ривожланиш тарихи.
2. Никоҳ тушунчаси, уни тузиш тартиби ва шартлари.
3. Никоҳ шартномаси, эр ва хотиннинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқлари.
4. Ота-оналик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. Алимент мажбуриятлари.
5. Фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик тушунчаси.

Оила ҳуқуқи тушунчаси, мақсад ва вазифалари.Оилавий муносабатларнинг ривожланиш тарихи.Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “ Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб таъкидланган.

Маълумки оила ҳаётнинг абадийлигини таъминлайди, ворислар ота-она бошлаган ишни давом этишини амалга оширувчи муқаддас даргоҳ.Бу даргоҳ миллатнинг урф –одатларини сақлашга кўмаклашади.Шу билан бирга оила келажакда фарзандлар қандай инсон бўлиб етилишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Ёшларга оила ҳуқуқини ўргатишдан асосий мақсад, уларни келажак турмушга тайёрлаш, ўз касбларида олган билимини жорий этиш кўникмасини ҳосил қилиш.Уларда оила қонунчилиги ҳақида чуқ билимларнишакллантириш, қонуннинг тамойиларини ўргантиш ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлар дирасидан келиб чиқадиган муаммоларни ечишда олинган билим билан ҳал қила олишни ўргатиш.

Оила узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасидир, жамият тузилишининг объектив зарур, ажралмас қисмидир.Оила энг муҳим ижтимоий вазифаларни: инсонни яратиш, болаларни тарбиялаш, одамларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни маънавий бирлаштириш, биргаликда хўжалик юритишни таъминлаш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, демография жараёнларини яхшилаш вазифаларини бажаради.

Оилавий муносабатларга шарқда ўтмишдан бошлаб ўлкан аҳамият берилиб келган.Зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутган. “Авесто”тадқиқотчиси Ҳ.Ҳомидов ўша даврдаги оилалар тўғрисида шундай деб ёзади: “Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлсаю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди.Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай

килинган. Кўп болалаи оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган деб ўқтирилади”.

Қадимга грек тарихчиси Элион қолдирган маълумотларга кўра, Марказий Осиёдаги йирик қабилалардан бири бўлган сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган ҳар бир йигит ўзи ўйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйида кураш тушиши шарт бўлган. Бу курашда ғалаба қилган тақдирдагина ўйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Демак, бу ерда кураш ўзига хос тарзда никоҳ вазифасини бажарган.

Марказий Осиё халқларининг машҳур достонлари “Ўғузнома”, “Алпомиш” ва “Манас”ларда никоҳ билан боғлиқ одатларда, йиғиннинг жисмоний қобилиятларига ва уни синаб кўришга алоҳида аҳамият берилган. Йигитнинг қизга муносиб ёки муносиб эмаслигини аниқлаш учун талабгорларнинг ўзаро от пойгаси, камонда нишонни уриши, узоққа уқ узиши, кураш каби рақобатчилилик шаклларида фойдаланилган. Шунингдек бу танлов “қиз қувлаш”, “Тортишмачоқ” қабиларда ҳам ўз ифодасини топган.

Маълумки бугунги кунгача никоҳий муносабатларда айрим удумларимиз ҳанузгача сақланиб қолган. Бунга мисол қилиб совчиликларга бориш, унаштириш, таништириш маросимлари, тўй- тантана, чаллов удумларини мисол қилиш мумкин.

Инсонни “инсон” бўлишида оила қадрияти энг муҳим ўринга эга. Ўзбек оиласи исломий қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожланган ва шаклланган. Оила-давлат ичидаги кичкина давлатдир. Ҳар бир оиланинг туғилиши, ривожланиши, бахти, шу билан бирга инқироzi, фожеалари бўлади. Оила энг олий қадрият. Чунки ҳар бир инсоннинг камолоти оиладан бошланади ва унинг бутун умри оила билан боғлиқ бўлади. Оила тинч бўлса, давлат тинч – осойишта, фаровон. Акс ҳолда давлат нотинч, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга “ботиб” қолади.

Оилалар демографик жиҳатдан ҳар хил бўлади. Оила ижтимоий мажмуа. Тўла қонли оила бобо, буви, ота-она, фарзанд, набиралардан иборат

бўлади. Оилада уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бор. Бобо, буви оиланинг маънавий, иқтисодий қўриқчиси, маслаҳатгўйи. “Қариси бор уйнинг-париси бор” деган ҳикмат бежиз пайдо бўлмаган. Бобо-набира, буви-набира, ота-она, ота-фарзанд, ака-ука муносабатлари оила муҳити билан боғлиқ. Бу ўринда “оила йўлбошчиси” асосий ўрин тутди. “Бахтли оила”, “бахтсиз оила”, “ибратли оила”, “ўқимишли оила”, “замонавий оила” каби иборалар оилаларга бериладиган баҳолардир.

“Оила интизоми”, “оила одоби” ҳар бир оилада бош мезон бўлиши лозим. Шарқ педагогикасида боланинг етти ёшигача “подшодек” ўстир, ҳамма нарсани унга мухайё қил, етти ёшдан ўн саккиз ёшгача интизомга, меҳнатга ўргат, ўн саккиздан сўнг унга ўзининг маслаҳатчингдек муомала қил” деган ҳикматомуз сўзлар бор. Бу пандномалар тубида улуғ даъватлар ётади. “Оила йўлбошчиси” олдида фарзанд тарбияси бош вазифа бўлмоғи лозим. “Фарзанд азиз-тарбияси бундан ҳам азиз”, “фарзандга ортиқча кўнгилчанлик - ота-онанинг кўз ёши билан тугайди” каби ҳикматларни халқ яратган. Халқнинг гапи эса ҳақ.

Оила болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, она ва бола манфаатларини муҳофаза этишга, оналикни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар туркумини назарда тутувчи ҳуқуқ оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Оила ҳуқуқи эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғидир. Аммо оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайди. Бу муносабатларнинг аксарияти ахлоқӣ, руҳӣ тусда бўлиб, ўз моҳиятига кўра уларни ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб бўлмайди.

Оила ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Оила ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқидан қўйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

1) Оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактлардан вужудга келади;

2) Оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга;

3) Оилавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқаларга топшириб бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

Оила ҳуқуқи – оилавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат. Оила ҳуқуқи нормалари қўйидагилардир:

- никоҳдан ўтиш тартибини ва шартларини белгилайди;
- оилада эр-хотин ўртасида, ота-оналар ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солиб туради;
- бошқаларнинг болаларини ўзига бола қилиб олиш, васийликка олиш, ҳомийлик қилиш, болаларни ўз тарбиясига олиш муносабати билан вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиб туради;
- никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартларини белгилайди;
- фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Оила ҳуқуқининг асосий манбалари:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 1998 йил 30 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 сентябридан кучга киритилган Оила Кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг айрим моддалари;
- Оила тўғрисидаги қонунлар.

Оила ҳуқуқининг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:

- оилада барча масалаларни ҳал қилишда эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлиги;
- оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш;
- балоғатга етмаган болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- бир никоҳлик;
- никоҳ иттифоқининг эркинлиги ва ихтиёрийлиги;

- оилавий муносабатлар қатнашчиларининг бир-бирини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб –қувватлаши ҳамда бир-бири тўғрисида ғамхўрлик қилиши.

Никоҳ тушунчаси, уни тузиш тартиби ва шартлари. Оила никоҳдан бошланади. Бу тушунча оила ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Никоҳнинг таърифлари хилма-хил бўлиб, улардан энг мақбули қўйидагичадир: “Никоҳ-бир-бирини севган ва никоҳ ёшига етган эркак ва аёлнинг умуминсоний қадриятлар ва Шарқ анъаналарига асосланган оилада болаларни тарбиялашга йўналтирилган, ўзаро шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган қонун асосидаги оилани яратиш мақсадидаги ўзаро келишилган, бутун умрга мўлжалланган иттифокдир”.

Никоҳ ва оила бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар. Шу жиҳатдан, оила-энг аввало жамият асосини ташкил этувчи, болаларни тарбиялаш ва уларни шахс сифатида шакллантириш муҳити бўлган бирламчи ячейкадир. Ёки бошқача қилиб айтганда, оила жамиятнинг илк бўғинидир.

Оила муқаддасдир. Жамият унга ғамхўрлик қилади. Оиланинг муқаддаслиги ёндашув турлича бўлиши мумкин. Бугунги кунда айрим мутахассислар, масалан, социологлар оила бўлиши учун эркак ва аёлнинг ўзаро муносабати етарли асос деб ҳисобламоқчи бўладилар. Уларнинг фикрича фарзандлар бу ерда рол ўйнамайди. Юристар эса оила бўлиши учун, албатта қонуний никоҳ бўлиши, яъни эркак ва аёлнинг ўзаро иттифоқи тегишли органлар рўйхатидан ўтиши керак, акс ҳолда эркак ва аёлнинг бирга яшаши (неча йиллигидан қатъий назар) никоҳни келтириб чиқармайди деб ҳисоблайдилар. Шундан келиб чиқиб диний расм-русмга асосланган никоҳни ҳуқуқӣ аҳамиятга эга эмас деб эътироф этилади.

Никоҳ расмӣ, қонунлар асосда ўтказилгандагини ҳақиқӣ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг биринчи моддасида никоҳ фуқаролик ҳолати даволатномалрини қайд этиш органларида тузилиши лозимлиги кўрсатилган.

Никоҳ тузиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) ўзаро никоҳ тузишни истаган шаклларнинг никоҳ ёшига етиши;
- 2) никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розиликлари.

Бундан бошқа шартлар ҳам мавжуд, яъни мухаббат бўлиши, бири-бириси билан боғланиб қолиши, бир-бирини ёқтириши каби. Бундай шартларни айрим ҳуқуқшунослар тан олса, айримлари рад этишади.

Никоҳ ёши Оила кодексининг 15-моддасига биноан Ўзбекистонда эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Никоҳ ёши узрли сабабаларга кўра, маҳаллий ҳокимият органларининг рухсати билан, кўпи билан бир йилга камайтирилиши мумкин. Никоҳ ёши ҳар бир мамлакатнинг ўз шарт-шароитидан келиб чиқади ва у ҳамма жойда бир хил қилиб белгиланган эмас.

Қўйидаги ҳолатлар никоҳ тузишга қаршилик қилиши мумкин:

- никоҳга кирувчилардан бирининг бошқа никоҳда бўлиши;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;
- никоҳга кирувчилардан бирининг рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши.

Оила Кодексининг 17-моддаси “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш” деб номланган. Унга биноан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш никоҳланувчи шахслар розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳ тузиш тартиби. Қонунга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берган кундан бошлаб бир ой ўтганидан кейин, уларнинг шахсан ўзлари иштирокида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Қўйидаги ҳолатларда никоҳ тугатилиши мумкин:

- эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бирини вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида;
- эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш оқибатида;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр-хотиннинг васийси берган ариза натижасида.

Никоҳни ажратиш. У икки хил йўл билан амалга оширилади.

1) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳни ажратиш.

Бу балоғатга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида амалга оширилади. Қўйидаги ҳолатларда никоҳдан ажратиш эр-хотиннинг аризасига биноан балоғатга етмаган болаларининг борлигидан қатъий назар амалга оширилади:

- суд томонидан бедарак деб топилган бўлса;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса (руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги сабабли);
- содир этган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса.

2) Суд тартибида никоҳдан ажратиш. У қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- никоҳдан ажратишда эр-хотиндан бирининг йўқлиги сабабли;
- умумий балоғатга етмаган болалари бўлган эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан.

Никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилганда ажратилганлик рўйхатга олинган кундан,

никоҳдан судга ажратилганда эса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб никоҳ тугатилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш. У суд тартибида амалга оширилиб, қўйидагилар асос деб олинади:

- никоҳни тузиш шартларининг бузилиши;
- никоҳни тузишга ҳалақит берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;
- эр-хотин ёки улардан бири оила қуришни мақсад қилмаган, яъни соҳта никоҳ,
- никоҳланувчи шахслардан бирининг таносил касаллиги ёки одам иммунитетига тақчилиги вируси борлигини яшириши.

Никоҳ шартномаси. Никоҳ шартномасига кўра эр ва хотин биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Шартнома эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин (ОК,23-модда).

Никоҳ шартномасига мувофиқ эр ва хотин:

- ўзаро моддий таъминот бериш;
- оила харажатларини кўтариш;
- бир-бирининг даромадида иштирок этиш;
- бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш;
- биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбурияларини белгилаб олиш;
- никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш;
- никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиш асослари.

Эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги ва барабар мажбуриятларга эга эканлиги мулкӣ муносабатларда ҳам ўз ифодасини топан. Эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига иқтисодий мазмундаги масалалар киради. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқ вамажбуриятлари, эр-хотиннинг ҳар бирини алоҳида хусусий мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро моддий таъминотдаги алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши, унинг бозор иқтисодига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши бу масалада ҳам амалдаги оила қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этди. Чунки қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Оила кодексининг 23-моддасига биноан “Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига

расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Эр-хотиндан ҳар бирининг совға сифатида никоҳ тузишдан кейин олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан ёки тўйдан кейин олган совғалари, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибига киради.

Никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкани биргаликдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди. Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкӣ муносабатлари фуқаролик қонунлари нормалари билан тартибга солинади. Эр –хотиннинг текинга олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан олган совғалар (тўйдан кейин ўтказиладиган маросимлардан олган совғалари), агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибига киради. Агар эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган мулкига никоҳлари давомида шу мулкнинг қийматида анча ошиқ маблағ сарфланганлиги (қайта таъмирлаш, қўшимча қурилиш қилиш, қайта ўзгартириш ва ҳ.к.) аниқланса, бу мулк эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкани бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида

амалга оширилади. Эр ва хотиннинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сон қарорида 1кўрсатишича, “Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда утилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади. Суд вояга етмаган болаларнинг манфаатини ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга сазовор манфаатлари ниҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёки эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир”.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 210-моддасига мувофиқ, суд мол-мулкни натура тарзида ундириш тўғрисида чиқарган ҳалқилув қарорида, агар ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақдбўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.

Эр-хотиннинг умумий биргаликдаги, улушли ва хусусий мулклари. Оила кодексининг 25-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзигатегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, меростариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўзининг хусусий мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёки эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анчаошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта

қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин”.

Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади. Хусусий мулкка қуйидагилар киради:

- эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан: уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар); никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари;

- тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);

- эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтинсоат, мотоцикл, машина ва бошқалар);

- эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялари (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибига кирмайди;

эр-хотиннинг бирига никоҳга қадар тегишли бўлган ёки у никоҳ давомида ҳадя ёхуд мерос тарзида олган кўчмас мол-мулк, жумладан, уй-жой никоҳ давомида эр-хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари ҳисобига капитал равишда таъмирланганлиги ёки қайта қурилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирдагина эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобланиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, мулкый ҳуқуқлар бўйича жавобгарлик. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда аввало эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинади. Кейинчалик эса умумий мулкдан қайсилари эр-хотиндан қайси бирига тегишли эканлиги аниқланади. Шундай ҳолларда, улар ўртасида мулк тенг ҳиссада бўлинса, эр-хотиндан биттасига қиммати бошқасига тегишли бўлган мулкдан ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқи доирасида

тегишли пул суммаси берилиши лозим. Қонун судни масалани бундай асосда халқилишга мажбур этмайди. Пул суммасини ундириб бериш масаласини кўраётганда судишнинг аниқ шароитига қараб (эр-хотин ҳар бирининг моддий ва бошқа оилавий ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қилади. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргаликдаги умумий мулк таркибига кирган уйнинг қисми учун пул тўлашбелгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.

Мулкдор ўз мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқларига эга. Агар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки никоҳдан ажралиш вақтида бўлинмаган бўлса, бунда эр-хотиндан бири амалда фақат мулкка нисбатанэгаликдан маҳрум бўлмасдан, ундан фойдалана олмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, ажралиш эр-хотинларга ёки улардан бирига уларнинг қонуний ҳуқуқини амалгаоширишга муқаррар равишда таъсир қилиши мумкин. Бу тўғрида у билганлиги учун, эр-хотинларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегисли бўлган мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддати никоҳ тугаган вақтдан, яъни ажралиш ҳақидасуднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ҳисобланиши лозим.

Эр-хотинданбиринингқарзиучунҳақунингўзхусусиймулкидан, эр-хотиннингбиргаликдаги умумий мулки бўлганида эса унга тегисли бўлган ҳиссадан ундирилишимумкин. Умумий қарз эр-хотиннинг иккаласи ёки улардан биттаси (иккинчи томон биланкелишилмаган бўлса-да), ёки бутун оила манфаатига қаратилган бўлади. Шахсий қарзлар эса бундай белгиларга эга бўлмайди. Қарзлар бўйича жавобгарликэр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда, ундан ташқари ҳам бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари ҳаракатлари туфайли зарар кўргантомоннинг талаби эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундиришнинг алоҳида тури ҳисобланади. Ота-оналарнинг моддий жавобгарлик масаласи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалариасосида ҳал қилинади. Келтирилган зарарни эр-

хотиндан биттасини хусусий мулкидан, шунингдек уларнинг биргаликдаги умумий мулкидан ундириш мумкин. Масалан, агар эр-хотин қайд этилган никоҳда бўлиб, алоҳида яшаётган бўлсалар, уларнинг вояга етмаган болалари моддий зарар келтирса, бу ҳолат улардан бирининг айби билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг хусусий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулкидан ҳақ ундириш мумкин. Бироқ эр-хотиннинг никоҳдан ажралиб алоҳида яшаши ёки ота-оналарнинг болалардан алоҳида яшаши эр-хотиннинг ёки улардан бирининг вояга етмаган ўзболалари келтирган зарарни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлмайди. Агар низо чиқса, суд бола келтирган зарар учун ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам жавобгар қилиб, етказилган моддий зарарни уларга тўлатиши мумкин. Аксарият ҳолларда эса бола келтирган зарар учун бола билан бирга яшайдиган ота ёки она жавобгар ҳисобланади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланган мулкидан ҳақ ундиришга, улардан биттаси томонидан содир қилинган жиноят туфайли келтирилган зарарни ундиришга, агар бу мулк жиноят содир қилиш йўли билан топилган маблағга олинганлиги аниқланса ва бу жиноят содир қилишда айбланган эр ёки хотиннинг айбдорлиги жиноят иши бўйича суднинг ҳукми билан аниқланган бўлса, йўл қўйилади. Зарарни ундириш тўғрисидаги даъвони кўраётган суд эр-хотиндан ҳар бирикелтирган зарарнинг аниқ миқдорини белгилаш масаласини ҳал қилади. Суд бундай ишларни кўришда, аввало, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкдаги тегишли қисмини аниқлаб, қарздорга тегишли бўлган мулкни белгилайди. Шундан сўнг, агар бунга етарли асос бўлса, иккинчи томонга тегишли мулклар хатдан чиқарилади.

Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби. У никоҳ шартномасини тузиш орқали расмийлаштирилади. Никоҳ – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир (Оила кодексининг 29-моддаси).

Никоҳ шартномаси никоҳгача ҳам (у давлат рўйхатига олингунига кадар), никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Фақат никоҳ рўйхатга олинанишидан олдин тузилган никоҳ шартномаси у давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан ҳуқуқий кучга киради. Қоида тариқасида никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тасдиқдан ўтказилади.

Никоҳга киришда никоҳ шартномаси эр-хотиннинг иккаловининг ўзаро розилиги билангина тузилиши мумкин. Никоҳ давомида тарафларнинг келишувига биноан никоҳ шартномаси ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасининг мавжудлиги никоҳнинг мажбурий шартларига кирмайди. Никоҳ шартномасининг бекор қилиниши никоҳни ажратишга олиб келмайди, лекин никоҳнинг ажратилиши никоҳ шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Ота-оналик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари Болалар муайян ота-оналардан туғилганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг негизини ташкил этади. Никоҳда бўлган ота-онадан туғилган боланинг пайдо бўлиши ота-онанинг никоҳи билан боғлиқ ҳужжатларда қайд этилади ва тасдиқланади. Бунда эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшашининг аҳамияти йўқ.. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси унда номлари кўрсатилган ота-онадан ёки онадан туғилганлигига далилдир, Она тиббиёт муассасида боланинг шу онадан туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. Ота эркакнинг боланинг онаси билан никоҳда турганлиги далили аниқланади. Боланинг онаси билан никоҳда турмаган отанинг оталик ҳуқуқи ота ва онанинг биргаликда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига аризалари билан ёхуд эр ва хотиндан бирининг аризасига биноан суд тартибида белгиланади. Ота-оналарнинг ёзма қайди ота ёки она сифатида ёзиб қўйилган шахс ёхуд боланинг ҳақиқий отаси ёки онасининг талаби билан фақат суд тартибида рад этилиши мумкин. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Мободо боланинг

ота-онаси турли фамилияларда бўлса, ўзаро келишувга кўра, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади.

Боланинг асосий ҳуқуқлари қўйидагилар:

1. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга (ОКнинг 65-моддаси).
2. Ота-онасининг никоҳи бекор қилинганда ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам, ота-оналар алоҳида-алоҳида яшаганларида ҳам бола ўз ота-онаси билан кўришиш ҳуқуқига эга (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар бундан мустасно), (Оила Коексининг 66-моддаси).
3. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга (ОКнинг 77-моддаси).
4. Ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўзини ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгач, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (ОКнинг 67-моддаси).
5. Оилада боланинг манфаатларига таалуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифодалашга, ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокома даврида сўзлашга ҳақли (ОКнинг 68-моддаси).
6. Бола исми ва фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқига эга (ОКнинг 70-моддаси).

Вояга етмаган болаларнинг мулкӣ ҳуқуқлари:

- Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.
- Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга.
- Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

- Вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлишга ҳақлидирлар.
- Ота-она фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкини фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар.
- Ота-она фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва тенг мажбуриятларга эга.
- Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар, ҳамда ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар билан бўлган муносабатларда, судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин тавлаган ҳолларда ота-она суд ҳукмига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш ёхуд уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Бунга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- 1) Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин тавласа;
- 2) Узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона, даволаш, тарбиялаш муассасасидан олишдан бош тортса;
- 3) Ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, шафқатсиз муомала қилса, жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир этса;
- 4) Муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;
- 5) Ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлигига ёхуд эри(хотини)нинг ҳаёти ёки соғлигига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-она болаларга нисбатан барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Бироқ, бу ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан халос этмайди.

Қўйидаги ҳолатларда ота-оналик ҳуқуқидан чекланишга йўл қўйилади:

- 1) болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бола учун хавфли бўлганда;

2) болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса, етарли аниқланмаган тақдирда.

Алимент мажбуриятлари – оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларининг ишлаб топган маблағларининг бир қисмини оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларини таъминлашга ажратиш мажбуриятларидан иборат. Таъминот бўйича мажбуриятларга қўйидагилар эга бўлади:

- 1) Вояга етмаган болаларига нисбатан, шунингдек, ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз вояга етган болаларига нисбатан ота-оналар.
- 2) Ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ота-онасига нисбатан вояга етган фарзандлар.
- 3) Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож эри(хотинига нисбатан хотин (эр).
- 4) Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож ака-укалари ва опа-сингилларига нисбатан ака-укалар ва опа-сингиллар.
- 5) Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.
- 6) Ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки (хотинидан) (собик эри хотинидан) таъминот олмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли набиралар зиммасига юклатилиши мумкин.
- 7) Агар ўғай ота ва ўғай она ўзларининг меҳнатга лаёқатли болаларидан таъминот ололмаган ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз ўғай ота ва ўғай онага нисбатан суднинг ҳал қилув қарори асосида таъминлаш мажбурияти ўғай ўғил ё қизга юклатилиши мумкин.

Оила Кодексининг 99-моддасига биноан, вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола-учун тўртдан бир қисми, икки бола

учун-учдан бир қисми,уч ва ундан ортиқ бола учун- ярмиси миқдорида ундирилади. Тўловлар миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Судга мурожаат этмай, алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга келган эр-хотин ушбу келишувни нотариал тасдиқлаб олишлари керак. Бу – келишув ижро варақаси кучини беради.

Фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик тушунчаси.Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун уларни фарзандликка олишга йўл қўйилади. Болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандликка олишнинг асосий шартидир. «Бола манфаатлари» дейилганда биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақ онли шароит яратиш тушунилади. Фарзандликка олиш мутлақо ихтиёрийдир.

Қуйидаги шахслар фарзандликка олиш ҳуқуқидан маҳрумдир:

1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган;
2. Қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
3. асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;
4. фарзандликка олинганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
5. Қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.
6. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ беш ёшдан кам билмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир. Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлиш асослари

1. турар жойидан қатъий назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;
2. фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;
3. ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;
4. ўғай ота ва ўғай она;
5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
6. Касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатларида фарзандларидан ажралган шахслар.

Агар бола ўн ёшга тўлгунга қадар ҳам фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланиб келаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш, гарчи бола ўн ёшга тўлган бўлсада, унинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Фарзандликка олишда эр ва хотиннинг розилиги инобатга олинади. Агар бола васийлик ёки ҳомийликда бўлса уни фарзандликка олиш учун васий ва ҳомийсидан розилик олиш лозим. Муомала лаёқатидан чекланмаган ота-онанинг фарзандини фарзандликка олишда уларнинг розили талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси томонидан бериладиган розилик икки хилда бўлиши мумкин:

- А) болани маълум шахс томонидан фарзандликка олинишига розилик;
- Б) фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органларига ҳавола қилиб берилган розилик.

Қонун ота-онанинг ўз боласини фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён қилинишини талаб қилади, розилик оддий ёзма шаклдами ёки нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керакмианиқ кўрсатилмаган.

Ота-онанинг розилигисиз қуйидаги ҳолларда фарзандликка олиш мумкин:

1. ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

2. ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
3. ота-она муомала лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
4. ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Туман, шаҳар ҳокимиятининг фарзандликка олишни рад этганлиги устидан фарзандликка олиш ҳақида ариза берган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

Фарзандликка олинганлиги тўғрисида тегишли ҳоким қарор чиқаргандан сўнг, қарор нусхаси васийлик ва ҳомийлик органи фуқаролик ҳолати далолатномаларига ўзгартириш киритириш тўғрисида илтимослар бўлса, тегишли ФХДЁ органига дарҳол юборилиши лозим. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга албатта унинг ота-онаси деб ёзилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбиясига олиш (патронат) тўғрисида» ги низомга кўра фарзандликка олинган боланинг туғилиши қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олинишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

Боланинг отаси исми ўзгартирилиши қонунда узил-кесил ҳал қилинган бўлса, унинг фамилиясини, исмини, шунингдек, зарур ҳолларда, туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартириш фарзандликка олувчининг эркига боғлиқ.

1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган болалар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

1. фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;
2. фарзандликка олиш сохта бўлса;
3. вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;
4. фарзандликка олувчи қонунга нисбатан фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса

Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари. Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини-гина кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олишнинг бекор қилиниши болага оғир руҳий жароҳат етказиши унинг манфаатларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун қонун фарзандликка олишда, шунингдек, фарзандликка олишни бекор қилишда фарзандликка олишнинг барқарорлигини таъминлаш чораларини назарда тутди. Фарзандликка олиш бола манфаатларига жавоб бермай қолгандагина бекор қилиниши мумкин.

Фарзандликка олинган вояга етмаган болаларни тарбиялашлари, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари ҳамда уларга таъминот беришлари шарт. Бу мажбуриятларни бажармаслик, бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни лозим даражада бажармаслик фарзандликка олишни бекор қилишга асос бўлиши мумкин. Фарзандликка олувчиларнинг ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилишлари фарзандликка олишни бекор қилишга олиб келади. Болаларни тарбиялашда уларни менсимаслик, уларнинг инсоний қадр-қимматини камситиб, улар билан шафқатсиз, қўпол муомалада бўлиш, уларни ҳақоратлаш ва эксплуатация қилиш ҳам фарзандликка олишни бекор қилишга асос бўлади.

Фарзандликка олувчининг муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлиши фарзандликка олишни бекор қилишни назарда тутди.

Фарзандликка олувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажара олмасликлари фарзандликка олишни бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Васийлик ва ҳомийлик.Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ва ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ва ҳомийликка мухтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ва ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом»га кўра, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга оширувчи органлар тавсиясига кўра туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган васийлик ва ҳомийликка муҳтож вояга етмаган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш сингари васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш халқ таълим бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан - соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшданўйин саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

Боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини, шунингдек, боланинг ҳаёти ва соғлиги учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинланади.

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

собик фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олганлиги ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган бўлса;

қонун билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

Васийлик қуйидаги ҳолларда тугайди:

васий ёки васийликдан шахс вафот этганда;

вояга етмаганларга нисбатан – улар ўн тўрт ёшга тўлганда ёки улар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганлар учун – уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тайинланган тақдирда тугайди.

Вояга етмаган бола ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугаганида васий вазифасини бажарувчи шахс махсус тайинланмасдан вояга етмаган шахснинг ҳомийси бўлиб қолади.

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда тугайди:

ҳомий ёки ҳомийликдаги шахс вафот этганида;

ҳомийликдаги шахс вояга етганда;

ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганида;

ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;

вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

ҳомийликдаги вояга етган шахснинг соғлиқи яхшиланганлиги туфайли у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлганда тугайди.

Болаларни тарбияга олиш(патронат).Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ғимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

қуйидаги болалар оилага тарбияга берилади:

- етим болалар;
- ота-онаси номаълум бўлган ёки ташлаб кетган болалар;
- ота-онаси, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган, суд тартиби муомалага лаёқатсиз деб топилган, дараксиз йўқолган деб эълон қилинган, озодликдан маҳрум қилинган болалар;
- соғлигига кўра фарзандларининг тарбияси ва таъминоти билан шахсан шуғулланолмайдиган ота-оналарнинг болалари;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тарбия ва даволаниш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтимоий ғимоялаш ва шунга ўхшаш муассасалардаги болалар.

Оилага тарбияга бериладиган болалар васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланади ва ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171- сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом» га кўра, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олишни истовчиларнинг оилавий шароити, моддий таъминоти ва аҳолини таҳлил қилиб, уларни рўйхатга олади.Болаларни тарбияга олишни истаган шахслар ўзлари яшайдиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига

рўйхатга олинишларини сўраб ариза беришади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

- a) иш жойидан вазифаси ва маоши миқдори кўрсатилган маълумотнома ёки тегишли тартибда тасдиқланган даромадлари ҳақида декларация нусхаси;
- b) уй-жой борлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- c) агар никошда турса, никош гувоҳномаси нусхаси;
- d) болани тарбияга олишни истаган шахс ва унинг оила аъзолари соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Тутинган ота-оналар, болаларни оилага тарбияга олишни истаган, болани оилага тарбияга олишга ҳуқуқи бўлган фуқаролар орасидан васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан танланади. Тутинган ота-оналикка номзодлар танлашда уларнинг шахсий хусусиятлари, феъл-атвори, соғлиғи, ўзи билан бирга яшайдиган оила аъзолари ва бошқалар билан муносабати ҳамда бола тарбияси соҳасидаги тажрибаси эътиборга олинади.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишувда унинг тузилган вақти ва жойи, келишувни тузаётган васийлик ва ҳомийлик органининг номи, юридик манзили, тутинган ота-онанинг шахсини тавсифловчи маълумотномалар (жумладан, турар жойи, паспортининг тартиб рақами), тарбияга берилаётган бола ҳақида батафсил маълумотномалар, тутинган ота-онанинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органининг тутинган оилага нисбатан мажбуриятлари ҳамда келишувнинг амал қилиш муддати, уни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим.

Келишувда тутинган ота-онанинг асосий мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

- тутилган болани ўзаро ёрдам ва ҳурмат асосида тарбиялаш;
- боланинг таълим олиши, жисмонан, руҳан, маънан ва ахлоқий соғлом ўсиши учун шароит яратиш;
- боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- боланинг соғлиги ва соғлиги ҳақидаги тиббий тавсиялардан келиб чиқиб, уни вақти-вақти билан мутахассис-врачлар кўригидан ўтказиб туриш, боланинг даволанишини таъминлаш;
- боланинг умумий таълим муассасаларида таълим олишини таъминлаш, унинг фанларни ўзлаштиришини кузатиб бориш ва мактаб маъмурияти билан алоқада бўлиб туриш;
- тутинган оилада боланинг тарбиясига салбий таъсир қиладиган ёки келгусида унинг бу оилада яшаши ва тарбияланишини истисно қилувчи ҳолатлар юзага келганда, бу ҳақида дарҳол васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилиш ва бошқалар.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишувда васийлик ва ҳомийлик органларининг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

- тутинган болани мактабга, тарбия муассасаларига жойлаштиришга ёрдам бериш;
- боланинг давлат тиббий муассасаларида тиббий кўрикдан ўтказилиши ва бепул даволанишини таъминлаш;
- бола тарбиясида тутинган ота-онага турли маслаҳатлар бериб туриш ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тутинган ота-онага ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- тарбияга олинган боланинг таъминоти учун белгиланган тартибда нафақалар тылаб туриш;
- тутинган бола учун соғломлаштириш муассасаларига бепул қўлланмалар ажратиш;
- турли хайрия ва оталиқ ёрдамлари уюштириш ва бошқалар.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишув қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- тутинган ота-онанинг (айрим ҳолларда, уларнинг оила аъзоларидан бирининг) тутинган фарзанд тарбияси билан тўлақонли шуғулланиши имконини бермайдиган ёки бола соғлиги ёки ҳаёти учун хавф туғдирадиган касаллик билан касалланганида;
- тутинган ота-она оилавий аҳволнинг кескин ўзгариши (янги оила қурилиши, тутинган ота-онадан бирининг вафоти ва бошқалар)да;
- тутинган ота-онанинг мулкӣ мавқеининг тутинган бола тарбияси ва таъминоти билан шуғулланиш имкониятига жиддий таъсир кўрсатадиган даражада ўзгаришида;
- тутинган ота-она билан бола ўртасида бартараф қилиш имкони бўлмаган тушунмовчиликлар пайдо бўлганда;
- тутинган ота-онанинг ўз фарзандлари (ёки бошқа оила аъзолари) билан тутинган бола ўртасида жиддий низолар вужудга келганда;
- тутинган оилада тарбияга берилган боланинг яшаши, таълим ва тарбия олишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ноқулай шароит вужудга келганда;
- бола ўз ота-онасига қайтарилганда;
- бола фарзандликка олинганда (шу жумладан тутинган ота-она томонидан).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи предмети
2. Қишлоқ хўжалиги қрхоналари, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари
3. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари
4. Қишлоқ хўжалигини бошқариш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи предмети, унинг ўзига хос хусусиятлари. “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи” мамлакатимизнинг ҳуқуқ тизимида мустақил ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, маълум турдаги ижтимоий муносабатларни, яъни аграр муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ушбу ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, маълум турда бўлишлиги, умумий жиҳатлари, бир мақсадга йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

“Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи” тушунчаси уч хил тавсифланади. Биринчиси – Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ соҳаси. Иккинчиси – ҳуқуқ фанининг мустақил соҳаси бўлгани учун унга ҳуқуқ фанларига тегишли бўлган барча хусусиятлар хос. Учинчиси – қишлоқ хўжалик ҳуқуқи махсус ўқув курси. Қайд этилган асослар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга солиш предметиға эға эканлигини англатади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предметиғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши туфайли вужудға келадиган эркин ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ижтимоий муносабатларға қуйидагилар киради: биринчидан, ер-ҳуқуқий муносабатлар; иккинчидан, меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар; учинчидан, мулкйй-ҳуқуқий муносабатлар; тўртинчидан, ташкилий-бошқарув муносабатлар.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибға солиши учун хизмат қиладиган

меъёрий-ҳуқуқий асосга эга. Ушбу асос Конституция, “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Айрим ривожланган (АҚШ, Туркия, Франция, Германия) давлатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муносабатларини тартиби солувчи яхлит, бир бутун қонунлар ҳаракат қилади. Ўзбекистонда эса бундай меъёрий ҳужжат (қонун, кодекс) мавжуд эмас. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг жуда кенглиги, турли-туманлиги, ушбу муносабатларнинг ҳар бири (ер, мулкӣ, меҳнат, бошқарув) мураккаблиги, ўзига хослиги, мустақил муносабатлар эканлиги билан изоҳланади ва шу сабабли ер муносабатлари бир нечта қонун билан тартибга солинади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳамда ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик ҳуқуқига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида келиб чиқадиган аграр муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.**

Қишлоқ хўжалик корхоналари тушунчаси. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муносабатларда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда умумийлиги уларнинг бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишлари билан тавсифланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик кооперативлари

(ширкат хўжалиги), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ижара жамоалари, ёрдамчи хўжаликлар, шуниндек, саноат, транспорт ва бошқа корхона, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари шуғулланмоқда. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар аро ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъектлар доирасини Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари белгилаб беради ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди. Демак, корхона, муассаса, ташкилотлар, ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахслари қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиши мумкин.

Фермер хўжалиги – “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект. Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассаси – фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин. Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда Фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди. Фермер хўжаликни ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. У ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисоб варағлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли. Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади. Унинг Намунавий устави Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқини тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этади. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси кенг бўлиб, турли йўналишларни қамраб олади. 1) Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар: ишлабчиқаришни ташкил этиш, шартнома муносабатларига киришиш, етиштирилган маҳсулотларни айирбошлаш. Бундай муносабатларни тартибга солишда “Фуқаролик кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосий роль ўйнайди. 2) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан фойдаланишлари билан боғлиқ муносабатлар. Бу муносабатларни тартибга солиш қоидалари “Ер кодекси”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларда белгилаб қўйилган. 3) Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлар: меҳнатни ташкил этиш шакллари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат интизоми, меҳнат низолари, иш вақти, иш ҳақи ва бошқалар. Мазкур муносабатлар “Меҳнат кодекси”, “Меҳнатни

муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) намунавий устави”, “Фермер хўжалигининг намунавий устави” каби меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидалар асосида тартибга солинади. 4) Қишлоқ хўжалигини ташкилий – бошқаруви билан боғлиқ бўлган муносабатлар: давлат бошқаруви ва ички хўжалик бошқаруви. Давлат бошқаруви давлатнинг тегишли органлари, хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси ва ҳокимликлар томонидан амалга оширилса, ички хўжалик бошқаруви эса, бошқаруви эса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмалари томонидан хўжалик ичида ташкил этилган органлар томонидан амалга оширилади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормалар (меъёрлар) “Корхоналар тўғрисида”ги қонун, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги намунавий устав”, “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом”, “Ер ресурслари, геодезия, картография давлат қўмитаси тўғрисидаги низом” ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган.

Булардан ташқари, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари қишлоқ хўжалигида мулкчилик, қишлоқ хўжалигида молия, қишлоқ хўжалик корхонасига аъзолик каби муносабатларни ҳам тартибга солади.

Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара шартномаси, кредит ва қурилиш пудрати шартномалари қўлланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида котракция шартномаси кенг қўлланилади. Ушбу шартнома олди-сотди шартномасининг турларидан бири бўлиб, унга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 466-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 467-моддасига биноан, агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиш (қабул қилиб туриш) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан шартномага мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи қишлоқ хўжалик маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаган тақдирда етиштирувчига қишлоқ хўжалик маҳсулотининг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабигақўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиручилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низом билан тартибга солинган.

Кредит шартномаси – Ўзбекистон Республикаси Ф.К.нинг 744-моддасига мувофиқ, банк ва бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олишда ифодаланадиган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Ф.К.нинг 536-557-моддаларига мувофиқ, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади. Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатида қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Шартнома унда белгиланган муддатга тузилади. Муддат белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жабобгардир. Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тушунчаси. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш ўз ичига ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб

чиқаришни яхши йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва бошқа фаолият турларини қамраб олади.

Ушбу соҳани бошқариш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вилоятлар, туманларда бевосита шу соҳа билан шуғулланувчи бўлимлари ташкил этилган. Уларнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилади. Тегишли ҳудуд ҳокимликлари ҳузурида хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш тармоқларини тезкорлик билан бошқаришни таъминлаш учун тегишли бош бошқармаларни бирлаштирувчи тармоқ мажмуалари тузилади. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини муҳофаза қилиш учун ҳоким ҳузурида Маслаҳат Кенгаши тузилади, унинг таркибига ҳокимнинг биринчи ўринбосари, котибият бошлиғи киради.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар, яъни меҳнатни ташкил қилиш шакллари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат интизоми, юзага келадиган меҳнат низолари, иш вақти, иш ҳақи, дам олиш вақти, мавсумий ишлар, меҳнатни рағбатлантириш, ижтимоий таъминот кабилар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун, “Фермер хўжалигининг намунавий устави” каби меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Бунда албатта, ширкат ва фермер хўжалигидаги меҳнатни ташкил этишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинади.

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚЛАРИ АСОСЛАРИ.

Режа:

1. Экология ҳуқуқи тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Экология ҳуқуқ объектлари
3. Экологик ҳуқуқий жавобгарлик
4. Ердан, сувдан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Экологик ҳуқуқ унинг ташкилий асослари . БМТ низоми ва халқаро инсон ҳуқуқлари принципларига мос келувчи «XXI аср кун тартиби» стратегик дастурининг 3-тамойилида «Ривожланиш ҳуқуқига шундай риоя қилиниши лозимки, бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқи ва тараққиёт соҳасидаги эҳтиёжларини тенг равишда таъминлаб берсин» дейилади. Фуқаролар экологик ҳуқуқларининг тамоилий-ҳуқуқий асоси деганда фуқароларни хавфсиз ва қулай табиат муҳитга бўлган талабини қондириш борасида давлат, жамоа ва мансабдор шахсларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ҳаракатлари мажмуасини тушунамиз. Ушбу ҳаракатлар тизимининг назарий асоси президентимизнинг асарларида хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт омиллари» номли асарида атрофийча ёритиб берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан тасдиқланган «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш дастури»да, «Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишини Экологик таъминлашнинг Миллий ҳаракатлар режаси»да, «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури»да, «Биологик

ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси»да ифода этилган.

Табиатни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, табиатдан фойдаланувчилар зиммасига иккиламчи хом ашё ҳамда табиий ресурсларнинг ҳисоб-китобини юритиш вазифаси юклатилган. Зеро, атроф-мухит тозаллигини самарали бошқариш, табиат ресурсларининг барча турлари миқдори ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Қонунга биноан, табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари олдида ягона давлат кадастрларини ишлаб чиқиш ва юритиш вазифаси қўйилган.

Давлат экологик экспертизаси жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий таъминлашнинг алоҳида шакли. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунга биноан, смета баҳоси ва тегишлилиги, шунингдек, лицензиялар ва сертификатларнинг экологик асосларидан қатъий назар, Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилиши кўзда тутилган барча режа ва лойиҳалар давлат экостик экспертизасидан ўтказилиши лозим. Бу ишни ўтказилишининг мажбурийлиги тамойили фалокатлар ва табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимининг муҳим элементи сифатида қаралиши керак.

Экологик суғурта тизими табиий фалокатлар оқибатида фуқаролар соғлиги ёки мулкига етадиган зарарни қоплашни кафолатлашга йўналтирилган. Бундан ташқари, фуқаролар соғлиги мажбурий ва ихтиёрий суғурта объектидир. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун»нинг 23-моддасига кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар, уларнинг мулклари ва фойдалари, экологик, табиий офатлардан, ихтиёрий ёки мажбурий равишда давлат экологик суғуртаси билан кафолатланиб қўйилади.

Фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг комплекс чора-тадбирларидан бири сифатида медицина

хизмати самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши учун эса Экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги қонун ва меъёрларни, санитария-гигиена меъёрларининг амалдаги тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Аҳолига экологик таълим-тарбия бериш фуқароларнинг экологик ҳуқуқини аниқ таъминлашнинг ишончли кафолатларини яратишда муҳим имкониятдир.

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқи тегишли экологик талаб ва қонунларга риоя этиш, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш бўйича ҳуқуқий мажбуриятларни ижро этиш ҳамда тоза атроф муҳитга эга бўлиш субъектив ҳуқуқидан фойдаланиш аста йўллар билан амалга оширилади.

Экологик ҳуқуқ объектлари. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, табиатнинг ҳуқуқий муҳофаза объекти табиий муҳим, яъни табиатдир. У объектив тарзда, инсондан ташқарида мавжуддир, унинг онгига боғлиқ эмасдир. У инсон яшайдиган макон, унинг ҳаётининг шарт-шароитлари ва воситасидир. Хўш, экологик ҳуқуқ объектларига нималар киради? Буларга ер усти ва ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, нодир ва қимматбаҳо минерал қонлари, балиқ хўжалиги, ўрмонларнинг қўриқланадиган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳалқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

Ушбу объектлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра икки турга бўлинади: 1) табиат ресурслари; 2) табиий муҳитнинг таркибий қисми.

Истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурларига табиат ресурслари дейилади.

Давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасалари бўлиб, уларнинг ҳудудлари алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга

эга бўлган, маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиат мажмуи.

Давлат табиат ёдгорликлари деб, экологик, илмий, эстетик, маданий жихатдан ноёб, ўрнини тўлдириб булмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектларга айтилади. Ўз навбатида табиий ресурслар ҳам икки хил бўлади: тугайдиган ва тугамайдиган. Тугайдиган табиий ресурслар қайта тикланмайдиган ва тикланадиган турларга бўлинади. Биринчисига нефть иккинчисига торф қатламини киритиш мумкин.

Тугамайдиган табиий ресурсларга сув, иқлим, фазо киради. Бироқ бу нисбий баҳо. Атрофимиядаги табиий муҳитда бунга мисоллар кўп. Масалан Орол, Амударё, Сирдарё, Днепрнинг сувининг камайиши.

Экологик меъёрлаш тизими. Экологик меъёр биз томондан иқтисодий ривожлантириш мақсадида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитга кўрсатиладиган салбий таъсирларни тартибга солса, иккинчи томондан инсоннинг қулай яшаш шароитини таъминлайдиган табиат бойликларини асрашдир. Экологик меъёр табиий муҳит ва унинг объектларига кўрсатиладиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш ҳамда қулай атроф муҳитга бўлган инсон ҳуқуқини амалга ошириш имконини яратади. Атроф табиий муҳит тозалигини белгиловчи ваколатли давлат органлари томонидан таъқиқланадиган техник меъёрлардир.

Одатда экологик меъёрлар алоҳида табиий ресурслар ва уларга таъсир кўрсатиш турларига қараб белгиланади. Ушбу меъёрлар қўйидагича кўрсаткичлардан иборат бўлиши мумкин:

- Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажмини белгилаш.
- Табиий объектларнинг умумий сифат кўрсаткичлари.
- Табиий объектларга зарарли таъсир кўрсатиш миқдорлари.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлик. Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий жавобгарлиги – бу ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий жавобгарлик

учун мансуб барча шакллар, усуллар ва шартлар ҳам унга хосдир. Шунинг билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қўйидаги ҳолатларда амал қилади:

- табиат қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва уларнинг ишини йўлга қуйиш лойиҳалари талаблари бузилганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган чегаралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган чегараларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузганда хўжалик фаолияти йўлга қўйилганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фаолиятларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилганда;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганда;
- муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш тартиблари бузилганда; табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини берилмаганда, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда ашёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талаблари бузилганда;

- муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойлар бузилганда уларга шикастга етказилганда ёки улар йўқ қилинганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бундай ҳудудларни ўз билганича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий, моддий ва жавобгарликка тортиладилар.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузгалиги учун қўйидаги маъмурий жавобгарлик турлари қўлланилади:

1. жарима солиш;
2. маъмурий тартибни бузишга сабабчи бўлган қуролларни олиб қуйиш;
3. қонунга ҳилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабабчиси бўлган қуролларни мусодара қилиш;
4. маъмурий қамоққа олиш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилиб берилган. 82-моддада шундай дейилади: Давлат қўриқхонаси тартибини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

74-моддада сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3/1 қисмидан бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади деб ёзиб қўйилган. Ер ости бойликларидан фойдаланиш талабларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Табиатни муҳофаза қилишда интизомий жавобгарлик ҳам қўлланилади. Бунда айбдор ҳулқида ноўрин ҳатти-ҳаракат мавжудлиги инобатга олинади.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликлар қўйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- давлатнинг табиат манбааларига нисбаттан эгалик ҳуқуқи бузилганда;
- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланилганда;
- давлат экология экспертизаси талаблари бажарилмаганда;
- атроф муҳитни ифлослагани учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганда;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботи бузилганда;
- атроф муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидалари бузилганда;
- атроф муҳит ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганда.

Ер конунчилиги. Ердан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш.

Қонунлар ерга оқилона муносабатда бўлиш, асраб авайлаш, қадрлаш, доимо тупрок унумдорлигини ошириб бориш талабини қўяди, ердан фойдаланиш қоидалари бузилганда уни ҳимоя қилади. Мазкур ҳуқуқий чоратadbирлар жиноят, фуқаролик, меҳнат, ер кодекслари меъёрларида узифодасини топган. Жумладан, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 60-моддасида ердан ўз бошимчалик билан фойдаланиш ёки ерга эгалик ҳуқуқига зид битимлар тузиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, ер участкаларини ўз бошимчалик билан эгаллаб олиш, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоқ билан жазоланади. Ушбу кодекснинг 65-моддасида кўрсатилишича ердан хўжасизларча фойдаланилган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солинади. Мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш барваригча миқдорда жарима солинади. Ер бериш тартибини бузган мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорида жарима солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қароридан:

ИИИ. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

13. ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида кўйилдаги ҳуқуқларга эга:

- ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;
- ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

2002 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида» ги Қонуни қабул килинди.

Қонуннинг 32-моддасида ер каъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари 33-моддасида эса ер каъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Қонуннинг 34- моддасига биноан ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши тўхтатиб турилиши ёки муддатдан илгари тугатилиши мумкин.

- Ҳаммаси ер ости участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги аҳоли ҳаётига, соғлиғига ёки атроф муҳитга таъсир юзага келганда.
- Агар ер остидан фойдаланувчи бир йил мобайнида ер усти участкасидан фойдаланишга киришмаган бўлса.
- Ер остидан фойдаланганлик учун тўловлар мунтазам равишда тўланмаган тақдирда.
- Ер остидан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартномаларини бузганда.

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари турлари
3. Тадбиркорлик ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари
4. Тадбиркорлик шартномалари ва тадбиркорлик соҳасидаги юридик жавобгарлик.

1. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси.

Тадбиркорлик – капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият. Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир. Тадбиркорлик ноёб қобилият, ер, меҳнат, капитал, ахборотлар билан бир қаторда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик бизнесга киради, аммо ҳар қандай бизнес тадбиркорлик бўлавермайди. Бизнесда товар ва хизматлар яратилиб, бозордаги талаб қондирилганда тадбиркорлик фаолияти юзага келади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятга тадбиркорлик фаолияти ёки тадбиркорлик дейилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик қуйидаги тамойилларга таянади:

- бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш;
- фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш;
- иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалига иш қила билиш;
- янгиликка интилиш;
- белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш;
- тадбиркорлик сирини сақлаш;
- ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлигини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш.

Ташкилий жиҳатдан тадбиркорлик жисмоний ва юридик шахслар фаолиятидан иборат. Тадбиркорлик бизнес сифатида, асосан, саноат, аграр ва сервис соҳаларида амал қилади.

- давлат тадбиркорлиги;
- хусусий тадбиркорлик;
- жамоа тадбиркорлиги;
- аралаш тадбиркорлик.

Ишнинг кўлами жаҳатидан тадбиркорлик уч турга бўлинади:

- кичик тадбиркорлик;
- ўрта тадбиркорлик;
- йирик тадбиркорлик.

Тадбиркорлик турлари бир-биридан капитал миқдори, ишловчилари сони, яратилган маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати (ҳажми) ва олинган фойда миқдorigа қараб фарқланади. Тадбиркорлик ғоят мураккаб фаолият бўлганидан, махсус истеъдод, тайёргарлик ва тажрибани талаб қилади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” да инсоннинг тадбиркорлик ҳуқуқи ҳақида бевосита норма мавжуд эмас. Бироқ Декларациянинг 17-моддасида “Ҳар бир инсон яқка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш соҳибидир”, 23-моддасида эса “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир ишлайдиган одам ўзи ва оиласи учун муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эгадир”-деб кўрсатилади. Ушбу ҳуқуқлар эса тадбиркорлик ҳуқуқларининг ўзаги, негизи, ўзига хос “ҳамиртириши” ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари доирасидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий мақсади эканлиги белгилаб қўйилган ва бунда давлат тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаши ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик эркинлигининг конституциявий мақомга кўтарилиши дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қонунчилигида ҳам кузатилмаган, бинобарин, у Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг юқори даражадалигидан дарак беради.

Инсон ҳуқуқларининг қўйидаги турлари бевосита тадбиркор – жисмоний шахс ҳуқуқларининг амалга оширилишида муҳим ҳисобланади:

- а) барча шахсларнинг қонун олдида тенглиги;
- б) шаън, қадр-қимматининг ҳимоя қилиниши;
- в) бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш, Ўзбекистон ҳудудига эркин кириш ва ундан чиқиш;

ахборотлар излаш, олиш ва уни тарқатиш;

д) ўз ҳуқуқлари ва манфатларига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш;

е) мулкдор бўлиш, ижтимоий маъминот олиш.

Ушбу ҳуқуқлар Конституциямизнинг 18,27,28,29,30,36- ва 39-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонуннинг 54-моддасида мулк ҳуқуқининг мазмуни, унинг асосий элементлари, мулкдор ваколатларининг чегараси аниқ-равшан белгилаб қўйилган ва бу ҳолат ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳал қилувчи кучга эга.

Тадбиркорнинг махсус, ўзига хос ҳуқуқлари унинг тадбиркор сифатидаги ҳуқуқий мақоми (мақсадини) тадбиркорликнинг фойда (даромад) олиш мақсадини кўзлаган ҳолда таваккалчилик асосида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатиш белгиларида яққол ифодаланади.

Тадбиркорликнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири – бу якка ўзи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтиришга ҳақли эканлиги ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- 1) Ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш;
- 2) Мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;
- 3) Тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш (товарлар, ишлар, хизматлар бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно);
- 4) Ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини) ишлаб чиқаришларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда

белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш;

- 5) Бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ёки ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан олиш;
- 6) Белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- 7) Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаниш;
- 8) Ўзининг бузилган ёки даъво қилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат этиш.

2. Тадбирокорлик фаолияти субъектлари турлари.

Акциядорлик жамиятлари. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 64-моддасига биноан, устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади. Акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолиятини билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Акциядорлар жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Акциядорлар жамияти икки турга бўлинади: очик ва акциядорлар жамияти. Иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлар жамияти очик акциядорлар жамияти ҳисобланиб, у ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли. Бундай турдаги жамият ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва заралар ҳисоб варағани барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

Акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган акциядорлар жамияти ёпиқ акциядорлар жамияти ҳисобланиб, унинг иштирокчиларининг

сон қонун билан белгилаб қўйилган миқдордан ошмаслиги керак. Агарда ошиб кетса, бир йил ичида очик акциядорлар жамиятига айлантирилиши, шу муддатда акциядорлар сони камаймаса, суд тартибида тугатилади (ФК, 65-66 модда). Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 58-моддасига биноан, улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали) га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Улар қуйидаги шаклда тузилиши мумкин:

- тўлиқ ширкат;
- коммандит ширкат;
- масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият.

Якка тадбиркорлар ва тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва коммандит ширкатларда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлар жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

Хўжалик жамияти ёки ширкатининг иштирокчиларининг ҳуқуқлари:

- ширкат ва жамият ишини бошқаришда қатнашиш;
- ширкат ва жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш;
- фойдани тақсимлашда қатнашиш;
- ширкат ёки жамият тугатилганда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Бурчларига қуйидагилар киради:

- таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиш;

- ширкат ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкат иштирокчиси, фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдордаги улушларга бўлинган жамиятга масъулияти чекланган жамият деб айтилади. Унинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият кўшимча масъулиятли жамият ҳисобланиб, иштирокчилар унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан ночор бўлиб қолганда унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис хужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар киради:

- товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча юридик шахслар;
- хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари;
- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида давлат

тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жихатдан баб-баробар муҳофаза этилиши кафолатлайди деб кўрсатилган. Айни пайтда тадбиркорликнинг моддий негизи бўлган хусусан мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин деб кўрсатилади.

Давлат, тадбиркорларни мулкий ҳуқуқларини кафолатлаб беради. Бу кафолатларнинг моҳияти тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва айниқса, уни давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши ва қўриқланишида намоён бўлади. Бинобарин, тадбиркорнинг мол-мулкни мажбуран тартиб олишга йўл қўйилмайди (бундан истисно ҳоллар фақатгина қонунлардагина назарда тутилиши мумкин). Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ куйидагилар кафолатланади:

- ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
- давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи;
- ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги;
- хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига эркин кириш ҳуқуқи;
- қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги;
- якка тартибдаги тадбиркорликни ўз номидан амалга ошириш ҳуқуқи;
- фирма номи, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги;
- ахборот олиш эркинлиги;

- ўз маҳсулоти ишлари, хизматлари ва даромадларини, фойдани тасарруф этиш эркинлиги;
- мулк ҳуқуқлари ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари;
- кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш;
- шартномалар тузиш эркинлиги.

Тадбиркорлар шартномалари, шартнома асослари. Тадбиркор ўз фаолияти учун зарур бўлган барча воситаларни олди-сотди шартномаси орқали ўзига мулк сифатида харид қилиб олиши мумкин. Энг асосийси, бу воситалар фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган бўлиши лозим. Айни вақтда фуқаролик қонунларида олди-сотди шартномаси умумий қоидалари билан айрим мол-мулк объектларини сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган. Масалан, кўчмас мулкни сотиб олиш (ФКнинг 479-488-моддалари), корхонани, сотиб олиш (ФКнинг 489-496-моддалари). Бинобарин, тадбиркор ушбу қоидаларга риоя қилган ҳолда турли мол-мулк объектларини сотиб олишга ҳақли. Бинолар, иншоотлар, ускуналарни лизинг (молия ижараси) орқали олиш ҳуқуқи муҳим ҳисобланади. Лизингни афзаллиги шундаки, янги техника, ускуналарни сотиб олишга имкони бўлмаган тадбиркорлик субъекти (лизинг олувчи) учун бошқа бир субъекти, масалан тижорат банки (лизинг берувчи) ўз маблағи ҳисобидан лизинг шартномаси асосида янги техника, ускуна сотиб олиб беради ва унга эгалик қилиш, фойдаланиш учун топширади. Лизингнинг кредитдан афзаллиги шундаки, бунда лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг нарсаси (ускуна)ни ўзига қайтариб олади, бинобарин уни таваккал қилиш даражаси анча паст. Кредитда эса олинган кредит маблағи умуман йўқ бўлиб кетиш таваккали мавжуддир. Лизинг бўйича муносабатлар ФКнинг 587-599-моддаларида белгиланган ва лизинг тўғрисидаги махсус қонун билан тартибга солинади.

Тадбиркорнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосда жалб этиш ҳисобланади.

Бошқаларнинг мол-мулкидан фойдаланишнинг энг кенг шар қолган шакли ижара ҳисобланади. Ижара предмети бўйича мулк ижараси (ФКнинг 535-557-моддалари), прокат (ФКнинг 558-563-моддалари), транспорт воситалари ижараси (ФКнинг 564-572-моддалари), бинолар ва иншоотлар ижараси (ФКнинг 573-578-моддалари) корхоналарни ижарага олиш (ФКнинг 579-586-моддалари), молиявий ижара (ФКнинг 587-599-моддалари), уй-жой ижараси (ФКнинг 600-616-моддалари) каби ижара турлари билан фарқланади.

Ижара шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

- Ижара предмети, унинг қиймати;
- Ижара ҳақи;
- Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Ижарадан фойдаланиш шarti ва тартиби;
- Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш, ёмонлаштириш оқибатлари;
- Шартномани бузганлик учун жавобгарлик.

Баъзи ҳолларда тадбиркор бошқа шахсларнинг мол-мулкни рента тўлаб туриш шarti билан фойдаланишга олиши мумкин. Бу ҳолат ФК нинг 512-529-моддалари билан тартибга солинади. Тадбиркор бошқаларнинг мол-мулкни текин фойдаланишга олганда ФКнинг 617-630-моддаларига риоя қилиши шарт.

Ижара предмети, муддати ва суммасига қараб ижара шартномалари баъзи ҳолларда нафақат ёзма тузилиши, балки у нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади (масалан, корхонани ижарага олишда, ФКнинг 580-моддаси).

Тадбиркорлик соҳасидаги юридик жавобгарлик. Шартномавий жавобгарлик. Хўжалик юритувчи субъектлар шартномаларда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим

даражада бажарилиш ҳамда шартнома интизомига риоя қилишлари талаб этилади. Шартнома интизомининг бузилиши мулкий жазо-неустойкалар, зарарларни ундириш чоралари қўлланилишига олиб келади. Шартноманинг интизомини бузиш, яъни шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 176-176-1-модасида тегишли жавобгарлик ўрнатилган.

Монополияга қарши қаратилган фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга ахборот тақдим этмаслик ёки унга атайин нотўғри маълумотлар тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси М.Ж.Книнг 178-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-192-моддаларида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш сақлаш, ташиш ёки ўтказиш; савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш; савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш; фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш; қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш; рақобатчини обрўсизлантириш каби қонунбузарликлар учун тегишли жиноий жавобгарликлар кўзда тутилган.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 333-моддасида белгилаб қўйилган.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

РЕЖА:

1. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, вазифалари ва тамойиллари.
2. Жиноий жавобгарлик, жиноятчилик тушунчаси.
3. Жиноятнинг таркибий унсурлари.
4. Жазо тушунчаси, жазо турлари, жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш асослари.

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси. Жиноят ҳуқуқи — қилмишнинг ижтимоий хавфли ва жиноят эканлигини аниқловчи, уни содир этганлик учун жазо тури ва миқдорини белгиловчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат мустақил ҳуқуқ тармоғи.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишдан; жиноятларнинг олдини олишда фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят ҳуқуқининг ягона манбаини Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда амалга киритилган Жиноят кодекси ташкил қилади.

Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикасининг барча жиноят қонунлари мажмуидан иборат бўлиб, унда ички умумийлиги ва ўзаро алоқадорлиги билан ажралиб турадиган, жиноят ҳуқуқининг принциплари ва умумий қоидаларини белгилаб берадиган ҳамда қайси ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб ҳисобланиши, ушбу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга қайси жазо тури ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жиноят тушунчаси. Жиноят — содир этилиши жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Жиноят қонунида жиноятларнинг тўртта белгиси ажратилган.

- 1) ижтимоий хавф;
- 2) ғайри қонунийлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлилик

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига кўра тўрт тоифага бўлинади:

- 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар;
- 2) унча оғир бўлмаган жиноятлар;
- 3) оғир жиноятлар;
- 4) ўта оғир жиноятлар.

Жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. 13 ёшдан бошлаб айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун, шунингдек 14 ёшдан бошлаб ЖК 17-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган айрим жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган бўлиб, булар умумий қоидадан истисно ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради:

- қасддан одам ўлдириш;
- кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолида қасддан одам ўлдириш ;
- қасддан баданга оғир шикаст етказиш;
- қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш;
- кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ва баъзи бир бошқа жиноятлар киради.

Айрим ҳолларда ЖК Умумий қисми моддаларининг тузилишига кўра жиноий жавобгарлик анча каттароқ ёшда бошланиши ҳам мумкин, масалан, ҳарбий жиноят учун жиноий жавобгарлик 18 ёшдан бошланади.

Жиноий жавобгарлик жиноят содир этган шахс билан давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир этилган пайтдан бошлаб юзага келади.

Жиноят ҳуқуқи предмети. Жиноят аломатларини акс этирувчи ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят ҳуқуқининг предметини ташкил этади. Бу ижтимоий хавфли қилмишларга қўйидагилар киради:

- шахсга қарши жиноятлар;
- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар;
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;
- жиноят қонуни билан таъқиқланган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлар.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини сақлаш ва ҳимоя қилиш.
2. Шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва ижтимоий хавфсизликни муҳофаза этиш.
3. Жиноий тажовузлардан фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлаш.
4. Инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш.
5. Жиноятларнинг олдини олиш.
6. Фуқароларни Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш.

Жиноят ҳуқуқининг функциялари:

1. Ҳимояловчи функция.
2. Олдини оловчи функция (превентив).
3. Тарбиявий (ахлоқ тузатиш) функция.
4. Рағбатлантирувчи функция.

Жиноят ҳуқуқининг тамойиллари:

1. Қонунийлик тамойили.
2. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили.

3. Демократизм тамойили.
4. Инсонпарварлик тамойили.
5. Одиллик тамойили.
6. Айб учун жавобгарлик тамойили.
7. Жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқнинг бир қанча бошқа соҳалари, жумладан, жиноят-процессуал ҳуқуқи, ахлоқ тузатиш меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир.

Жиноятлар таркиблари. Ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ равишда жиноят таркиблари қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) Жиноятнинг асосий таркиби;
- 2) Енгиллаштирувчи ҳолатлари бўлган жиноят таркиби (имтиёзли);
- 3) Оғирлаштирувчи ҳолатлари бўлган жиноят таркиби (квалификациялаштирилган);
- 4) Алоҳида квалификациялаштирилган жиноят таркиби.

Баён этиш усулига кўра жиноят таркиблари 3га бўлинади:

- 1) оддий; 2) мураккаб; 3) муқобил.

Тузилишига кўра жиноят таркиблари қўйидагиларга бўлинади;

- а) моддий таркиб жинояти
- б) формал таркиб жинояти
- в) кесик таркибли жиноятлар

Жиноятнинг таркиби - жиноят қонуни билан белгиланган ҳамда муайян ижтимоий-хавфли қилмишни жиноят сифатида ифодаладиган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси. «Жиноят таркиби» тушунчасини жиноят ҳуқуқида жиноят таркибининг элементлари деб номланадиган тўрт гуруҳ аломатлар йиғиндиси ташкил қилади. Булар жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони жиноят субъекти ва жиноятнинг субъектив томонидир.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқладиган ва жиноят содир этиш натижасида зарар етказиладиган ёки етказиш хавфи остига қўйиладиган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг объектив томонига қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг хусусиятлари ва жиноят содир этиш натижасида келиб чиққан оқибат ва қилмиш билан жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш. шунингдек жиноят содир этилган жой, вақт, уни содир этиш усули, воситалари ва бошқалар киради.

Жиноят субъекти фақат қонунда белгиланган ёшга етган, ақли расо, яъни ўз ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган ва уларни бошқара оладиган жисмоний шахс (инсон) бўлиши мумкин.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва жиноий оқибатга руҳий муносабати ақли, иродаси ва мотивларнинг узвий бирлигидан иборатдир. Субъектив томон белгиларига айб, мотив, мақсад ва ҳиссий ҳолат киради.

Қасддан жиноят содир этиш босқичлари. Қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг амалга ошиш даражаси ва хусусияти билан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, айбдор қасдини амалга оширишини акс эттирадиган босқичлар ёки жиноий фаолиятнинг ривожланиш давлари қасддан жиноят содир этиш босқичлари деб аталади.

Қасдан жиноят содир этиш босқичларининг турлари:

- 1) жиноятга тайёргарлик кўриш;
- 2) жиноят содир этишга суиқасд қилиш
- 3) тамомланган жиноят.

Жиноятда иштирокчилик. ЖКнинг 27-моддасига биноан, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида Жиноят иштирокчиларининг турлари асослаб берилган. Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ЖКга мувофик жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида Жиноят иштирокчиларининг шакллари кўрсатиб берилган. Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади

Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Иштирокчиликнинг шакллари. Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Бир қанча жиноят содир этиш.

1)Жиноят қонунида бир қанча жиноят содир этишнинг учта шакли ажратилган:

1)такроран жиноят содир этиш

2)жиноятлар мажмуи

3)рецидив жиноят

Такроран жиноят содир этиш. Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Жиноятлар мажмуи. Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Рецидив жиноят. Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, Ўзбекистон Республикаси ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин. Шахсни ўта хавфли

рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

Такроран жиноят содир этиш. Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси. Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки

айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

1) кам аҳамиятли қилмиш;

2) зарурий мудофаа;

3) охирги зарурат;

4) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш;

5) буйруқни ёки бошқа вазифани ижро этиш;

6) касб ёки хўжалик фаолиятига бортқ асосли таваккалчилик

Ушбу ҳолатларни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб таърифлаш уларнинг жамият учун хавфли эмаслиги, қонунга ҳилоф ёки айбли эмаслигига асосланади.

Жиноят ҳуқуқида жазо. Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жазонинг қуйидаги асосий турлари белгиланган:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) ахлоқ тузатиш ишлари;

- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Шахсни муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш — ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Қамоқ — шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш — муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади,

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданингучинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар. Қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жихатидан ёхуд бошқа жихатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жихатидан ёки бошқа жихатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Маҳкумларга, асосий жазолардан ташқари, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш нафақат асосий жазо сифатида, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга одил жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусу

сияти ва даражасини, қилмишнинг мотивларини, етказилган зарарнинг хусусия-

ти ва миқдорини, айбдорнинг шдхсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаш-рувчи ҳолатларни инобатга олади.

Жазо Жиноят кодексининг Умумий қисмида кўрсатилган жиноятларнинг турлари ва уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо чораси ҳақидаги моддаларнинг тегишли санкция доирасида тайинланади.

Жиноят кодексининг Махсус қисми 8 бўлибдан иборат бўлиб, қуйидагиларни назарда тутди:

- 1)шахсга қарши жиноятлар;
- 2)тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар;
- 3)иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;
- 4) экология соҳасидаги жиноятлар;
- 5)ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар;
- 6)жамоат тартибига қарши жиноятлар;
- 7)Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. «Адолат» 2011 й.
1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». Т. «Адолат» 2010 й.
 2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. А.А.Иноятов. –Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 2002 й.
 3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат Қонунчилиги бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2006 й.
 4. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. , «Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракти)», Т. 1-2-3, 1996 й.
 5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. Т. ТДЮИ. 2008.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.,2011
 - Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, 2010й.
 - Исломов З.,Хусанов О., Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. Т., 2001й.
 - Отахўжаев Ф.М. Юлдашева СҲ.Р. Оила ҳуқуқи. Дарслик. Т.ТДЮИ. 2009й.
 - Ўзбекистон Республикаси Кодекслари тўплам. 1-қисм. Т.2009й
 - -Х.Ҳ Махмудов ва бошқалар.Ҳуқуқшунослик.Тошкент 2010 йил
 - - Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни. Т.1992 йил.
 - - Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун. Т.1993 йил 6 май.
 - - Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Тошкент, 1991 йил.

- - Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. Тошкент, 2000 йил.
- - Хайшибоев Э.Р. Экология ҳуқуқи ўқув қўлланмаси. Тошкент, 2001 йил.
- И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
- Раҳмонқулов Ҳ., Рўзиназаров Ш. ва б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т.1-2. Дарслик. Т., 2002
- Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. Т., 2009
- Рўзиев Р.Ж., ва Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. Ўқув қўлланмаси. Т., 2011
- Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил, 2 май
- Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Т., 1999
- Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. Т., 1998
- ҳтг: // www.Lex.uz.
- Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Т.ТДЮИ. 2009
- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., 2012
- Э.Хожиев. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқи. Т., 2007. Ўқув қўлланма
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004
- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., 2011

Ҳуқуқий атамалар изоҳи ва таянч тушунчалар

Ажрим – процессуал акт. Жиноят, Фуқаролик ёки хўжалик иши бўйича, шунингдек, кассация ёки назорат босқичида чиқариладиган, ишнинг моҳиятини ҳал қилмайдиган, яъни ҳукм ёки қарорни ўзгаришсиз қолдириш, унга ўзгартиришлар киритиш, бекор қилиш сингарилар бўйича қарор.

Айбланувчи – қонунда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс. У судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилгандан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.

Айблов – жиноят процессида ваколатли органлар ва шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилган шахс айбдорлигини исботлашдан иборат фаолияти. Унинг уч тури мавжуд: давлат айблови, жиноят айблови ва хусусий айблов.

Айбсизлик презумпцияси – жиноят процесси ҳуқуқида айбланувчи (судланувчи)нинг айби далиллар асосида тўлиқ исботланмагунча унинг айбсиз эканлигини эътироф этиш.

Алиби – айбланувчи ёки айбланувчи деб гумон қилинган шахснинг жиноят содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлиш ҳолати.

Амнистия – жиноят содир қилган шахсларни жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. У норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Апелляция – бир қанча хорижий мамлакатлар ҳуқуқида ҳали қонун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш. Апелляция суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб, янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради.

Авф этиш – жазодан озод қилишнинг бир тури. Ўзбекистон Конституциясига кўра, бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган.

Ахлоқ тузатиш колониялари – Ўзбекистон Республикасида ахлоқ тузатиш муассасасининг турларидан бири. У жиноят-ижроия кодексига мувофиқ вояга етган судланганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташлари учун мўлжалланган. Улар манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади.

Ақлий заифлик – интеллектдаги камчилик. У икки хил бўлади: туғма ва орттирилган.

Ақлий норасолик – шахснинг сурункали руҳий хасталиги. Руҳий фаолиятнинг вақтинчи бузилиши, ақлий заифлашув ёки бирон-бир касаллик оқибатида ўз ҳатти-ҳаракатларидан ўзига ҳисоб беришга ёки ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаришга лаёқатсизлиги. Махсус тиббий экспертизаси томонидан ақли норасолиги аниқланган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бир тарафлама битим – ФКнинг 102-моддасига мувофиқ, битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига кўра, бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчларни келтириб чиқаради.

Бир умрга озоликдан махрум этиш – жиноий жазо тури. Фақат ҳаётга суиқасд қилувчи ўта оғир жиноят учун белгиланган ўлим жазосига муқобил чора сифатида назарда тутилади ва суд сўнгги жазо чорасини қўлламаслик мумкин деб ҳисобланган ҳолларда белгиланади. Ўзбекистон 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши билан жазо чораси сифатида қўлланиши назарда тутилмоқда.

Битим – фуқаролик ҳуқуқида фуқаро ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини ўрнатиш, ўзгартириш ва тугатишга қаратилган ҳаракат.

Бошқарув шакли – комплекс конституциявий-ҳуқуқий институт бўлиб, бунда ҳокимиятнинг расмий манбаи ва амалга оширилиш шакли англанади. Бошқарув шаклининг асосий, белгиловчи аломати давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақомидир. Ҳозирги замон давлатларидаги бошқарув шаклининг икки тури – республика ва монархия хос.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашё – бўлинадиган ашё деганда бажарадиган вазифасини бўлиш мумкин бўлган нарсалар, бўлинмайдиган ашё деганда эса – шу тариқа бўлинса олмайдиган нарсалар тушунилади. Шундай қилиб, дон ва кўмар-бўлинадиган, телевизор ва автомобиль эса бўлинмайдиган ашёдир.

Ваколат – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсга бериладиган фаолият доираси. Фуқаролик қонунларига кўра, ваколат бир шахс томонидан вакилликни амалга ошириш чоғида берилади ва ваколат берилган шахснинг ҳуқуқ доиралари белгилаб қўйилади.

Васийлик – ФКнинг 32-моддасига мувофиқ, васийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлар ўз ҳимояларида шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Васиқа – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мол-мулкка эгалик қилишни тасдиқловчи далолатнома, ҳужжат.

Васиятнома – қонунда белгиланган тартибда фақаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси ва бу истакни акс эттирувчи ҳужжат. Васиятнома уни тузиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда ёзма тузилган бўлиши, васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Виндикацион даъво – мулкдорнинг ўзганинг ноқонуний эгалик қилишидан ашёни талаб қилиб олиш ҳақидаги ёки бошқача айтганда, мулкига эгалик қилмаётган мулкдорнинг эгалик қилаётган мулкдор бўлмагандан мол-мулкни қайтариш ҳақидаги даъвоси.

Ворис – қонун бўйича ёки васият орқали меросхўр бўлиш ёки меросхўр ҳуқуқига эга бўлиш.

Вояга етганлик ёши – қонунда белгиланган ёш бўлиб, фуқаро шу ёшга етгач тўлалигича ҳуқуқий лаёқатли деб саналади. Ўзбекистон Республикасида 18 ёш вояга етганлик ёши деб белгиланган.

Гаров- 1) Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг асосий усулларида бири. 2) Жиняотларнинг олдини олиш чоралари. Гаров суднинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг чақируви бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишини таъминлашда ташкилот ёки бошқа юридик шахс томонидан ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан суд депозициясига қўйган қимматликлар ёки пулларда ифодаланади.

Гувоҳ – бирор-бир жиноят ёки фуқаролик иши бўйича ўтадиган бирон-бир ҳолатни ўз кўзи билан кўрган шахс.

Гумон қилинувчи – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 47-моддасига кўра-жиноят содир этишда иштирок этганлигини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлган ҳолда, терговга ёки прокурор томонидан қарор асосида гумон қилинувчи сифатида тан олинган жисмоний шахс.

Давлат назорати – давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг давлат органлари чиқарадиган қонунларга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлайдиган шаклларида бири.

Далолатчи – Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28-моддасида белгиланган иштирокчиликнинг бир тури. Далолатчилик ўзга шахсни жиноят содир этишга ундаш ёки жиноий фаолиятда қатнашишга қизиқтиришда ифодаланади.

Даъво – бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёки қонун томондан муҳофаза қилинадиган манфаатни суд (хўжалик суди) орқали ҳимоя қилиш воситаси. Даъвонинг икки томони фарқланади: моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий.

Даъво муддати – фуқаролик ҳуқуқида шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғотиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат. Фуқаролик Кодексининг 150-моддасига мувофиқ умумий даъво муддати 3 йил.

Диспозиция – ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқ субъекти хатти-ҳаракатидаги юридик аҳамиятга эга мазмунни очиқ берувчи таркибий қисми.

Жабрланувчи – Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига кўра, етарлича далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс. Жабрланувчи тариқасида ишга жалб қилиш суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори билан амалга оширилади.

Жиноий жазо – давлатнинг мажбурлаш чораси: жиноят қилган шахсларга суд ҳукми билан қўлланилади.

Жазо – жиноят қонунчилигига асосан, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жиноий жавобгарлик – юридик жавобгарлик турларидан бири. Жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, айбдорга нисбатан жазолаш шаклидаги давлат мажбурлов чорасини қўллашдан иборат.

Жиноят – Жиноий Кодекс билан тақиқланган, айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади.

Жиноят мотиви – жиноий қилмиш содир этишга аҳд қилдирувчи англаб етилган туйғудир. Мотив доимо жиноятдан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини аниқлайди.

Жиноят таркиби- Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг назарда тутилган, содир қилинган ижтимоий хавфли ҳаракатни аниқ жиноят тури сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси.

Жиноят ҳуқуқи – ижтимоий муносабатларнинг муайян тизими учун хавфли бўлган қилмишнинг жиноийлигини ва жазоланишиш белгиловчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат ҳуқуқ тармоғи.

Жисмоний шахс – 1) Ўзбекистон фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар. 2) Фуқаролик ҳуқуқида жамоани ташкил этувчи юридик шахсдан фарқли ўлароқ, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган алоҳида фуқаро(хорижлик фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс).

Заколат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ФК бўйича шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун шартнома юзасидан иккинчи тарафга тўлайдиган пулидан берадиган пул суммаси заколат деб тушунилади.

Зарар – фуқаролик ҳуқуқида бир шахснинг қонунга хилоф ҳаракати билан иккинчи бир шахсга етказилган пул шаклидаги зиён.

Ижтимоий хавфлилик – жиноятнинг объектив хусусиятларини акс эттирувчи белги. Ижтимоий хавфлилик ҳуқуқий ҳимоя объектларига зарар етказувчи ёки зарар етказишга реал хавф туғдирувчи қилмишларни жиноят тоифасига киритиш кераклилигидан иборатдир.

Интеллектуал мулк – ижодий фаолият ва индивидуаллаштириш ваколатларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар йиғиндисини билдирувчи тушунча. У адабий, бадий ва илмий асарларга, артистларнинг ижро фаолиятига, овоз ёзиш, радио ва телевизион эшиттиришларга, ихтироларга, саноат намуналарига, товар белгиларига, фирма номларига бўлган ҳуқуқни қамраб олади.

Интизомий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг бир тури. Меҳнат интизомини бузувчига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашда намоён бўлади. 1) ҳайфсан; 2)ўртача иш ҳақининг 20% идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий қисмлар – судланган ҳарбий хизматчилар жазо ўташи учун мўлжалланган махсус ҳарбий қисмлар (батальонлар, роталар).

Истеъмол буюмлари – ижтимоий, иқтисодий муносабатларда, маиший ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган буюмлар.

Иш вақти – меҳнат ҳуқуқида календарь вақтининг бир қисми, бу вақт мобайнида ишчи ёки хизматчи ўзига кўрсатилган жойда топширилган ишини ёки бошқа иш мажбуриятларини бажариши керак. Бир ҳафталик иш вақти 40 соатдан ошмаслик лозим

Иш ҳақидан ушлаб қолиш – Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳуқуқига асосан маъмуриятнинг топшириғи бўйича қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади, масалан: иш ҳақи ҳисобидан берилган аванс (бўнак)ни қайтариш учун; Ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган пулни қайтариш учун; ходимнинг айби билан етказилган зарарни қоплаш чоғида. Ҳар бир иш ҳақини тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган маблағнинг умумий ҳажми иш ҳақининг 20% дан, қонунларда махсус назарда тутилган айрим ҳолларда ёки бир неча ижроия ҳужжатларда бўйича ушлаб қолиш чоғида эса – иш ҳақининг 50% дан ошмаслиги керак.

Ишдан четлаштириш – ойлик маошини ушлаб қолган ҳолда ходимни вақтинча ишдан четлаштириш. МКнинг 113-моддасига мувофиқ, ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди. Алкаголли ичимликдан, наркотик ёки заҳарли модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди

Кассация инстанцияси – фуқаролик процессуал ва жиноят процессуал ҳуқуқларидан биринчи инстанция судининг қарорлари, ҳукмлари устидан касацион шикоят ёки протест ва ажримлари ҳамда қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан хусусий шикоятлар (протестлар) бўйича ишни кўриб чиқувчи иккинчи суд инстанцияси.

Кассация инстанцияси суди – қарор, ҳукм чиқарган судга нисбатан бевосита юқори турувчи суд.

Кафиллик – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бир шакли. ФКнинг 292-моддасига асосан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. У келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Контрактация – маҳсулот етиштирувчи билан давлат ёки бош харидор ўртасида тузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги шартнома.

Мажбурият – ФКнинг 234-моддасига биноан, фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мансабдор шахслар – ҳокимият вакили функциясини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд давлат органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида, давлат муниципал муассасаларида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида ташкилий, тақсимот, маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи шахслар.

Мафия – шантаж, зўрлик ва ўлдиришга асосланган, яширин ҳолатда иш олиб борадиган жиноий гуруҳ, бирлашма.

Меҳнат дафтарчаси – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 81-моддасига биноан, ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги асосий ҳужжат. У корхона, муассаса, ташкилотларда 5 кундан ортиқ ишлаётган ходимларнинг ҳаммасига юритилади.

Меҳнат ёши – инсон меҳнат қилиш қобилиятига, меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўладиган ёш. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ёши эркаклар учун 16-60 ёш, аёллар учун 16-55 ёш қилиб белгиланган.

Моддий жавобгарлик – меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларини бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ФК ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Муаллифлик ҳуқуқи – муаллифнинг фан, маданият, адабиёт, санъат соҳасида яратган янгиликларга берилган ҳуқуқи.

Неустойка – қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Никоҳ – эркак ва аёл оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун билан ёки дин томонидан мустаҳкамланган шакли. Ўзбекистонда никоҳнинг дунёвий-демократик шакли-эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишга асосланган моногам никоҳ ўрнатилган.

Норматив ҳуқуқий акт – ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилинган юридик ҳужжати. У умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади.

Оталикни суд тартибида аниқлаш – оталик фактини суд тартибида аниқлаш тадбири. Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-оналарнинг фарзанди туғилганда ва ота-оналарининг биргаликдаги аризаси ёки отасининг аризаси бўлмаганда боланинг муайян шахсдан келиб чиқиши (оталик) ота-оналардан бирининг, боланинг восийси (ҳомийси) ёки болани ўз қарамоғига олган

шахсининг аризасига кўра, шунингдек, вояга етган боланинг ўзи ёзган аризаси бўйича суд тартибида аниқланади.

Регресс даъво – қарздорнинг айби билан учинчи шахсга тўланган пулни қайтариш тўғрисидаги қарши талабнома.

Санкция – қатъий чора ва тадбир. Ҳуқуқда санкция тўрт асосий турга бўлинади: 1) жиноий-ҳуқуқий. 2) маъмурий-ҳуқуқий. 3) ижтимоий-ҳуқуқий. 4) мулкӣ

Синов муддати – а) ишга қабул қилишда белгиланади. Унинг муддати 3 ойдан ошмаслиги керак. б) суд томонидан шартли ҳукм қилишда

Субъектив ҳуқуқ – фуқаровий ташкилотнинг ўз манфаатларини қондириш билан боғлиқ бўлган мақсадига эришиш йўлида амалга ошириши мумкин бўлган ҳатти ҳаракатлари қонун орқали таъминланган чораси. Унинг дастлабки шарт-ҳуқуқий лаёқатлилиқ, яъни умумий ҳуқуққа эга бўлиш лаёқати асосида юзага келади.

Табиий ҳуқуқ-давлат ва ҳуқуқ назариясида инсон табиатидан келиб чиқувчи ва шу туфайли муайян давлатнинг қонунлар орқали тан олишга ёки тан олмаслигига боғлиқ бўлмаган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар мажмуасини билдирувчи тушунча.

Умумий ҳуқуқ- ХИИИ-ХИВ асрларда Англияда шаклланган ҳуқуқий тизим. Унинг асосий манбаи деб суд прецеденти эътироф этилади. Қонунлар айрим соҳадаги муносабатларни тартибга солади, лекин ягона тизимга келтирилмаган.

Умумий мулк – фуқаролик қонунларига биноан, икки ёки ундан ортиқ шахсининг эгалигида бўлган мол-мулк, уларга умумий мулк асосида тегишли бўлади. ФКнинг 216-моддасига биноан, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Унитар корхона – ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

Фуқаролик жамияти – конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурий ва оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлигининг шакллари эркин танлаш ҳуқуқи қафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган ижтимоий тузум. У жамиятга хизмат қилувчи давлатни назорат қилади.

Фуқаронинг муомала лаёқати – фуқаронинг ўз ҳаракати билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш ва амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини яратиш ва уларни бажариш қобилияти. У тўла ҳажмида шахснинг балоғат ёшига, яъни 18 ёшга тўлиши билан юзага келади.

Шартнома – фуқаролик ҳуқуқида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келишуви, битимнинг тури. Унинг синоними – контракт.

Юридик акт – муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи, юридик ҳолатни яратувчи ва ижтимоий муносабатларни бошқаришга қаратилган расмий ёзма ҳужжат.

Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш.

Ҳуқуқий лаёқат – фақароларнинг мавжуд ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати.

Ҳуқуқий нормалар – давлат томонидан қонун билан белгиланган ва барча учун бажарилиши мажбур ҳисобланган ахлоқий қоидалар.

М У Н Д А Р И Ж А:

Кириш.....	3-б.
Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳақида асосий тушунчалар.	5-б.
Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, моҳияти белгилари, тизими ва манбалари.....	22-б.
Маъмурий ҳуқуқ асослари.....	60-б.
Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи.....	82-б.
Молия ҳуқуқи асослари.....	106-б.
Меҳнат ҳуқуқи асослари.....	118-б.
Оила ҳуқуқи асослари.....	146-б.
Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи асослари.....	172-б.

Экология ҳуқуқлари асослари.....	180-б.
Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари.....	188-б.
Жиноят ҳуқуқи асослари.....	199-б.
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	215-б.
Ҳуқуқий атамалар изоҳи ва таянч тушунчалар.....	217-б.

